

Г. Графкин фотолари.



«Колхоз тузуми — Совет социалистик жамиятининг ажралмас қисмидир; бу В. И. Ленин белгилаб берган, тарихий синовдан ўтган, деҳқонларнинг туб манфаатларига мос йўл, аста-секин коммунизмга ўтиш йўлидир».

(Қишлоқ хўжалиги артелининг Намунали Уставидан).

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали

R 496



№ 12 (36)

Декабрь



1969

Э№
№

Г. У. ССР
ЖК

ДЕҲҚОННИНГ БАХТ ЙЎЛИ

Шу йил ноябрь ойида Москвада бўлиб ўтган III Бутуниттифоқ колхозчилар съезди В. И. Лениннинг доҳиёна кооператив плани галабасини намойиш қилди. Журналимизнинг бу саҳифаларида ўзбек деҳқони ҳаётидаги буюк ўзгаришни, коллектив меҳнатнинг порлоқ тарихий йўлини кўрсатувчи қиёсий манзараларни кўриб турибсиз. Очодан то мураккаб қишлоқ хўжалиги агрегатларигача, шамчирогдан қудратли элентр станцияларигача, қашшоқ майда рўзгордан йирик ва фаровон коллектив хўжаликларгача босиб ўтилган шонли йўл — колхоз тузумининг меҳнатнаш деҳқон учун айни мудоао эканини исботлади.



Г. ЗЕЛЬМА ва С. БЕЗНОСОВ фотолари.



Уйқусиз тун

В. БОНЧ-БРУЕВИЧ,

Ильич Ер тўғрисидаги Декретни қандай ёзган эди

Биз ярим кечада ором олиш учун менинг кватирамга жўнадик. Овқатдан сўнг мен Владимир Ильичнинг дам олиши учун шаропит тайёрлашга ҳаракат қилдим, чунки у ҳаддан ташқари чарчаган эди. Алоҳида хонада турган ўз каравотимга бориб ётишга уни зўрга кўндирдим, хонада ёзув столи, қозоқ, сиёҳ ва китоблар бор эди.

Мен қўшни хонадаги диванга ётдим ва, фақат Владимир Ильич ётиб ухлаганингга тўла ишонч ҳосил қилганимдан кейингина ухлайман, деб аҳд қилдим. Хавф-хатардан сақланиш учун, ҳар аҳтимолга қарши ҳамма эшикларни қулфладим, тўппончани ўқлаб, ҳамма ўртоқларнинг, Смольнийнинг ҳамда район ишчи комитетлари ва касаба союзларининг телефонларини айрим қозоғга ёзиб қўйдим.

Владимир Ильич ўз хонасидаги чироқни ўчирди. Ухлашганими-йўқми?— деб қўлоқ соламан. Ҳеч нарса эшитилмади. Мудрай бошладим, энди кўзим кетиб, ухлай деганимда Владимир Ильич хонасида чироқ ёзиб қолди. Диққат билан қўлоқ солиб ётдим. У, каравотдан секин туриб, мен томондаги эшикни секин очди, мени «ухлаб ётибди» деб ўйлаб, ҳеч кимни уйғотиб юбормаслик учун секингина оёқ учига юриб, ёзув столи ёнига борди. Ўтириб сиёҳдонни очди-да, қозоқларни олдига ёзиб қўйиб, ишга тушиб кетди.

Владимир Ильич ёзар, баъзан ўчирар, ўқир, кўчирар, яна ёзар эди ва ниҳоят, чамаси, энди оққа кўчира бошлади. Тонг ёришиб, Петрограднинг куз эртаси ёрашира кўрина бошлаганида Владимир Ильич чироқни ўчириб ўрнига ётди.

Эрта билан мен ўрнимдан туриб, уйдагиларнинг ҳаммасидан секин юришларини ва секин гапиришларини сўрадим, чунки Владимир Ильич тун бўйи ишлади, у жуда чарчаган эди. Шу пайт бирдан эшик очилиб, хонадан тамом кийиниб бўлган, бардам, бақувват, тетик ва қуввоқ Владимир Ильич чиқиб келди.

— Социалистик револю-

циянинг биринчи кунни билан қўтлайман!— деди у ҳаммаизни табриклаб, унинг юзига ҳеч қандай ҳорғинлик аломати кўринмас, гўё жуда тўйиб ухлаган кишидай эди. Ҳамма йигилиб чой ичишга ўтирганда, ичкаридан Надежда Константиновна ҳам чиқди, у бизникида ётиб юрар эди; Владимир Ильич чўнтагидан оққа кўчирилган ёзувларни чиқариб, бизга машҳур «Ер тўғрисидаги декрет»ни ўқиб берди.

— Мана шуни эълон қилинса, матбуотда босиб чиқарилса ва кенг тарқатилса, яхши бўлар эди! Шундан кейин буни қайтариб олиб кўрсинлар-чи! Йўқ, бекорга овора бўласан, ҳеч қандай

ҳокимиятнинг бу декретни деҳқонлардан тортиб олишга ва ерни помешчикларга қайтариб беришга қўрби етмайди. Бу — Октябрь революциясининг энг муҳим ғалабаси. Аграр революция шу бугуноқ амалга оширилади ва мустаҳкамланади.

Кимдир Владимир Ильичга жойларда ҳали ер тўғрисида ҳар хил тартибсизликлар ва курашлар қўп бўлади деганида, у дарҳол жавоб бериб айтдики, буларнинг ҳаммаси энди майда масала, ҳаммаси тўғрилиқ кетади, деҳқонлар революцион узагиш программасини тушуниб олсалар, унинг маъносини тўла қақиб олсалар — бўлгани. Владимир Ильич бу декрет деҳқонлар томонидан албатта яхши қабул қилинажagini, чунки унга деҳқонларнинг ўз депутатларига берган ҳамма нақазлари ва талабларни асос қилиб олганлигини батафсил гапириб берди.

Худди шу кунни ер тўғрисидаги декретни стездада эълон қилиш керак эди. Декретни дарҳол газеталарга юборишга қарор қилдик. Декретни ҳеч кечиктирмай, шу тобнинг ўзидаёқ алоҳида китобча қилиб, камида 50 мингта босиб чиқариш ва бу китобчаларни ҳаммадан аввал ўз қишлоқларига қайтаётган барча солдатларга улашиб беришга қарор қилдик, чунки улар орқали декрет кенг ҳалқ оmmasи орасига тез тарқалар эди. Бу иш тез орада жуда боплаб бажарилди ҳам.



ДЕҲҚОНЧИЛИГИМИЗ РАҚАМЛАРДА

● Ер ислоҳоти маҳалида 88 мингдан кўпроқ намбағал ва ўрта ҳол деҳқон хўжалиги 400 минг десятина чамаси ер олди.

● Ўзбекистонда 1922 йилда биринчи марта иккита колхоз тузилган эди. 1928 йилга келиб 675 қишлоқ хўжалик артели ташкил топди. 1932 йил охирида эса деҳқон хўжалигининг 82 проценти колхозларга бирлашди.

● Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 1000 дан ортиқ колхоз ва 325 совхоз бор.

● 1939 йил март ойида 32 километрли Логон канали ҳашар усулида қурилди. Уша йилнинг август ойида 150 минг колхозчи, ишчи, инженер, техник Катта Фарғона канали қурилишига отланди ва 45 кун ичида 270 километрли ишоотни битказди. Шундан кейин 1939—1940 йилларда республиканинг турли районларида ўнга яқин каналлар қурилди.

● Сув икшоотлари қуриш айниқса кейинги ўн йилда авж олдирилди: Қуймо-

зор, Тошкент, Қаржидон, Косонсой, Пачнамар сув омборлари, Аму—Бухоро, Эски Ангор, Аму—Қорақўл, Миёнақалъа—Хатирчи каналлари, Норин, Қорадарё, Чирчиқ дарёларидаги гидротехник тўғонлар, Дарёлиқ, Фарбий Ромитан, Денгизқўл, Темирйўл коллекторлари қурилди.

● 1935 йилда Ўзбекистон 1 миллион тонна, 1950 йилда 2 миллион тонна, 1953 йилда 3 миллион тонна, 1966 йилда 4 миллион тонна пахта топширди.

● Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ҳозир 15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда 130 минг трактор, 33 минг юк автомашинаси, 26 минг терим машинаси ишлаб турибди.

● Пахтани машиналарда териш йил сайин ортиб бормоқда. 1968 йилда республикада етиштирилган ҳосилнинг 40 проценти машиналарда териб олинди. Бултур об-ҳаво шароити энг оғир келганига қарамай, давлатга 4 миллион 10 минг тонна пахта сотилди.

КИМ ПЕН ХВА

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент область, Урта Чирчиқ районидagi «Полярная звезда» колхозининг раиси.

КОЛХОЗ

ТУЗУМИНИНГ

ЯНГИ

ҒАЛАБАСИ

В. И. Ленин меҳнатга бағишланган асарларида ишчилар синфининг меҳнатга коммунистик муносабатини шакллантириш — коммунизм қуришининг асосий шартларидан бири эканини кўп таъкидлайди.

Улуг Октябр меҳнат кишисида онглилик, интизом, интимой бурчга садоқат, коллективизм, ишда ўрнатилган кўрсаткич ва хусусиятларнинг шаклланишига кенг йўл очди. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг ёрқин кўриниши социалистик мусобақадир. В. И. Ленин 1917 йилнинг декабридаёқ ўзининг «Мусобақани қандай уюштириш керак» деган мақолисида меҳнатқашларнинг ташаббускорлик даври энди вунудга нелаётганини айтиди; меҳнатқашларнинг ўзлари ва ўз жамиятлари учун ишлаётганликларини аниқлаб олишлари ижодий фаоллик ва меҳнатга коммунистик муносабатини келтириб чиқаради, деб таъкидлайди.

Бундай муносабатнинг илк намунаси 1917 йил 9 ноябрдан бошланди. Инқилоб ўчоғи Петроградга бир томондан Краснов, бир томондан Керенский оқгардиячиларга ҳужум бошлаганда, В. И. Ленин путиловчиларга мурожаат қилиб, замбаран ва бронепоездлар ишлаб чиқаришни илтимос қилди. Ишчи М. Алексеевнинг хотираларида: «Ильич илтимос ишчилар томонидан бажони-дил қабул этилди ва замбаран ҳеҳидидагилар туну кун тиним билмай меҳнат қилдилар». 10 дан 11 ноябрга ўтар кечаси В. И. Ленин заводга ўам келди ва ишчилар билан вазият тўғрисида узоқ суҳбатлашди. Ихломланган путиловчилар вақт ва меҳнат ҳақи билан ҳисоблашмай, Совет ҳокимиятининг дастлабки топиширини шараф билан эдо этишди. Бу — меҳнатга тарихда кўрилмаган янгича муносабатнинг тўнғич лаҳзаси эди.

14 ноябрда, «Ишчи контроллари тўғрисидаги Низом» тасдиқлагандан сўнг, ишчилар, партия ва профсоюз ташкилотлари саботажчиларга қўриш кураш очиб, янги интизом жорий қилдилар, завод ва фабрикаларда идора ишларини ҳам ўз қўлларига оладилар. Петроград маъдан заводиди саботажчиларга қўриш ишчиларнинг завод бошқармаси тузилди. Ташкилот ишлаб чиқаришни назорат қилиб туришни ўз зиммасига олди.

Меҳнатга янгича муносабатда бўлишнинг

илла бир ёрқин намунаси 1917 йил 8 декабрда Тула курул-аслаҳа корхонасида кўринади. Худди шу кунги Ленин ишчиларга Қизил Армияни куруллантириш нечоғли муҳим эканлигини тушунтириб хат ёзди. Туланиллар ҳам революцион ватанпарварлик билан ишга киришдилар. Ишчиларнинг меҳнатга янгича муносабатини синчиклаб кузатган Ленин ифтихор билан: «Эндиликда илгор ва онгли ишчилар йўл бошлайдилар», деб ёзди.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг буюк намунаси 1919 йил 12 апрелда болланган шанбалик экани ҳаммага маълум. В. И. Ленин бунин «Буюк почин», деб атади ва шу ном билан машҳур асарини ёзди. «Ижтимоий меҳнатнинг коммунистик йўсинда ташкил этилиши учун биринчи қадам социализм бўлиб, бу йўсинда ташкил этилиши помешчинларнинг ҳам, капиталистларнинг ҳам асоратини ағдариб ташлаган меҳнатқашларнинг эркин ва онгли интизомларига асосланади...»

1921 йили мамлакатда халқ хўжалигини тиклаш ишлари бошланди. Петроград, Москва, Урал, Донбасс, Иваново-Вознесенский ва бошқа жойларда дастлабки зарбдор бригадалар пайдо бўлди.

1923 йили Петроград ишчиларининг ишлаб чиқариш комиссиялари тузилди. Буларнинг вазифаси кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни максимал даражада тежалган иқтисод асосида ташкил қилишдан иборат эди. Илгор ишчилар ўша вақтлардаёқ унумли ишлаб чиқариш ва махсулот таннархини намайитиришга бир қадар эриша олган эдилар. Меҳнатга бундай коммунистик муносабатда бўлишнинг янги босқичини партиянинг XIV съезди даврида кўрамыз. Съезд мамлакатни индустриаллаштиришни қўйган эди. Бундан ихломланган ишчилар синфи улуг дохий вазиятларига амал қилиб минглаб зарбдор бригадалар ташкил этдилар.

1929 йили биринчи беш йиллик план маъқулланди. Буни амалга ошириш ҳам меҳнат мусобақасининг авж олдирилишига боғлиқ эди. Беш йиллик даврида Донецдаги «Кочегарка» шахтасининг ишчиси Н. Изотов катта ташаббус бошлади. Н. Изотов социалистик мусобақа ёлғиз планини бажаришдангина иборат бўлмай, қолоқларга ёрдам бериш, ёш ва малкасиз ишчиларга меҳнат учумдорлигини орттириш

«сирларни»ни ўргатиш ҳам зарур деган голим кўтариб чиқди. Янгича меҳнатнинг тарихий босқичи доббаслин шахтёр А. Стаханов номи билан боғлиқ экани ҳаммага маълум.

Беш йилликлар даврида қора ва рангли металлургия, кўмир, нефть ва тўқимачилик саноати ишчилари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириб юбордилар.

Уруш йилларида меҳнатга коммунистик муносабатда бўлмағи туриб ғалаба қозонини мумкин эмаслигини бутун совет халқи чуқур тушунган эди. «Икки юз процентчилар» (Биря ўзи учун, иккинчиси — фронтга кетганлар учун) ҳаракати — буюк ватанпарварлик намунаси эди.

Уруш тугагач, хўжаликни тиклаш даврида социалистик ишлаб чиқариш ҳамда намағаришни ривожлантириш, саноатни тинч қурилиш ишларига мослаб қайта тиклаш, халқ истеъмол маъсулотларини кўпайтириш, уй-жой ва бошқа маданий, маъмурий биноларни кўплаб қуриш, вайрона шахарларни тиклаш вазифалари меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш асосида амалга оширилди.

Партиянинг XIX съезди социалистик мусобақани Ленин кўрсатмаларига таъйиб амалга ошира боришнинг коммунизм қурилишида муҳим аҳамияти борлигини яна таъкидлади, меҳнатқашларни янги беш йиллик планларни бажаришда Коммунистик партия атрофида янада жипсроқ уюшишга чакирди. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг янги янги кўринишлари юзага келди, бу — буюк кучга айланади. «Социалистик мусобақанинг буюк кучи, — дейилади съезд ҳужжатларида, — ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларнинг меҳнат соҳасида ядидлик билан тинчлик учун курашиш, коммунизм гоғларини амалга оширишда жонболик кўрсатишларидадир». Коммунистик меҳнат зарбдорлари ва бригадаларининг келиб чиқиши меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш тўғрисидаги ленинчи таълимнинг навабтадаги ғалабаси эди.

Дохийми В. И. Лениннинг «Аврора» залпи билан ҳамоҳанг равишда: «Биз коммунистик меҳнат ғалабасига эришажанми!» деб айтган сўзлари бугун амалга ошганини кўриб турибмиз.

Мели ОРИПОВ,
аспирант.

Мана, ўттиз йилларин, Чирчиқ дарёси бўйларида жойлашган «Полярная звезда» колхозига бошчилик қилмоқдаман. Бизга қўшини «Политотдел», Свердлов номили, «Правда», Димитров номили ва бошқа колхозлар бор, у хўжаликлар ҳам мамлакатга танилган.

Колхозларимиз ботқоқ ерларни серҳосил экинзорларга айлантиришга, уй-жойлар барпо этгунча озмунча тер тўкмадилар. Бу катта ишда бизга партия ва ҳукумат бетиним ёрдам берди. Колхозимиз ҳозир иқтисодий жиҳатдан бақувват. Ҳар йили кўплаб пахта, сут, гўшт, гуруч этиштириб берамиз. Муваффақиятларимизнинг гарси шунданки, колхоз правлениеси ўз фаолиятида ҳаммаша Бутуниттифоқ колхозчиларининг II съездида (1935 йил) қабул қилинган қишлоқ хўжалиги артелининг намунаси Уставига қатъий амал қилиб келди. Шунинг учун ҳам колхозимиз, Улуг Ватан уруши давридаги энг оғир йилларни истисно қилганда, ҳеч қачон давлат олдида қарздор бўлиб қолмади.

Колхозимизнинг асосий бойлиги — унинг бўлимас фондидир. Бизда меҳнатга гарантияланган иш ҳақи тўлаш аллақачон ўз самарасини кўрсатган.

Қишлоқ хўжалик артелининг янги намунаси Устави лойиҳасини колхозчиларимиз қизғин

кутиб олиб, ўша кунлардаёқ ҳар бир бригаданда, фермаларда, участкаларда уни қизгин муҳокама қилдилар.

Янги Уставда колхозчининг меҳнатини янада улуглашга алоҳида аҳамият берилган, айниқса «Хизмат кўрсатган колхозчи», «Фахрий колхозчи» унвонларини бериш ҳақидаги янгилик жуда оқилона ишлар. Бизнинг колхозда ана шу унвонни олишга лойиқ меҳнатқашлар жуда кўп. Ахир биргина бизнинг артелимизда 19 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани колхозчиларимизнинг меҳнатга бўлган ҳеҳисиз муҳаббатидан далолат эмасми!

Янги Уставни қонунлаштирган III Бутуниттифоқ колхозчилар съезди деҳқонлар ҳаётида катта тарихий воқеадир. Бу колхоз тузумининг янги ғалабаси. Съезд материаллари бу янги босқичда колхоз хўжалигини янада мустаҳкамлаш учун катта омил бўлишига ишончимиз номил.

Терим палласида икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва кун бўйи далаларда юради. Фотомуҳбиримиз Геннадий Графкин уни механик-ҳайдовчи Пирнабой Сулабоев билан суҳбатлаштири турганида суратга олиб қайтди.





Ҳафиз ПОЛВОНОВ

ОЧЕРК

ўтирди. Бу йўлда анча қийинчилилар бўлди. Бригадир ишнинг пачавасини чиқарди: пахта-ни тўниб юборар экан деб, машинани пайкалга киритмай қўйди. Орага қолхоз раҳбарлари тушишди.

Охири машина енгди. Ҳафиз машинада пахта териб, мукофотлар олди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғига эга бўлди. Полвон лақабини ушанда орттирган. Энди уни Ҳафиз эмас, Полвон деб чақиришарди. Мартабаси ортди, эл озгизга тушди. 1958 йилга ўтганда полвонга «ўз тегди», беш ой кўрпа-тўшак қилиб ётди. Тузалиб, омборчилик қилди. Ҳалол ишлади, халқ мулкини кўз қорачигиден асради.

Уша йили баҳорда доғдор механизаторларини Мамажон Дадамонов чўлга нетармиш деган миш-миш тарқалди. Ишонгимиз келмади. Кутилмаган воқеа! Нега? Иссиқ ўрнини ташлаб-а? У машинанинг ҳам, деҳқончилигининг ҳавасини олганди. Ерининг баланд-пастини беш кўлден билар, истаган ҳосилини ундирар оларди. Мамажон қишлоғимизнинг фахри ахир. Ном чиқарган шундай бригадир-механизаторнинг ўрнини ним босиши мумкин?

Бу орада Ҳафиз Полвонга ариза ташлади: «Қўлимда гулдай хунарим туриб, омборда ўтиришни ўзимга эп кўрмайман. Лозим кўрсанглар, Мамажоннинг бригадасига юборинглар» деб ёзибди.

Мен уни даврдан чиқиб кетган, яна қайтиши қийин, деб юрардим. Полвоннинг тағин енг шимариб қаторга киришини кутмагандим. Донг таратган бригадани идорада ўтириб қолган одамга топшириб қўйиш яхшими? Ҳафизнинг пишчилиги, айтган ердан кесишини билсам ҳам Мамажондек доғдор кишининг ўрнини босишга, нимагадир шубҳаландим.

— Ном чиқарган бригаданинг шухратини сақлаб қолиш осонмас, Мамажонга ўхшаб теримда рекорд қўйиш қўлингиздан келарминин?— деди қолхоз раиси Абдумухтор Саидзимов рўйхуси бермасдан,— идора ишига ўрганиб қолгансиз, қийналасиз!

Раиснинг гапи Ҳафиз Полвонга оғир ботди. Қизил юзидеги табассум сўнди.

— Унчаллик эмас, раис,— деди Полвон ва зиминлик билан,— жуда ерга уриб юбордингиз. Кучига ишонмаган одам беллашмаман демайди.

— Гапингиз тўғри-ку-я, лекин сиз ишлаган кезлар бошқа эди. Машинанинг умри беқор ўтмасайди, деб қўрқаман...

Уша нуни масала ечилимади. Раисни райкомга чақириб қолдишди. У машинага ўтираётган «ўйлаб кўрамиз, райкомнинг фикрини билайлик-чи», деди.

Кўп ўтмай Полвон омборни топшириб, бригадага ўтди. Кўпни кўрган одам эмасми, доғдираб қолмади. Ишни нимадан бошлади денг? Деҳқонлар билан иноқлашди. Уларни ўз кучига ишонтирди. У ёғи... ўз-ўзидан оришиб кетди.

Яшил ниҳоллар ер бетини қоплаб улгурмасидан табиат «хунар» кўрсатди. Ҳафизнинг гўзасини дўл уриб кетди. Кўп ерлар хузуллаб қолди. Сўлтайиб қолган гўзалар кўрияман деб турарди.

Кўнгил сўрагани Ҳафизнинг даласига борди. Мен уни гапнинг ҳолатда учратаман деб ўйлагандим. Ансинча, бу сафар ҳам адашиб-ман, руҳи тетик эди. Гўё ҳеч нарса кўрмаганден, хотиржам. «Ҳа, энди нима қилсин, бўлар иш бўлган, куйгани билан ўрнига келармиди» дедим ўзимча. Катта-ю кичини далада — биров-

нинг қўлида кетмон, бировнинг қўлида теша. Гугуртнинг чўпидеккина кўчатнинг тагини юмшатиб, бўш уяларга чигит энишпти. Полвоннинг иродасига яна бир бор тан бердим. «Асл деҳқон мана бундоқ бўпти» дедим.

Полвон ҳар туп ниҳол атрофида парвона эди, уни ўғитга, сувга тўйдирди, кўчатлар тагини пешма-пеш юмшатиб турди, чеканкани вақтида ўтказди. Унинг бахтига нуз яхши келди. Терим олдинда Ҳафизнинг даласига бориб ёқани ушладим. Ҳосил уюлиб қолибди!

Ҳафиз полвон «Ўзбекистон» маршали машинасини пайкалга олиб кирди. У ҳалқонлардан, негани, раиснинг писандаси эсидан чиқмагани. Дастлаб иш енгил кўчмади. Кўнига етти-саккиз тоннадан «оқ олтин» тўкди. Узини сал тугиб олгач, ишига барака қўшилаверди. Биз полвоннинг ишини зимдан кузатиб юрардик.

Полвон саҳар туради, қуёш чиққунча машинани созлайди: ювади, артади, мойлайди. Машинига гард юнтирмасам, дейди. Шудринг кўтарилишини кутади.

Ҳафиз доим дўстларига агрегатнинг зазорларини яхши созлашни унтиради. Агар оралиги тор бўлса, кўсанларни чайнаб ташлайди, пахтага барг аралашиб кетади. Борди-ю ораси кенг қўйилса, шпинделга пахта илашмасдан тўкилиб қолади. Шпинделларни эринмасдан ювиб туришни унтиради. Вентилторни вақтида ёғлайди, бункерни тоза тутади — вентилтор ёғланмаса унинг қаракати сусаяди, пахтаги бункерга яхши ҳайдамайди; бункер кирланса, пахта оқими камаяди, вентилторга куч келади. Ҳафиз агрегатни чигит экилган маҳалда селляж юрган издан юритади. Бунда қатор оралари ўён-бўёнга сурилмаган бўлади.

Ҳафиз шу қўдаларни эринмай бағзаргани учун ҳам терими ошаверди. Бир нуни 32 тонна пахта терди. Бу исми кўрилмаган галаба эди! Полвонни «Правда» газетаси маънаб чиқди. Республика матбуоти, радио, телевидорда ҳам Ҳафизнинг жасоратини оқлишадилар.

Хирмонга 416 тонна пахта тўкди. Бригадасида ҳосил чакки бўлмади. Ҳар гектар ердан 37,8 центнердан «оқ олтин» тўкди. Бир йилда ҳосилдорлик 5,8 центнер ортди. У СССР Ҳафиз хўжалиғи ютуқлари истажисининг Олтин медали билан мукофотланди.

Назаримда, қолоқ бригадага ўтиб ишлашдан кўра илгор бригадада ишлаш оғирроқ. Илгор бригадада ҳосилдорлик шифтга етиб қолган. Ундан баландга кўтариш чин қаҳрамонликдир.

Полвоннинг яна бир ишини айтиб ўтмасам кўнглим гўлмайди. У — кенг қаторлаб чигит экишининг ташаббускорларидан бири. Биз, чигит кенг қаторлаб экилганда кўчат сонини, ҳосил миқдорини камайиши мумкин, деб шубҳаланган эдик. Бироқ ундай бўлмади. Чигитни 60 сантиметр кенгликда экилганда ҳар гектар ерда 80 минг туп кўчат бўлиб, 30—32 центнердан ҳосил олинарди, кенг қаторлаб экилганда эса бир гектар ерда 100 минг кўчат бўлиб, ҳосилдорлик 37,8 центнерга кўтарилди.

Ҳафиз полвоннинг таклифи билан қолхозда 600 гектар ерга қатор оралиғи бир метрдан қўйиб чигит экилди. Яқин икки-уч йил ичида барча майдонга шў усулда чигит экиш мўлжалланыпти.

Устоз анчагача жим қолди. Афтидан у шогирди ҳақидаги ҳикоятдан ўзи заъв оларди.

Анонрой КУРОНБОВ.

Бекмирза ота билан Шукурмерган қишлоғида тасодифан учрашиб қолдим. Олтимиш ёшли бу мўйсифид бир вақтлар таниқли тракторчи бўлган. Ленин районидеги Илчи номи қолхоз ерларини ўзлаштиришда Бекмирза Холматовнинг хизмати катта. У ҳозир пенсионер. Мен тавсиф қилмоқчи бўлган машхур механизатор Ҳафиз Полвон бу касбни Бекмирза отадан ўрганган. Бинобарин, шогирди таърифини устоздан ошириб гапирадиган киши бўладими, дедимда, отани гапга гутдим. Устоз шогирди ҳақида шуларни ҳиноя қилди:

— Ҳафиз полвон асли шукурмерганлики. Полвон деганимга ажабланманг. У полвон бўлиб биров билан беллашмаган. Отасининг исми шунақа — Полвон. Биз ҳазиллашиб, Полвонни дейиш ўрнига «Полвон», деймиш. Шу полвонимиз ўн ёшида отасидан айрилди. Ун бешида тракторга илашди. Эспирири маҳалида киши кўнглига келганини қилади. Мен трактор минардин. Ҳар нуни тўшликка уйга келардим. Овқатлангунимча маҳалла болалари тракторчи ўраб олишарди. Улар орасида қўшмининг ўғли Ҳафиз ҳам бўларди. У тракторга ўтириб, «Мен ҳам сизданга тракторчи бўламан» дерди. «Жўсангини қара, соғда ётган ниҳолга ўхшайсан. Тракторга кучинг етармикин!» деб жигига тегардим.

Ҳафиз ориятли бола эди. Менинг ҳазил-мутоиба гапларини оғир ботиб ўзича хўрсиниб қўярди. У тез ақилчиланб, тез ҳовурдан тушарди. Шу одатини яхши кўрардим. Далага олиб кетардим, кечкурун бирга қайтардик. Мен у маҳалда кўриқ очардим, қишлоғимиз ўрни қамишзор эди. Бир парча ерда деҳқончилик қилардим.

— Шунча ерни қачон ҳайдаб бўласиз, Бекмирза анак Менга трактор минишини ўргатиб қўйсангиз ердан бериб тураман,— дер эди у. Унга меҳрини тушиб қолди. Тракторни ўргата бошладим. Зехни ўтири эди. Рудла биринчи ўтирган пайтада ҳолатини кўрсангиз: севич-чидан терисига сигмай кетди. Уша нундан бошлаб кўлимдан ишмин олдди. Уқишга боришни маслаҳат бердим. Андижондаги механизаторлар тайёрлаш нурсида ўқиб келди.

Ҳафизнинг бахтига қолхозга занжирли трактор келиб қолди. У Исмоилжон Ортиқов билан ўша тракторда ишлади. Қолхозимиз бор-йўғи 500 гектар ерда деҳқончилик қиларди. Аммо теварак-атрофда кўриқ ер кўп. Мен, Ҳафиз, Исмоилжон, бошқалар экинларни саранжомлаб қўйгач, кўриқ очардик. Қолхозимиз қолоқ эди. Шунинг учун кеча-кундуз ишладик. Давлат ёрдан қилди партия бошимизни силарди. Турмушимиз яхши бўлади.

Ҳафиз меҳнатда ўзини кўрсатди. Қишлоғимизга бир қатордаги пахтани тарадиган машина келганда — унга биринчи бўлиб Ҳафиз

Шароғон

ЛЕНИНОБОД

Игирма икки чақирим йўлнинг икки тарафига жойлашган ўн икки қишлоқ бир қишлоқ Советини ташкил этади. У Ленинобод деб аталган. Республикага донг таратган бу колхознинг номи — «Шарқ колдузи».

Мен Ленинободдаги қишлоқларнинг бундан 30—35 йил аввалги қиёфасини яхши эслайман. Ровут, Қизилқёй, Ерилган, Гайистондаги ярим хароба деворлар, бўғотли томлар, эгри-бугри кўчалар, чанг... Ушанда ҳам пахта экишарди. Узум, анор, олма билан ном чиқаргандилар. Бир қарашда ўша-ўша қалби пок, самимий, меҳнатқаш, меҳмондўст кишилар. Аммо дунёқарашлари янгича, меҳнатга муносабат, маънавий ҳаёт, турмуш бутунлай ўзгача.

Хонадонларда Ильич чироғи порлайди. Томларда телевизор, радио антенналари, 500 ҳўжалик газдан фойдаланади. 350 кишида ерилган машина, мотоцикл бор. Иккита клуб, ўн икки кутубхона, ёзлик ва қишки кинотеатрлар колхозчиларнинг маданий оромгоҳига айланган.

Еттига мактабда икки ярим миңдан кўпроқ болага 120 ўқитувчи тарбия бермоқда. Турли ўғув юрларидан 300 дан ортқ колхоз ёшлари билим олаётир. 4 медицина пункти, аптека, туғрухона, касалхонадан 60 медицина ходими хизмат қилади.

Колхоз қурилишининг ветерани Минносир Раззоқов бундай ҳикоя қилади:

— Инқилобгача мачитнинг қули эдик. Намангандаги Олмурут, Мулла Қирғиз, Муллабозорохун деган мачитлар ҳамма экин ерларимизни вақф қилиб олган эди. Ҳамма ер-сув халқ ихтиёрига ўтгандан кейин, 1924 йили артель туздиқ. Олдинига ўн бир киши аъзо бўлдиқ. 4 гектар ерга чигит эдик. Ушанда Бувамирза деган бой эски одатча зўравонлик қилиб, энди қўлоқ чиқарган гўзамизни буздириб, ўрнига макка эктирди. Биз ҳам бўш келмай, маккани қузиб, ўрнига чигит эдик. Бу беомон курашда ениб, кузда 10 центнердан ҳосил кўтардик. Ўша йили 12 қишлоқнинг 4 тасида, 1926 йили эса ҳаммасида артель тузилди. Кейинроқ ҳукумат бизга от, плуг, трактор берди.

Область архивида қуйидаги ҳужжатга кўзим тушди: «Наманган районидидаги Қораполвон ва Ленинобод қишлоқ Советлари артелларига плуг сотиб олиш учун 1085 с. 50 т. пул, 32 та кетмон, 48 та омон тиши берилсин. Округ ижрокомининг буйруғи. 1926 йил, 13 март».

«Бахт уйи»да ажойиб тантана устидан чиқиб қолдим. Тўп-тўп йиғилдик. Ҳаммалари ясан-тусан.

Қишлоқ Советининг раиси Маҳмудахон Раффорова уларни ичкарига таклиф эгди. Янгича никоҳ маросими бошланди.

— Мастураҳон Қаюмова—2 мактаб ўқитувчиси. Нуриддин Қаюмов — фельдшер. Қайиғроқ келингла!

— Мавлудахон Абдурахимова колхозчи, Содиқжон Ҳамдамов колхозчи. Бир-бирларингизни яхши биласизларми?

Нега билишмасин? Колхоз даласида ёнма-ён туриб меҳнат қилишадди, уларнинг муҳаббати ўша ерда турилган.

Қишлоқ Советининг котиби Ҳайдарали Акбаров билан суҳбатлашдик.

— Тўйлар кўпми?

— Кўп. Бугунгиси билан бу йил 134 никоҳ тўйи бўлди.

— Туғилиш-чи?

— Ўтган йили 481 фарзанд дунёга келди. Аҳолининг ўртача йиллик кўпайиши 435 кишига тўғри келаяпти.

Тили бурро рақамлар! Ён дафтаримни очдим: «1940 йилда 1487 ҳўжалик, 8646 аҳоли яшаган. Уруш тўтагандан кейин 5 йил ўтгач, 1950 йилда 1114 ҳўжалик бўлган».

— Ҳозир 2 миң ҳўжаликмиз. 11 миңг 752 киши... — деди Акбаров.

Мен бу рақамларда тинч ижодий меҳнат келтирган бахтни кўраман. Саодати кунимиз тонгининг шуқуҳини, файзли оқшом нашидасини кўраман. Азиз ва мўътабар келажак йўлида шижоат билан меҳнат қилаётган совет оиласининг аҳдчилигини кўраман.

Мана, бухгалтерия деворидида жадвал: «Шарқ колдузи» колхозида пахта ҳосилдорлигининг ўсиши:

1926 йил — 265 г. майдон, гектаридан 10 центнер.
1932 йил — 500 г. майдон, гектаридан 16 центнер.
1940 йил — 960 г. майдон, гектаридан 20 центнер.
1968 йил — 1250 г. майдон, гектаридан 33,8 центнер.

Минносир Раззоқов изоҳ беради:

— Бизнинг ерларда ҳар бир сувчи — агроном. Негаки, ҳамма еримиз ён багирлик. Трактор зўра юради. Чигит экишда сувчи унга йўл кўрсатади. Ёзда сув оз, ундан жуда тежамкорлик билан фойдаланамиз.

Суҳбатга колхоздан чиққан биринчи агроном Ҳусанбой Иминов аралашди:

— Аввал биз Қанаш ва Румшевичнинг 450/550, 555/500 навли чигитини экар эдик. Лекин ҳосил 24 центнердан ошмади. Ф-108 нави эса еримизга жуда мос тушди. Илғор бригадалар бу уруғдан 50 центнергача ҳосил олишяпти. Жуда кўп ҳўжаликларга уруғлик чигит етказиб берамиз. Шунинг учун махсус агролабораториямиз ҳам бор. Агроном Шермаат Матқаримов раҳбарлигида лаборатория ходимлари ҳосилдорликни кўтариш соҳасида катта иш олиб боришяпти.

Иқтисодчи Абдусаттор Исоқов ўз рақамларини келтиради:

— Бир килограмм соф азот ҳисобига 13 килограмм пахта олинади. Бир центнер ҳосилга 7 сўм 17 тийин харажат қиламиз. Деҳқон меҳнати учун 17 сўм 63 тийин ҳақ тўланаётир. Бир центнер пахтанин таннархи 24 сўм 34 тийинга тушди. Бир тонна пахтани 243 сўм 40 тийинга тайёрлаб, давлатга 432 сўмга сотдик. Соф фойда 191 сўм 70 тийин.

Архивидаги рақамларга кўра, Янгиқўрғон районидида 1953 йил декабрида бор-йўғи 21 агроном, 7 зоотехник, 2 инженер, 247 тракторчи бўлган экан.

1969 йил январидида эса колхозда:

Агрономлар — 58 киши (8 таси олий маълумотли).
Инженерлар — 3 киши (ҳаммаси олий маълумотли).
Механизаторлар — 213 киши.

Ғойибназар Соиббобоев ҳикоя қилади: 1929 йили Қораполвонда кичкина бир артель бор эди. 40 гектар ерда 15 киши деҳқончилик қиларди. 5 от, 2 жуфт ҳўкинзим бўларди. Раисимиз Мирзарайим Эсоиббобоев мени тракторчиликка ўқитишга юборди. Намангандаги Бурамағут деган жойда ўқидим. Механигимиз Петр Иванов ёрдамида уч ойда трактор ҳайдайдиган бўлдим. Қишлоққа «Красний путиловец» тракторини ҳайдаб келдим. Шов-шув, томоша бўлиб кетди...

— Шогирдларингиз ҳам бўлгандир?

— Ҳа. Тенгқурларим Мамаатхон Тиллаҳўжаев, Абдулатиф Эргашев, Жўрабой Халилов, Абдухалил Азимов, Абдукарим Дадабоев, Енимда юриб, тракторчиликни ўрганишди. Ўттиз йилча тракторчилик қилишди. Ҳозир дадагилар бари ўзимизнинг шогирдларимиз.

Колхоз ҳисобот дафтаридидаги рақамларга кўра, ҳозир далада 98 трактор, 2 эскаватор, 29 прицеп, 20 юк машина, 7 та пахта териш машиниси ишлаб турибди.

1959 йили бир колхозчининг йиллик иш ҳақи 470 сўмини ташкил этган бўлса, 1968 йилда 1015 сўмга етди. Сувчи Умар Турғунов 1959 йилда жами 628 сўм маош олганди, бўлтур 1098 сўм олди. Колхозчи Асқар Мансуров 1959 йилда 599 сўм, 1968 йилда 1721 сўм, Турғун Эгамбердиев 1959 йилда 1247 сўм, 1968 йилда 4393 сўм ҳақ олди.

Бадавлат хонадонлар! Бунга эришгунча озмунча меҳнат сарфландими! Энг оғир йилларда ҳам ҳеч ким ноламади. Чунки ер эгаси, ҳосил эгаси деҳқоннинг ўзи. Ҳамма нарса унинг меҳнати, ўзига боғлиқ. Ватан кўп-лаб пахта кутаётганини ленинободликлар чуқур ҳис этадилар.

Салқин кузак оқшоми. Қалбда қувончли ташвиш, ниҳонч ва ғурур. Машинада шўх қийриқ билан колхозчи ёшлар ўтиб кетишди. Даладан келишяпти. Янги ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш керак. Ҳамманинг дилида шу ният.

Колхоз идорасида ҳеч ким йўқ. Даладан қайтишмабди. Колхоз раиси Жўра Охуновни узоқ участкага дейишди. Тиниб тинчмас бу одам колхоз партия ташкилотининг секретари Раъноҳон Боқиева билан коммунистлар йиғинига кетган экан. Улар улуг Илчиининг қўтулуг 100 йиллигига муносиб совга тайёрлаш масаласини муҳокама қилишяпти, 1250 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнерга етказиб хирмон кўтаришмоқчи!

Ленинобод кўчалари чароғон. Бу уйларда яшаётган ҳамқишлоқларини йўлаб кетаман. Уларнинг бахтига, сермазмун ҳаётига ҳавасим келади...

Салоҳ ҚОРИЕВ
Янгиқўрғон райони.

ДЕҲҚОННИНГ БАХТ ЙЎЛИ

Социалистик жамият қуришнинг Ленинча плани асосида мамлакатни индустриалаш, қишлоқ хўжалигини кооперациялаш, маданий инқилоб масалалари ётади. Лениннинг қайд қилишича, социализмнинг бирдан-бир моддий негизи — ер ишларини ҳам қайта ташкил эта оладиган йирик саноатдир.

Мамлакатни индустриалаш билан бир вақтда, Коммунистик партия қишлоқ хўжалигини тиклаш, уни янги социалистик йўналишга солиб юборишга ҳам катта аҳамият берди. Бу ишда деҳқонларни социалистик қурилишга жалб этиш ҳақидаги Ленин кўрсатмаларининг моҳияти улкан. Лениннинг кооперация ҳақидаги ғоялари деҳқонлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Бутун мамлакат бўйлаб янги социалистик жамиятнинг ниҳоллари сифатида йирик совхозлар ва деҳқонларнинг турли кооператив бирлашмалари тузила бошлади.

Ватанимизда пахтачиликни ривожлантириш соҳасида ҳам улкан ишлар қилинди. Совет ҳокимияти ва Коммунистик партия Ленинча кооператив план амалга оширилаётган бир даврда қишлоқ хўжалиги ва ёрдам кооперациялари ташкил этди. Пахтакорлар ёрдам ва қишлоқ бирлашмаларига аъзоликка ўтиб, ҳар хил ускуна ва уруғлик олар, ёрдам учун қарз пулларида фойдаланардилар. Бу уларни ҳусусий корхона ағалари, пахта савдогарларнинг оғир шартларидан озод этди. Уша вақтда вазибалари Россиянинг марказий областларида тузилган «Комбед»лариникига ўхшаш, камбағал деҳқонларнинг «Қўшчи»

ва «Чорвадор» союзларини ташкил этиш муваффақиятли амалга оширилмоқда эди. Союзлар қишлоқда Совет ҳокимиятини мустақамлашда катта роль ўйнади.

1930 йилга келиб, деҳқон хўжаликларини ёппасига коллективлаш ишлари қизиб кетди. ВКП(б) Марказий Комитети маҳаллий партия ташкилотларига ёрдам учун «Йигирма бешмингчилар» — инқилоб жангларига чиқиққан коммунистларни юборди. Улар республикамизда илғор ишчилар билан бирга бой ва қулоқларга қарши кураш, колхоз тузилиши, социалистик мусобақани авж олдириш ишларида дала меҳнаткашларига ёрдам бердилар. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ меҳнаткашлари сиёсий дунёқарашининг янада кенгайишида, синфий жиҳатдан ўзлигини таниб олишида, коллективлашни тезлаштиришда муҳим омил бўлди. Натижада, 1932 йил охирига келиб деҳқон хўжаликларининг 82 проценти колхозларга бирлашди. Республика қишлоқ хўжалиги тараққиёти янги босқичга кўтарилди.

Владимир Ильичнинг «тўлиқ маданий революциясиз ёппасига кооперациялаш мумкин эмас» деган кўрсатмасига асосланиб, колхоз деҳқонларининг маълумотини ошириш, маданий савиясини кўтариш борасида улкан ишлар олиб борилди.


В. И. Ленин социализмнинг нечоғли мустақамлигини сўғориш ишлари билан боғлаган эди. Партия ташкилоти қақирғи билан фарғоналик деҳқонлар 1939 йил мартида сув учун бошланган умумхалқ юришининг ташаббускори бўдилар.

Улар қисқа муддат ичида 32 километрлик Логон каналини қазиб битказдилар. Бу колхоз далаларини сув билан таъминлашни яхшилади, 600 гектар янги ер ўзлаштириш имкониятини яратди.

Ўзбекистонда, кейинги ўн йил ичида, айниқса, КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленумидан сўнг сув хўжалиги қурилиши бўйича катта ўзгаришлар юз берди. Бу йиллар давомида республикада минглаб гектар қўриқ ерини сув билан таъминланган йирик сув иншоотлари қурилди. Буларга: Қўйи-мозор, Учқизил, Жанубий Сурхон, Чимқўрғон, Тошкент, Наркидон, Қосонхой, Пачкамар сув омборларини; Аму-Бухоро, Эски Ангор, Аму-Қорақўл, Миёнкалға-Хатирчи қаби қўплаб йирик каналларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Мамлакатда коллективлаш ва индустриалаш ишлари пахтачиликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб берди. 1935 йилда пахтамиз бир миллион тонна эди, 1950 йилга келиб, республика колхоз-совхозлари Ватанга 2 миллион 282 минг тонна «оқ олтин» бердилар. 1958 йилда пахта тайёрлаш пунктларига 3046 минг тонна пахта тоширилди. 1966 йилдан бошлаб эса, республика пахтакорлари йил сайин давлатга 4 миллион тоннадан ортиқ пахта сотмоқдалар.

Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари ҳозирги кунда барча кучларини социалистик мажбуриятларини бажаришга сарфлаётганлар. Бу уларнинг Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб туҳфалари бўлади.



АНДИЖОН ДЕНГИЗИ

Партия ва ҳукуматимиз Қорадарёнинг Кампирровот қисмида тикланадиган Андижон сув омбори иншооти лойиҳасини тасдиқлади. Бу сузлий денгиз сатҳи 6,7 минг гектар майдонни эгаллайди, унинг ҳовузига 1 миллиард 750 миллион кубометр сув тўланади.

Сув омбори Ўзбекистон ССРдаги 257 минг, Қирғизистон ССРдаги 159 минг гектар экинзорни сув билан тўла таъминлайди, яягидан 44 минг гектар ерни ўзлаштириш имконини беради.

1975 йилда иншоотнинг биринчи навбати қуриб битказилгач, ҳовузда 900 миллион кубометр сув тўланади. 1978 йилда эса Андижон сув омбори тўла қувват билан ишлаш бошлайди.

Андижон сув омбори иншоотининг макети.

УЛУФ НОМГА МУНОСИБ



Биз Марназий Фаргона чўлидан қайтганимизда кун ботган эди. Елини тирсиллаб маъраза сиирилларни ҳайдашган, теласига ўроқ қўшиб бойлаб ўт орқалашган, бола кўтаришган эркак-аёллар, қий-чув қилишган ёш-паланг далалардан қайтиб, қишлоқ кўчаларига таралишаётган эди. Кечки шабада кўргончалардан тутунларни таратиб, доғ қилинган ёғ хидларини димоқча келтириб ўрмонда.

Фанат кенса садақайрағоч остидаги пилла қабул қилувчи пунктда иш тўхтаганча йўқ эди. Пунктга етиб боришимиз биланоқ, у ерда уймалашган одамлар:

— Э, раис, келдингизми!— деб Исахонни кўрлашди.

— Қаёқларда юрибсиз! Қидирмаган жойимиз қолмади-я!— деди пиллачилик агрономни Кундузон ая, дарҳол раиснинг қўлига қоғоз тутқишиб.

— Рапорт-ну! Табриклайман!— деди раис, хурсандлик билан аяга, бошқаларга қўл узатди.

Ая, негадир нохушгина қўл бераркан: — Рапортни кундузи етказганимизда районда биринчи бўларканмиз. Яқинда райком секретари Низомжон Қодировга кўнгироқ қилиб, айтудим. Свердлов номи колхоздан рапорт келди, дедилар. Демак, биз иккинчи бўлиб қолдимиз.

— Пастдан иккинчи эмасмизми, аяжон!— деди қизиқилин қилиб газета мухбири ва рапортдан ўзига нўчириб олабшладди.

— Ҳозирча шовман, укам!— деди ая унинг қўлини тутиб. — Уч-тўрт кундан кейин манбуритимизни ҳам қўшиб чиқарарсиз газетага. — Зиефат ҳам ушунда бўларкан-да?— дейишди атрофдагилар раисга тегизиб.

— Ҳа, ушунда раис каттароққа эрийдилар,— деди ая қилиб.— ўзлари дипломони ювишлари керак эди, унисс ҳам ичиди бўлади.

Шунда ҳамма «муборак бўлсин, кутлуг бўлсин!» деб Исахонни табриқлади.

Маълум бўлишича, Исахон Абдусатторов шу кунларда Тошкент Халқ хўжалиги институтини сиртдан битириб, диплом олибди. Энди у олий маълумотли иқтисодчи мутахассис. Мен неча кун бирга бўлиб, унинг ўзидан бир янглигини эшитмаган эдим. Камтарини, юраги кенглигини қараган-а. Умуман, Исахон шахсий ишлари тўғрисида гапириб ўтиришни ортинча билар. Бунга вақти ҳам йўқ эди. Мен у билан холи, бафуржа ўгириб сўзлашш пайти келишини кутардим. Энг осийишта, хотиржам кўринган чоғларда ҳам раиснинг ўйи банд, қалби безовта. Колхоз улкан, мураккаб бир машина. Раис унинг мураватини бурабгина бир жойда беларво ўтирса авиар хавфи туғилади. Бир қўли рулда-ю, аммо ҳамма ёғига кўз-қулоқ бўлиб туриши керак: суви тугаб, мойи битиб қолмадики, мотори текис ишлаётгани, гилдираги яхши айланяптики, устидаги юки оғиб кетмадики, умуман йўлни тўғри олиб кетаётганими...

— Вақтингиз шунча тигиз, бунинг устига оилангиз катта экан, ўқингиз қандай имкон

топдингиз? (Раиснинг ўнта фарзанди бор, хотини Ҳалимахон Қаҳрамон она бўлибди).

— Кўпроқ уйну ҳисобига,— деди қисса қилиб.— Албатта, сиртдан ўқиш ҳам осон кўчмади. Лекин ўқимасининг иломи йўқ эдида. Ҳозир фақат шахардамас, қишлоқда ҳам маълумотсиз одам қоқилиб қолпти. Куруқ тангириб билан узоққа бориб бўлмайди. Раис-ну инчунин. Нега десангиз, ёшлардан патирлашиб илмли надрлар қилмапти. Улар билан жавоб-муомала қилиш ўзи бўладими. Олий маълумотлиларни қўйинг, ўрта мактабни битириб чиқаётган жўжалар ҳам унча-мунча одамга сўз бермайди. Кечганина «тухум ёриб чиққан» тракторчи болани олсангиз, техника тилини ичворяпти. Улар бош инженеримиз билан баҳузур баҳслаша олади. Ҳозирги сувчи, табелчи, оддий кетмончилар ҳам ўз ишининг билармонлари бўлиб қолган.

— Қишлоғимиз аста-секин зиёлилар қишлоғига айланыпти. Шахрихондан шоир, педагог, журналист, раҳбар ходимлар, машхур олим, фозил, академиккача етишиб чиққан бўлса, шуларнинг бир қисми ҳамқишлоқларимиз. Бизда энди инженер, техник, агрономлар қишлоқни ётқириб-турғизадиган кучга айланишди. Улар қаторига бошқа касб эгалари қўшилипти. Булар орасида хотин-қизлар ҳам анчагина. Колхоз хотин-қизлар советининг раисси Хайрихон Тўйчиева, Ширмонхон Эгамбердиева наби ясли мураббийларининг ишларидан оналар рози. Колхознинг ўн ўринли турғунчасидаги довлар, уч ердиги тиббий пункт ҳамширалари нохлосчилар саломатлиги йўлда жон кўйдиряшяпти. Ҳар бир участкамизда очилган янги магазинларни, уларда қўли-қўлига тегмай саздо қилаётган хушмуомала хотин-қизларни кўрдингиз, уларнинг ҳам кўпи ўзимиздан чиққан.

— Колхоз ҳаётига маърифат, маданият киритаётган, хонадонларга зиё таратаётган кучларнинг наттаси — муаллимлар бизнинг фаҳримиз. Қишлоқнинг беш жойида мактаб бўлса, булардан тўрттаси ўрта мактаб. Икки ярим минг талабага сансон муаллим ва муаллима таълим-тарбия берапти. Улардан баъзилари сизга таниш...

Тўғри, тунов кўни йўлимиз 18-ўрта мактабга турган эди. Бу янги, яхлит ойнали, гога кўрнам мактаб биноси Онтаёв эллик йиллигида қишлоқ болаларига қилинган ҳўкумат совғаси экан. Мактабга Фафур Фулом номи берилибди. Муаллимлар билан ўқувчилар мактабни хўб ўхшатиб безатишибди. Коридорларга натта қилиб қўйилган улўғ олимлар, машхур ёзувчиларнинг расмлари, фото-витриналарни кўриб, худди мўъй дейсиз. Директор Солижон Худойбергандон бизни бир катта хонага бошлади. Доҳий Ленин юз йиллигида бағишланган зал. Уни физика муаллими Машраб Ботиров бошчилигида болалар зўр меҳр билан безашяпти. Қатор витриналардаги ёзув ва расмлар Ленин ҳаётининг турли даврлари, Лениннинг ГОЭЛРО плани, роли доҳийнинг Шарқ халқларини овоз еттишдаги роли ва бошқа муҳим мавзуларни акс эттиради.

Иккинчи қаватга чиқамиз. Машраб Ботиров физика кабинетларини кўрсатади. Уларда ҳозирги замон фан-техника ютуқлари асосида кўрилган тажриба асбоб-ускуналари, дарсда намоиш қилинадиган қизиқ ва мураккаб автоматни аппаратларни кўриб ҳайрон қоламиз: битта қишлоқ мактабда шунча ўсиш! Директорнинг айтишича, бу ускуналари ўрнатишга Машраб бош бўлган, яна имтиҳон олувчи аллақандай бир аппарат ўрнатиш устида ишлаётганмиш. Бир қарашда кўзга унча чалинмайдиган, узоққина, намтаргина бу йигитча бизни қизиқтириб қўйди. Шу қишлоқдаги ўрта мактабда ўқиб, кейин Тошкентдаги Педагогика институтини битириб келган Машрабда гап кўп экан. Узидаги фанга бўлган лабъатини аллақачон кўрсата бошлади. Ғайратли, чуқур билимли, ижодчи педагог сифатида коллектининг, болаларнинг хўрмагига эришибди. Мактабларда физика фани ўқитишининг илғор усуллари юзасидан бўлган муаллимлар конкурсида голиб чиқибди. Журнал ва газеталарда илмий-оммабоп мақолалар эълон қилибди.

— Ана шунангичи болаларимиз бор!— деди раис, ўз қобил фарзандидан кўнгли тўлган отадай фахрланиб.— Шуларнинг қўлидан чиққан надрлар чанки бўлармиди. Улардан умидимиз катта. Колхозимизда физика, нимёдан ҳам, техника, ҳисобдан ҳам билимдонлар кўпайгани яхши. Шунда хўжалиқнинг илмий асоси юргизиш осонлашди. Эндилдида деҳқончилик ишларига билар-билмас, маъмуриятчилик билан аралашши даври ўтган. Партиямиз буни қоралаган. Ерининг миқноси ким билади — ишлаганлар билади. Қайси ерга уруғни қай муддатга сочиш, қай вақтда сугориш, ўғитлаш, чопишни билган кишиларга йўл қўрсатман десанг, дастлаб уларнинг тажрибасини эғлалоб ол. Сўнг шу тажрибани илм билан пайванд қила бил. Агроном, химизатор, механизатор ва бошқа мутахассислар билан бирга биз шу қонданни маҳкам тутаялмиз. Аввало, деҳқончилик қилаётган ерларимизнинг хўсусятини ўрганиб чиқинд. Колхозда беш, етти, санкиз гектарлик нартлар ҳали анча бор. Майдан нартларни кўндалан ишлаб бўлмагани учун кватдратдан холи қилиб, оддий схемада эгинд. Бригадаларнинг ҳосил планини белгиланда фақат умийий майдонини эмас, ерларининг аҳолинин, талабини ҳисоба олди. СоюзНИХининг агрохимия лабораториясига картограмама туздирдин. Картограммада бутун экин майдонлари акс этган — қайси ер фосфорга муҳтож, қайси ерда калий етишмайди, қайси майдонга кўпроқ гўнг бериш кераклиги белгилаб қўйилган. Бош агроном бу картани кўтариб юради, худди номпасдай эхтиётлаб, унга амал қилади. То бу илмий карта тузилгунча ҳар ким ўзича таҳминий иш тутар, ўғитларини аралаш-қуралашига солаваради. Кўр-кўрона иш туттиш ерининг миқноси бузиб қўйгани, оқибатда ҳосилга таъсир этгани билан иши йўқ эди. Энди эса қайси

(Давоми 19-бетда).



КОМИЛ ЯШИН

Воҳид ЗОҲИДОВ,
фалсафа фанлари доктори

Оташин революцион шоир Ҳамза Ҳақимзоданинг шоғирдлари ичида энг изчили — Комил Яшиндир, деган эди Николай Тихонов. Бу ҳаққоний гап Комил Яшин сиймосини, тақдорланмас ёрқин ижодий шахс сифатида бирданига очиб юборгандай бўлади. Ҳақиқатан ҳам, Яшиннинг Ҳамзага бўлган ихлоси, Ҳамзанинг бебаҳо меросини тиклашдаги жонқурлиги унинг ўз ижодий қиёфасини ҳам кўрсатиб қўйган эди. Буни адабиётшунослигимиз Ҳамзагагина эмас, умуман янги адабиётнинг жанговар граждандлик руҳига, унинг синфий тенденциозлигига, халқчиллик ва партиявийлик принципларига сadoдат деб баҳолади. Яшиннинг Ҳамза меросини тиклаш йўлидаги кўп йиллик илмий-ижодий меҳнати унинг ўз ижодий индивидуаллигини белгилашда ҳам ҳал қилувчи роль ўйнади.

Яшин ижодининг ўзига ҳослиги, аввало, гоёвий тинчлик ва изчилликдир. У 20-йиллардаёқ социалистик адабиётнинг энг актуал проблемаларини тўғри тушуниб, назарий ишлари билан ҳам, бадий ижоди билан ҳам унинг жанговар синфий руҳини оширишга катта ҳисса қўшди. Адабиётнинг энг зарур, энг оғир муаммоларига қалам урди.

Бундан роса қирқ йил аввал ёш совет ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб коммунист образини яратган — Комил Яшин эди. У маҳал талантли комсомол шоир бўлиб танилган Яшин бу образнинг масъулиятини чуқур ҳис қилар, ундан олдин бир неча кичик пьесалар ёзиб, анча таъбири ортирган эди. Унинг социал темаларда, граждандлик руҳида ёзилган «Қураш», «Комсомол» деган поэтик тўпلامлари, «Тенг тенги билан» ва «Қўёш» деган саҳна асарлари коммунист образини яратиш учун муносиб тайёрларлик бўлган эди. Бунинг устига, Ленинградда таълим олган Яшин рус драматургияси ва театр санъатининг сўнгги ютуқлари билан яхши таниш эди. Шунинг учун «Ик-

ки коммунист» (кейинги номи «Тор-мор») пьесасидаги Арслон образи бутун адабиётимиз учун бир босқич деса бўлади. Бу образ орқали Яшин мамлакатимизда оғир кураш йиллари Коммунистик партиянинг раҳбарлик ролин кўрсатиш билан бирга, янги социалистик тематика ва адабиётда замонавийлик томон кескин бурилиш ислоди, ижодий характер яратишга боғлиқ кўпгина актуал масалаларни амалда ҳал этди.

Нунда сезгир замонавийлик, халқ ҳаёти билан ҳамнафас яшаш Яшин ижодининг доимий белгиларидан биридир. Коллективлаштириш — қишлоқ хўжалигига катта инқилоб эди. Қишлоқда синфий курашнинг бу авж нуқтаси меҳнаткаш деҳқоннинг порлоқ тақдирини ҳал қилиб берди. Бу ҳаяжонли кураш йилларини ўз бошидан кечирган драматург ўша йилларнинг ўзидайёқ шу воқеаларнинг энг драматик лавҳаларини саҳнага чиқарди. Ўттизинчи йилларнинг бошида кетма-кет саҳнага чиққан «Ўртоқлар», «Ендирамиз», «Номус ва муҳаббат» пьесаларида халқ колхоз тузумининг ҳақиқий жонқуярларини, Азамат, Самсоф, Михайлов, Онахон каби содиқ фарзандларини кўрди. Айниқса «Номус ва муҳаббат», ундаги Фулом, Яхшиов каби мураккаб образлар Яшин таланти ва маҳоратининг янги томонларини намоён қилди. Бу актуал пьесаларнинг пафоси янги социалистик воқеликнинг, янгича меҳнат муносабатларининг одамларни тарбиялашдаги қудратли таъсирини маҳорат билан кўрсата билишдадир.

Замоннинг энг актуал темаларидан бири — хотин-қизлар озодлигининг биздаги ҳақиқий моҳитини очиб ташлаш эди. Бу мавзуга Яшин жуда катта тайёрларлик ва жуда катта масъулият ҳисси билан киришди. Шунинг учун ҳам унинг бу мавзудаги қатор асарлари, айниқса «Гулсара» билан «Нурхон» бир неча ўн йиллардан буюн саҳнадан тўшмай келади. 1936 йилдан «Гулсара» номи

билан машҳур бўлиб кетган бу асар 1927 йилларда ёзила бошлаган, «Толаҳон», «Ичкарида» номлари билан саҳнада ҳам кўринган эди. Шу хилда ўн йиллар давомида пиштилган бу ҳаққоний ва юксак бадий асар бутун совет драматургиясининг ноёб намуналаридан бўлиб қолди.

Бу икки асарда шарқ аёлининг ҳақиқий озодлик учун шонли кураш йўли жуда тиниқ кўрсатилган. Гулсара билан Нурхон образлари озодликнинг ўчмас машъалидек рамзий образлар бўлиб қолган.

Комил Яшин қадрдон отоззи Ҳамзанинг оташин образини яратишни ёшлигидан орзу қиларди. 1940 йили у шоир Амин Умарий билан бирга ишлаган «Ҳамза» драмасида бу орзусини эришти. «Ҳамза» йнгирма йилдан бери саҳнада.

Тарихнинг кескин драматик давларини акс эттиришга доим интилиб келган Яшин Улуғ Ватан уруши йиллари ўнга яқин янги саҳна асари яратди. Булар либретто, сценарий, музикали саҳна ва драма каби турли жанрларда бўлса ҳам, ўзининг жанговар ватанпарварлик пафоси жиҳатидан яхлит бир циклни ташкил этар эди. Айниқса «Улим босқинчиларга», «Даврон ота» ва «Офтобхон» асарлари оғир жанг йиллари халқимизнинг галабага бўлган ишончини мустаҳкамлашга ёрдам бериб, ўнга маънавий куч-қувват бағишлади.

Комил Яшин «Фарҳод ва Ширин», «Равшан ва Зулхумор» музикали драмаларида адабий мероста ленинча муносабат намунасини кўрсатди. Бу асарлар халқнинг энг эзгу орзу-тилақларини, озодлик, пок муҳаббат ва адолатга интилишларини улуғлайди.

«Йўлчи юлдуз» ва «Генерал Раҳимов» драмалари Яшин ижодидаги энг муҳим хусусиятларини — коммунистик партиявийлик ва юксак бадийликни янада ёрқин намоён қилди. Шунинг учун бу асарлар ўзбек адабиётидагина эмас, бутун совет драматургиясида катта воқеадир. Бу асарлардаги

Владимир Ильич Ленин ва Со-бир Раҳимов образлари драматургининг ижодий характер яратиш йўлидаги бир неча ўн йиллар давомида олиб борган ижодий ишининг яқунидир. Комил Яшин айниқса сеvimли дохий образини яратиб, халқимизнинг буюк муҳаббатига сазовор бўлди. Бу ижодкорнинг тенгсиз саодатидир.

Комил Яшин академиямизнинг ҳақиқий аъзоси. У халқимиз ва адабиётимиз билан бирга ўсди, адабиёт фанини яратишга ва ривожлантиришга катта амалий ҳисса қўшди, унинг Ҳамза ижоди ва адабиётимизнинг замонавий актуал масалалари ҳақидаги ўнлаб принципиал илмий мақолалари назариямизни бойитди.

Республикамиз ижодий ташкилотларининг фаолияти кўп йиллардан буюн оқил ва тadbирли раҳбар Яшин номи билан боғлиқ. У халқаро прогрессив ёзувчилар ҳаракатининг актив мутасаддиларидан бири. Африка ва Осиё ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет комитетининг раис сифатида, у тинчлик ва дўстлик учун курашувчи ижодкорлар бирдамлигининг ташкилотчиларидандир.

Комил Яшиннинг коммунист ва инсон сифатидаги ажойиб фазилатлари ҳам адабиётимиз ривожига хизмат қилмоқда. У ижодий меҳнатнинг қадрига етadиган, талантли ва бадий асарини беҳато баҳолайдиган, меҳрибон ва ҳолис, шу билан бирга гоят талабчан дўст ва ўртоқ. Ижодий коллективимизнинг тиниб-тинчимас, ҳақиқий отахон, ёрқин талант эгаси, машҳур драматург, Ҳамза номидаги республика мукофоти ва СССР давлат мукофоти лауреати, мамлакатимиз Олий Советининг депутаты, академик Комил Яшин халқимиз ва Партиямизнинг содиқ фарзандидир.

Биз дўстлари, касбдошлари ва ихлосманд томошабинлари унинг шонли 60 йилини чин кўнгилдан қутлаб, янги ёрқин образлар яратишда наврқин куч-қувват, бахт-саодат ва озоқ бароналик умр тилаймиз.

АТОҚЛИ ДРАМАТУРГ, АКАДЕМИК КОМИЛ ЯШИН.

Г. Графинн фотоси.

ҲОРМАНГ, ДЎСТИМ

Сергей БОРОДИН

1931 йили Қозоғистон ерларида Турксиб темир йўли ишга тушди. Бу ёш Совет республикаси бунёд этган биринчи йирик иншоотлардан эди. Чет элларда Советларнинг иқтисодий ва ижодий қудратига ишонмовчилар ҳали анча-мунча эди, шунинг учун Узоқ Шарқ магистраларида шимолий ва жанубий участкаларнинг улашиши катта воқеа бўлиб, халқаро миқёсда ҳам зўр қизиқиш тугдирди. Москвадан Жанубий Қозоғистонга келаётган поезд дунёнинг қарийб ҳамма мамлакатларидан келган журналистлар билан тўла эди. Улар орасида жаҳонга танилган мухбирлар ҳам бўлиб, кўплари мана шу сафардан кейин матбуотда машҳур бўлиб кетишди. Улар Со-

вет Осиебини, ундаги ажойиб ўзгаришларни ўз кўзлари билан биринчи марта кўраётган эдилар. Қозоғистонда бўлаётган бу тантанана, табиийки, Москвадаги марказий матбуот вакиллари ҳам кўп ўртоқлар келмоқда эди.

«Огонёк» журнаlining тўрт ўринли кўпёсида Илья Ильф, Евгений Петров, Ефим Зозуля ва мен бор эдим.

Бу сафар ва бу ашelonнинг тавсифи Ильф ва Петровнинг «Олтин бузоқ» асаридан кўпчиликка маълум. Турксибнинг азамат курувчилари ҳақида мен ҳам бир неча очерк ёзганман, Ефим Зозуля эса ўз ўй ва таассуротларини тўплаб китобча қилиб чиқарди. Бу тантанали поезднинг қарийб ҳар бир

йўловчисин кейинроқ ўзининг бевосита таассуротларини матбуотда эълон қилди ва бордию, биров ўша кунлари Турксиб ҳақида ёзилган асарларни тўплаб чиқаришга ҳафсага қилса, биринчи гигант қурилишимиз ҳақида ажойиб солнома юзага келар эди.

Биз поёнсиз Қозоғистон чўлларида ўтиб Олмаотага етдик, кейин поездимиз Ўзбекистон ерларидан юриб Тошкентга, Самарқандга, Бухорога борди.

Бухоронинг Маданият Уйида ёш Ўзбек театрининг гастроллари давом этаётган экан. Кечқурун поездимизнинг даярлик ҳамма қатнашчилари спектаклга боришди. Ушанда Ҳалима Носирова овозини биринчи марта эшитдим. Бу овоз қадим Бухоронинг соф осмонига туташиб кетгандек, юсакларда енгил парвоз қиларди. Табиийки, ҳамманинг Ҳалимага миннатдорлик билдиргиси, унга ўз шавқ-завқини исхор этгиси келар эди. Кўпчилик бўлиб саҳна орасига ўтдик.

Ильф инкаламиз мўъжазгина бир хонада Ҳалимахошни учратдик, у ерда яна бир келишган йигит ҳам бор эди. Ўрта бўйли, сал қисқароқ кўзлари билан ёқимли жилмайиб турган бу йигит четроқдаги курсида омонат ўтириб нимадир ёзар эди.

Ҳалимахошим уялинираб уни бизга таништирди. Уялинираганига сабабки, у ҳали ёш келин, эр-хотинликка кўникиб улгурганларича ҳам йўқ, улар яқиндагина уйланган эдилар.

Замонанинг зайлини қарангки, ўша оқшомдан буён мана ҳозир қирқ йил ўтган бўлса, ўша йигит билан дўстлик муносабатимиз бир кун ҳам узилган эмас. Бу киши катта драматургимиз ва давлат арбоби Комил Яшин эди.

Сўнгги йигирма йил давомида биз у билан бир шаҳарда, бир маҳаллада турамыз, даярли ҳар кунни кўришамиз, суҳбатлашамиз. Мен унинг қандай ишларини, ижоддаги одатларини, халқ ишида фидокорлигини, ҳатто тоби қочиб турган пайтларида ҳам халқ ҳаётининг муҳим воқеаларида, маданий қурилиш ишларидаги ҳеч бир ҳодисани қанда қилмай актив иштирок этишини биламан.


Кўриб-билиб тураманки, у ижодий ишга киришганда бутун кучи, фикри-ёди, қалбининг бутун ҳарорати билан берилиб кетади. Унинг драматурглик маҳорати менинг кўз ўнгимда ка-

мол топди. Баъзан унинг ғайрат ва фаолиятига ҳайрон қоламан: ижод билан бирга, мураккаб халқаро фаолиятимизнинг оғир вазифаларини ҳам этади. Уйлайманки, бундай ишлашга унинг кенг юраги, бой маънавий дунёси, гоёвий пишиқлиги, чинакам коммунистик онги ва ҳақиқий интернационалистлиги ёрдам беради. Унинг бу сифатлари ёзган асарларида ҳам яққол сезилиб туради. «Йўлди юлдуз»да биз халқларнинг биродарона яқдиллигини, интернационал дўстликнинг қудратини кўрамыз. Комил Яшин ўзбек адабиётида биринчи бўлиб жанговар коммунист образини яратган адибдир. Бу олижаноб образ устида у қирқ йилдан бери ишламоқда. Бу йўлдаги сўнгги онг катта ижодий ғалабалари, менингча, Собир Раҳимов ва Владимир Ильич Ленин образларидир.

Мамлакатимизда ва чет элларда ўтказилган халқаро анжуманларда Яшин халқимизнинг муносиб вакили бўлди. Республикаимизнинг ёзувчилар ташкилоти бир неча авлод ижодкорларини уюштириб, уларнинг талантини, ижодий интилишларини ягона гоёвий мақсадга йўналтираётган экан, бу ишда ҳам ёзувчилар Союзининг кўп йиллик етакчиси Комил Яшиннинг хизмати катта. Ижодий-ташкилий ишда у энг жонкуяр, энг адолатли ва ҳолис, талант ва ижодий меҳнатнинг қадрига етадиган раҳбар адиб, дўст ва ўртоқдир. Республика партия ташкилотлари бошчилигида ёзувчиларимизнинг ёш ва кекса авлодлари бир ёқадан бош чиқариб, коммунистик партиявийлик байроғи остига жиқлашган. Бу борда коммунист арбоб ва ғамхўр дўстимиз Комил Яшиннинг хизмати биз учун жуда қиммат.

Бухородаги ўша учрашув оқшомидан буён дўстим, албатта, жуда ўзгариб кетди — бутун халқимиз улғайгандек, у ҳам улғайди, чиниқди, тажрибакор оқсоқол адибимиз бўлиб қолди. У 60 ёшга кирган бу кунларда мен ҳам ўтган йўлимизга бир назар солдим; бу машаққатли, курашларга тўла, лекин шонли ижодий йўл эди. Унинг давоми узоқ келаёганка бориб тутамади, бу ёш ҳам сермахсул ва порлоқ — бунга аминимиз. Партияга ва халққа садоқат — бутун гаровидир.

Бу шарафли йўлда ҳорманг, азиз дўстим Яшин!



Комил Яшин дўсти, озарбайжон ёзувчиси Меҳди Ҳусайн билан.



Машхур совет ёзувчилари Миршанар, Александр Жаров, Мирза Турсунзода, Алексей Сурнов атоқли драматург Комил Яшиннинг азият меҳмони.

ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

Шукр БУРҲОН,
СССР халқ артисти

Биз ўзбек актёрлари Комил Яшиннинг театр санъатининг олдидаги хизматларини юксак баҳолаймиз. У драматургияда Ҳамза Ҳакимзода билан энг яхши традицияларини муносиб давом эттириб, рус ва жаҳон драматургларининг тажрибалари асосида ўнлаб янги, бақувват образлар яратдики, буларнинг ҳар бири бизнинг актёрлик маҳоратимизнинг камолотида янги босқич ҳисобланади.

Маълумки, актёр ва театрнинг ўсиши драматургик материалга боғлиқ. Яшин яраган асарлар бир неча ўн йиллардан бери академик театримиз репертуарининг марказида турибди. Унинг ҳар бир янги пьесаси театр санъатимизда қувончли воқеадир.

Комил Яшиннинг драматик образ яратиш маҳорати менинг ҳам актёрлик фаолиятимда ҳал қилувчи роль ўйнаган. «Икки коммунист»даги Деҳқонбой, «Номус ва муҳаббат»даги Гуломжон, «Тор-мор»даги Баҳодир, «Генерал Раҳимов»да Собир Раҳимов — буларнинг ҳар бири менинг ижодимда катта бир босқич бўлди.

Мен бу ўринда унинг фақат бир асари, ундаги бир образ ҳақида фикр юритаман. У ҳам бўлса, «Йўлчи юлдуз» драмаси, ундаги доҳий образидир.

Бу асарда Комил Яшин ўзбек драматургиясида биринчи бўлиб В. И. Ленин образини яратди. Фахр билан айтаманки, ҳурматли Яшиннинг ижодий жасорати шарофати билан, мен ҳам ўзбек сахнасида биринчи бўлиб улуғ Ленин образини яратишга муяссар бўлдим.

Шубҳасиз, бу менинг ижодий ҳаётимда энг масъулиятли, энг меҳнат талаб образлардан бири бўлди. Ўнлаб ролларни сахнага чиқариб, ҳеч бири устида бу қадар узоқ, бу қадар кўп ишлаган эмасман. Яшин асарида Ленин сахналари вақт эътибори билан катта эмас, аммо спектаклнинг бутун революцион моҳияти шу сахналарда очилади.

Доҳий асарларини қайта ўқиш билан бирга, унинг шахсий ҳаёти, феъл-атвори, одатлари, юриш туриши ҳақида гоёат кўп ҳужжатлар кўришга, хоғиралар, мемуар, бадий адабиёт ўқишга, Ильични кўрган одамлар билан суҳбатлашишга тўғри келди. Ленин образини яраган актёрлар тажрибаси, доҳий ҳақида спектакль, кинофильм, бадий картиналар яраган санъаткорларнинг ишлари, албатта, менга катта ёрдам берди. Ленин ҳақида ёзганлар ичида, менимча, энг ҳаққонийси — Надежда Константиновна Крупскаядир. Мен унинг хотираларини асос қилиб олдим. У кўпича жуда батафсил, жуда муҳим ва характерли деталларни эслатади. Масалан, эски хроникал фильмларда Ленин жуда шошқалоқ бўлиб кўринади. Надежда Константиновнанинг айтишича, Ильич ундай бўлмаган, бу ўша вақтдаги кинотехниканинг камчилигидир. Баъзи рассомлар Ильичга кескин қўл ҳаракатлари, кескин жестлар характери, деб кўрсатмоқчи бўладилар. Бу ҳам тўғри эмас экан. Надежда Константиновна Ильич ундай эмасди, дейди; Ильич ҳар қандай шароитда босиқ, кўз қарашлари жонли, эътиборли, лекин қўл ҳаракатига зўр бермаган.


Мана шундай майда деталлардан жонли, ҳаққоний Ильич қиёфаси яралади. Булар албатта таъқиқ белгилар, образнинг мазмуни — Ильичнинг айтадиган сўзларида. Комил Яшин пьесасидаги текст бу мазмунни анча тўла ифодалашга имкон беради. Текст

Ленин ҳужжатларига тўла асосланган ҳолда жонли суҳбат услубида, тиниқ ёзилган. Кўпича юксак публицистик руҳда ёзилган бу сахналарда ижрочи ва томошабин учун жуда ҳаяжонли ўринлар бор. Урта Осиё республикаларининг меҳнаткаш вакиллари Ильичга шундай умид ва қувонч билан тикиладиларки, шунда доҳийнинг сўзлари менинг ўз қалбимдан чиққан сўзлардай туюлиб кетади:


— Қаранг, бир-бирингиз билан қандай тотув, қандай иноқсиз. Ора-инилик сизга жуда-жуда ярашиб турибди. Мана шу иноқликдан ҳам гўзал, қудратли нарса борми! Мен ижодий умримда бу иноқликнинг буюк куч эканига астойдил ишонч ҳосил қилганларданман. Шунинг учун бу сўзларни ижро этганимда чиндан ҳам санъат мўъжизаси юз беради. Мен залдаги ёниқ чехраларни змидан кўриб, ўзимни бахтиёр сезаман.

Асар охирида Ильичнинг: — Шарққа жар солинг... Бизнинг байроғимиз бутун дунё мазлум халқларининг озодлик байроғидир. Шарққа жар солинг! — деган хитоби юқоридаги сўзларнинг, юқоридаги мағрур ҳаяжоннинг давомидек улағиб кетади.


«Йўлчи юлдуз»даги В. И. Ленин образи Комил Яшиннинггина эмас, бутун театр санъатимизнинг катта ютуғидир. Биз актёрлар оташин драматургимиздан миннатдормиз ва унга чин кўнгилдан янги ижодий галабалар тилаймиз.



Корхонада яқин келажанда шу хил дастгоҳлар ишлаб чиқарилади.



Брно ва Пловдив халқаро кўرғазмаларида корхона маҳсулотига берилган олтин медаллар.



Корхонада тайёрланаётган «ПК-100» дастгоҳи мана шу.

Дастгоҳ


СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИГА
САЗОВОР БЎЛГАН ДАСТГОҲ

С. БЕЗНОСОВ

ФОТООЧЕРК

Гагарин номидаги Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг маҳсулотлари республикамызда. Иттифоқимиздагина эмас, хорижий мамлакатларда ҳам қадр топган. Корхонанинг тўрт минг кишилик коллективи ип йиғирадиган дастгоҳлар сифатини йилдан-йилга яхшилаб, уларни халқаро стандарт даражасига кўтармоқда. Бу ерда тўқимачилик саноати учун 12 хил дастгоҳ тайёрланади. Шулардан бири — йиғирув ўров машинасиدير. «ПК-100» деб номланган бу дастгоҳ халқаро бозорларда юқори баҳоланмоқда. Хусусан, 1965 йилда Чехословакиянинг Брно шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўрғазмада олтин медаль олди. Бу нақадар мўътабар мукофот эканлигини шундан ҳам билса бўладики, кўрғазмада ҳаммаси бўлиб ўттизта олтин медаль таъсис этилган эди. Совет Иттифоқи фанининг улкан ютуғи бўлган сунъий буйрак, тиш кесадиган ноёб дастгоҳ қаторида «ПК-100»нинг олтин медалга сазовор бўлиши, шубҳасиз, Тошкент машинасозлари коллективининг катта муваффақиятидир.

Уша кўрғазмада чехословакиялик томошбинлар бу дастгоҳни юқори баҳоладилар. «Шу пайтгача мен бунақа дастгоҳни кўрмагандим. Бу усулда ип йиғириш жуда таштли ва келажакда чехословак тўқувчилари шу усулда ип йиғиришга ўгадилар деб ишонаман. Т. Свобода, Народний Подник, Тиба, Прага». «Мен бир неча йилдан бери тўқимачилик дастгоҳларининг конструктори бўлиб ишлайман. Шу сабабли сизнинг «ПК-100» дастгоҳингиз конс-



Махсус конструкторлик бюросида. Чапдан ўнга — конструктор инженер Улмас Ахролов, бўлим бошлиғи Л. М. Журавский, етафчи конструктор И. А. Вишняк, лойиҳалаш группасининг бошлиғи Б. В. Колбасин.

трукцияси жуда мукамалдир деб айта олам. Инженер Качинек».

Орадан икки йил ўтгач, Болгариянинг Пловдив шаҳрида ана шундай халқаро кўргазма очилди. «ПК-100» дастгоҳи бу сафар ҳам олтин медаль олди.

Тошкентлик дастгоҳсозлар яратган бу мўъжизаларни сотиб олган «Читсози Техрон» фирмасининг директори Урейзи жаноблари, фирмамизнинг «ПК-100» дастгоҳларига ҳеч қандай норизолиги йўқ, дейди.

Корхонанинг кекса ходими, завод бош конструктори Николай Семенович Гриценко столи тортмасидан катта бир папкани олиб, ундан турли шаҳарлардан юборилган раҳматномаларни кўрсатди. Львов чит-йигирув фабрикаси коллективининг маълум қилишича, «ПК-100» дастгоҳи яхши, тежамли ишлаяпти. Келажакда шу дастгоҳлардан яна бир қанчасини сотиб оломоқчи. Бу хил хатларни кўплай ўқиш мумкин.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги махсус конструкторлик бюросида янги дастгоҳ ва механизмлар яратиш устида уч юзга яқин мутахассис бош қотирияпти. Ҳозир коллектив дастгоҳларни бир эмас, бир неча ишни бажара оладиган қилиб тақомиллаштириш учун, хусусан, фақат пахта толасидангина эмас, жуи ва кимёвий толалардан ип йигирадиган универсал дастгоҳлар яратиш учун ғайрат қиляпти.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигини муносиб нишонлаш учун давом этаётган мусобақада олдинги сафларда бормоқда.

Автор фотолари.



Йигув цехининг слесари Олий Самиев.



Сенда жаёлим

СИЁБ КЕЧАСИ

Ой нурида қумуш камардай
Жилоланиб жимирлар Сиёб.
Бошида ишқ савдоси бордай
Ошиқона шивирлар Сиёб.

Унга бошини эгиб анжирлар
Эртагина қулоқ тутайди.
Юрагидан тўкилган сирлар
Тўлқин бўлиб оқиб ўтади.

Сувда сочин ювган санамдай
Мажнунтоллар икки қирғоқда.
Севинчидан килриги намдай
Севинганлар сайр этар богда.

Ошиқларга бўлгандай макон
Хиёболлар кўнглида сурур.
Кониғулда ором тонар жон,
Висол зақини тотиб бир умр.

Қошидаги ҳар гўзал қишлоқ
Бахт ҳақида сўйлар ҳикоя.
Оғушида минг-минглаб чироқ,
Егдусига йўқдир ниҳоя.

Кўк чой ичиб сўрида чоллар
Келтиради замон мадҳини.
Сеп тугади тўйга аёллар,
Берсин дея келин бахтини.

Хиёбонда икки навқирон
Бир соядай чалинар кўзга.
Қалбларида оташини сурур,
Тиллар зўрға қовушар сўзга.

Шу икки ёш бахтини кўзлаб,
Қишлоқ аҳли билмайди уйқу.
Бўлажак тўй ҳақида сўзлаб,
Тонгини кутар беғам, беқайғу.

Сиёб узра ложувард осмон,
Сиёб узра мусаффо ҳаво.
Ой кезади қўлда беармон,
Юлдузларга тўладир само.

Сиёб оқар сокин, осуда,
Уйқу нима, билмас бир умр.
Ер қошига шошган маъсума —
Янглиғ унинг қалбида сурур.

Кундуз қуёш, тунда эса ой
Нур сочади Сиёб йўлига.
Уни кутар висол қулган жой,
Вафо жомини тутиб қўлига.

БИР ИЛТИМОС

«Латиф бир шеър ёзинг — илтимосим шу.
Кулганлар йиғласин, йиғлаган кулсин!»
Илтимосинг ғоят мушқулдир, гулрў,
Дейсанки: дард билан севинч ёр бўлсин.

Қай қалба бўлмаса ташвиш ила ғам,
Севинч гули унда ёзмағай япроқ.
Шодлик оҳангига жўр бўлган одам
Дардсиз яшай олмас ҳаётда мутлоқ.

Қалбимдан оқади шу икки дарё,
Кўзимдан чақнайди олтин зарраси.
Қалбимга ўхшайди бу нотинч дунё,
Шодлиғу ғамга ғарқ ерини қурраси.

Севинч дарёсидан тўлдириб қадаҳ
Тонг билан тутаман ҳар бир инсонга.
Ташвишли кунда бўламан ҳамроҳ,
Дард чангал солмасини осуда жонга.

Қай кимса ўқиса шеъримни агар
Лабига табасум ёр бўлсин, дейман.
Кўз ёшидан сира қолмасини асар,
Шу дунё тургунча бор бўлсин, дейман.

Шеърим бўлса агар дардига малҳам
Майли йиғлаб олсин мен билан бирга.
Бир ўзи йиғласа кўнглим босар ғам,
Бундай дардга бардош беролмам сира.

Ийқилган кимсани турғазиб қўймоқ,
Суйиқчиқ бўлмоқдир эзу матлабим.
Ноҳақ қораланган кимсани суймоқ,
Уни ёқлаш — таълим мактабим!

Шу мактабда толмай чиқардим савод,
Илму ҳунар бўлди олган таҳсилим.
Одамлар кўнглини сийлагали шод,
Шеър билан очаман қалблар тилсимин.

Бахтини топгунча одам боласи
Жон фидо қилади, тўқади кўз ёш.
Кўкни тешай дерди оҳу ноласи,
Яхшиям, бошида порлади қуёш!



Шунча йиғлагани етмасми ахир,
Ўтли кўз ёшидан эриди тош ҳам.
Инсон зоти шунча бўлса-да басир,
Баъзида қаддини эгар экан ғам.

Йўқ, шеърим ўқитган, эй азиз одам,
Ғам ченманг, қаҳ-қаҳлаб отингиз хандон.
Сизни деб қулганда наврўзи олам,
Шодликдан янграсин замини замон.

Икки дарё оқар менинг қалбимда,
Қўлимда жаранглар икки пиёла.
Берида шеър майи — узатай кимга,
Бирини ўзим учун эрур кифоя.

Берида севинчим, берида дардим,
Севинчим сизгаю дардим ўзимга.
Бир қултум ичсангиз очилар рангим,
Жондан азирроқсиз менинг кўзимга.

ИЛҲОМ ПАРИСИ

Бугун руҳим тонгдай беғубор,
Хиёлларим ел каби учқур.
Хиёларимда қуёш ўти бор,
Юрагимда ажиб бир сурур.

Илҳом деган сирли бир малак
Менга ваъда айтлаган висол.
Фироқида ўртанган юрак
Учрашувга ошиқар хушҳол.

Йўқ, гул эмас менинг тутганим,
Унга ҳадям дафтар ва қалам.
Висолини ойлаб кутганим,
Бугун менга қилибди қарам.

Шунинг учун қалба аланга,
Кўзларимда сирли бир савол.
Ҳавас билан боқиб оламга,
Вужудимда таажжуб бир ҳол.

Бундай савдо кўп кечган бошдан,
Бундай ҳолнинг йўқдир саног.
Қалба тушган бундай оташдан
Қизаргандир илҳом ёноғи.

Бугунгиси ўзгача лекин,
Истеъдодим қилар имтиҳон.
Гул тутқазиб қўлимга бугун,
Қултуғ ишга чорлар беғумон.

Шунинг учун бу ошиқ кўнгли
Оғушида ўтли ҳаяжон.
Ер васлини соғингандай ул,
Тўлқинларан мисли бир уммон.

БУЮМЛАР

Турмушимиз фаровонлиги шу даражадаки, энг зарур ва дид билан танланган уй-рўзгор жиҳозлари ҳозир деярли ҳар бир хонадонда бор. Шаҳарларимиздан бирида тарқатилган анкетада «Қандай қимматбаҳо жиҳозларингиз бор?» деган савол бўлиб, кейин мисол учун шундай нарсалар санаб кўрсатилади: автомашина, мебель, холодильник, сервис, кир ювиш машиниси, телевизор, пианино, магнитофон, кутубхона ва ҳоказо, ҳаммаси бўлиб 21 хил нарсаси. Анкетага жавоб берган минг оиладан икки юзтасида шу нарсаларнинг бари бор экан.


Ҳа, бу ҳақиқий фаровонлик. Совет кишилари бу нарсаларни зарур бўлгани учун ва қурблари етгани учун оладилар. Бу жиҳозлар «ўлинг мол» ёки қўшимча даромад келтирадиган нарсалар эмас, улар ҳаёт қулайлиги учун, уй ишларини енгиллатиш учун, оила маданиятини ошириш учун, фойдани дам олиш учун зарур. Социализм уй-рўзгор жиҳозларининг мўл-қўллигини таъминлайди, аммо одамларни жиҳозларга, нарсаларга қўл бўлиб қолишдан сақлайди. Биз оқилона, қўлай, ортинча даҳмазасиз, маънавий гузал турмушга интиламиз. Замонавий шаҳар-қишлоқларимиз, янги, кўркам, ёруғ, қўлай уйларимиз мана шу интилишга мосланган.

Аммо замон руҳидан узилиб, мешчанлик сарқитларига чувалашиб қолган баъзи

одамлар ҳам борки, улар зўр бериб керак-нокерак мол-дунё тўплайдилар, кимнингдир «кўзини куйдириш» учун ҳам, кимдандир «қолишмаслик» учун ҳам, «қойил қилиш», маънани учун ҳам қимматбаҳо жиҳоз ортиришга уричдилар. Баъзи хонадонларга кирсангиз, йиллаб чанг босиб ётган қимматбаҳо «запас» сервислар, дидсиз, заруратсиз йиғилган тилла-кумуш буюмлар, ҳеч ким ҳалишни билмас ҳам пианино, қавақ-қават гилгалар кўрасиз, хонадонлар бу ортиқча буюмлардан димиқиб кетган бўлади, оёқ босгани ўрин йўқ. Эгасига бу «бойлик» қандайдир сеҳрли куч бўлиб туюлади, у буларни йиллаб асрайди, кўриб завқланади, яна кўпайтиради. Буюмларнинг қули бўлиб қолганини ўзи билмайди.

Жиҳоз, буюм — мақсад эмас. Жиҳоз, буюм турмуш қулайлиги учун, одам ороми, соғлиғи, меҳнати учун хизмат қилиши керак. Аммо шунини тунунмай, заруратсиз буюм йиғишга муккасидан кетганларнинг ҳали ҳам борлиги бизни ташвишга солиши керак. Чунки бу ҳол турмуш маданияти пропагандасининг заифлигини, унинг ранг-баранг шакллари ишга солилмаётганини кўрсатади. Бу масалалар билан ҳозирча баъзи халқ университетларига шугулланмоқда. Оммабоп рисоалар эса камдан-кам чиқади. Фикримизча, янги чиқаболмаган «Меҳнат ва турмуш» журналида уй-рўзгор тутиш масалалари, турмуш маданияти пропагандаси мунсиб ўрин олиши керак.

Дид билан танланган яхчам буюм бизнинг эстетик тарбиямизга, кайфиятимизга яхши таъсир этади. Буюм ортиқча бўлмаслиги, оёғимизга илашиб бизни ўзига қарам қилиб қўймадлиги керак. Биз бундан қўра юксакроқ, маънавий мақсадлар учун ашаймиз!



Биринчи бор йиғит билан қиз
Учрашгани қилинг тасаввур.
Бир-бирига қаролмай ёлғиз
Икки ошиқ ер чизар масрур.

Севги деган муқаддас сўзи
Дудуқларан оломай тилга.
Йиғит дейди: «Изладим Сизни»,
Таскин бериб ошиқ қўйилга.

Қиз эса жим, сақлайди сукат,
Ипроқ каби титрайди дир-дир.
Бошқа бир сўз дебмас йиғит,
Қувлик қилиб қиз бермагач сир.

Лекин менга шуниси аён,
Қиз севмаса бермасди бунда.
Севги дилга солмаса тўғён,
Учрашмасди иккови тунда.

Мен ҳам илҳом деган парини
Ушатаман ўша санамага.
Тутқизмаса менга барини
Солмас эди қалбга аланга.

Олтин бўса қилмаса ваъда,
Қўлларимга бермасди қалам.
Мендай гузал бўлсин деб дунё
Чорбоғимга қўймасди қадам.

Бу висолнинг завқи билан маст,
Олқиш айтгум ул қалам қошга.
Жонга бўлиб шешър ишқи пайваст,
Гул чекаман тун бўйи тошга!

УРГУТНИ СОГИНИБ...

Яна боғлар оша учди ҳаёлим,
Яна шешърларимда Ургут шеваси.
Яна дўстларимни соғиниб қалбим,
Ургут сари оқди умрим кемаси.

Салом, болагим! Эй олтин фасл
Ташвишу ғамлардан бегона диёр!
Кипригига гард ҳам қўнмаган насл,
Гулларга бурканган, эй сўлим баҳор!

Тўйиб-тўйиб ўпай юзларингдан, кел,
Кел, поёвдоз солай гулдан йўлингга.
Тўйиб-тўйиб ўпай қўзларингдан, кел,
Кел, шешърий китобим тутай қўлингга.

Болагим ўйчан боқиб юзимга:
«Ташлаб кетдинг, — дейди, — қишлоққа
мени».

Йўқ, азизим, ишон менинг сўзимга,
Ўзим билан олиб кетганман сени.

Ажиб хотиротинг қалбимда ҳамон,
Ҳамон шўхликларинг менга берур завоқ,
Сени эслаганда тунлар бегумон
Ширин хаёлларга бўлажакман ғарқ.

Қани, болагим, чорла сайрга,
Томоша қилайлик ташш боғларни.
Хивия отга миниб, сен билан бирга
Зиёрат этайлик юксак тоғларни.

Болагим тутиб қўлимдан шодмон
Азиз мактабимга бошлади мени.
Опоқ бино турар ўйганча осмон,
Ям-шил дарахтлар қуршаган уни.

Ўсмирлик йилларим кечган бу даргоҳ
Менга танитганди оқу қорани.
Дунё сирларидан этгандай огоҳ,
Барча саволимга топган чорани.

Қошимда сочлари қордай муаллим
Жилмайиб турарди очиб кенг кучоқ.
Меҳру ифтихорга қалби лиммо-лим,
Қай шамол учирди, дерди у қувноқ.

Ургутнинг шамоли, дедиму мамнун
Боладай отлдим кучоғига шод.
Қалбимда мавж уриб сирли бир тўлқин,
Фақат дея олдим: «Ташаккур, устод!»

Ҳаяжон оташи сўймай қалбимда,
Қадрон уйимга ошиддим яна.
Бобом экиб кетган ёнғоқ олдиди
Ота-онам бўлди менга парвона.

Онамнинг кўксига қўйиб бошимни,
Дунё савдосини унутдим тамом.
Кўздан тўнелмас севинч ёшнини
Мени ўпар эди меҳрибон онам.

О, она қишлоғим! Сенинг номингни
Муқаддас қасамдай ёд қилгум ҳар чоқ.
Сен менга илк дафъа тутган жонингни
Бир умр сивдирмай сақлагум мултоқ.

Сендан бир вакилман пойтахтда бугун,
Дунёга таратай дейман номингни.
Қардош дўстларимнинг сафиди мамнун,
Дунёга тўтарман кутлуғ жонингни.

Тошкентда топсам-да қадру камолим,
Сен билан қалбимнинг риштаси пайванд.
Шешър ёсам, сен сари учар ҳаёлим,
Сени деб пойтахтда ишар бир фарзанд!





КУНЛАРИМИЗ КЎЗГУСИ

Мана, кўлимизда 1970 йилнинг календари. Ўзбекча календарь.

«Европа давлатларида, — дейилади унинг бир varaғида, — биринчи календарлар XVIII асрда пайдо бўла бошлаган. Бадавлат кишилар ёғоч календарларни меҳмонхоналарнинг безатилган бурчакларига осиб қўйишарди. Кичикроқ ёғоч календарни эса чўнтакларига ҳам олиб юришган».

Календарнинг бошқа бир бетида келтирилган маълумотда эса, Халқ Комиссарлари Советининг раиси В. И. Ленин янги календарь қабул қилиш ҳақидаги декретга 1918 йилнинг 26 январда имзо қўйгач, мамлакатимизда Халқаро Григорян йил санаш календари расм бўлгани ҳақида ҳикоя қилинади.

«Ўзбекистон» нашриёти тайёрлаган янги йил календарининг мавзун асос эътибори билан шонли сана — Ильичнинг 100 йиллик тўйига бағишланган. Календарь varaқларида Лениннинг турли даврларда олинган фотосуратлари, расмлари, кинокадрлар кенг ўрин олган. Владимир Ильичнинг бебаҳо асарларидан келтирилган парчалар календарь бетларини безаб турибди. Доҳий ҳақидаги биографик маълумотлар, уни яқиндан билган кишиларнинг эсдаликлари, Ильич билан учрашганларнинг таассуротлари жуда ўқимли, доҳий ҳаётининг кўпчиликка номаълум томонлари билан таништиради.

Бундан ташқари, календарь varaқларида Ўзбекистон тарихига оид, халқимизнинг атоқли намояндлари ҳаётига доир, республикаимизда эришилган фан-техника ютуқлари ҳақидаги аjoyиб материаллар берилган. Ҳазилмutoйиба ҳавасмандлари учун кичик ҳажвийлар, юмористик расмлар ҳам бор. Шеъринг шайдолари назм даҳоси Навоий сатрларидан тортиб, Муҳаммад Али, Тўлқин, Хайридин Салоҳ каби истеъдодли ёш шоирлар шеърларидан завқ олади. Бўш вақтларда пазанда маслаҳатларини, митти хандаларни, болалар юморини, олам аjoyиботларини ўқиб дам олсангиз бўлади.

Хуллас, шонли йил — Ленин юбилейи йилига бағишлаб чиқарилган ўзбекча календарь мазмунан раиғ-баранглиги, безакларнинг нафислиги билан ҳар йилдагисидан ажралиб туради. Кунларимиз кўзгуси — 1970 йил календари йил давомида яхши ҳамроҳингиз бўлсин!

Тўхтамурод БАХРОМОВ.

Мурод ХАЛИЛ

МАРДЛИК

Болаликда инсон ўт-олов дерлар,
Унга писанд эмас хавф-хатар, кўрқув.
Олов ёшлигим деб кимлар айтмаган.
Минг қарра айтилган ҳақиқат-ку бу!
Мен бир ҳикмат кўрдим бу эски гапда:
Ёшлиқ билан мardлик, албатта, қудчир;
Аммо бу жозоба, бу ноёб қудрат
Қалб билан улғайиб бормаса — пучдир...

КАЛИТ

Дунёни қулф-калит омон сақламыш,
Кичкина бир темир — ишончга она.
Олтилар, ғазналар, тариху тақдир,
Ва ҳатто ёнилги, тўпу тўпхона...
Инсон таскин топмиш, кичик калитдан
(Минг йиллар шу зайл авлоди одам).
Мен ўйлаб қоламан... оламини бугун
Калитми, ё имон сақлайди бардам?

Ҳури она

Бош врач қабулхонаси эшиги ёнида бола кўтариб турган эдим. Ичкаридан чиқиб келган оқ халатли аёл рўпарамда тўхтади. Ўғлимга бир боқишда унинг хаста эканини сездим шекилли:
— Нима, ойини йўқми? — деб сўради.

Ойинининг уйда иши кўп. Унинг устига... — очикъ айтишга иймандим.

— У билан ўзим ётмоқчийдим, — дедим.

— Қабул қилишмаяптими?

Сабабини айтдим: «Ўзини ташлаб кетаверинг», дейишган эди. Бола ёлғизликка ўрганмаган. Бу ердагиларини қийнаб қўйиши мумкин.

— Тайинлаб қўяман. Сизни жойлаштиришди, — деб ичкари кириб кетди ҳалиги аёл.

Кўп ўтмай ота-бола олоҳида хонадан жой олдик.

Ким бўлди бу хушмуомала меҳрибон аёл, деб ўйланиб қолдим. Суриштириб билсам, бош врач — Ҳури Минаваровна экан.

Ишга ўрганган одамнинг бола боқиб уйга қамалиб ўтириши қийин бўлар экан. Кечалари ўғлим ухлаши билан ҳовлига чиқиб дарвоза олдидаги қоровул билан гурунглашиб ўтирардим. Тун бўйи «Тез ёрдам» машинаси гоҳ кириб, гоҳ чиқиб туради. Навбатчи врачлар, ҳамширалар мижга қоқинмайди.

Ярим кечада касалхонага уч яшар беморни олиб келишди. Ранги оппоқ, бехуш, қалт-қалт қилиди. Навбатчи врач қўлидан келган барча тадбирларни қўллади, аммо беморнинг аҳволи яхшиланмади. Аксинча оғирлашди. Навбатчи врач ярим кеча бўлса ҳам бош врачнинг уйига телефон қилишга мажбур бўлди.

Кўп ўтмай, катта дарвозадан енгил машина кириб келди. Енгинамда турган навбатчи врач деразадан қараб, «она келди», деб пийирлади. Дам ўтмай биз турган хонанинг эшиги очилди. Ичкарига Ҳури она кириб келди. Столда узала тушиб ётган беморни кўрди-ю, кислород беришларини буюрди. Овадан бир оз ўтгач, уч-тўрт дорини қўшилмасдан плазма қилишди. Титраш тўхтади, бемор уйқуга кетди.

— Энди тузалиб қолади.

Бемалол палатага ётқизаберишлар, — деди Ҳури она.

Игирма ёшлигиданоқ медицинага қизиққан Ҳури она 1939 йили Тошкент Медицина институтини тугати, дастлаб участка врач эди, оғир уруш йиллари госпиталда эвакуация қилинган бемор болаларни даволади. 1945 йили Ҳури Минаваровнани Тошкентдаги 3-поликлиникага бош врач қилиб юборишди.

Беш йил давомида Ҳури Минаваровна фақат враччи на эмас, яхши ташкилотчи ва тадбирли раҳбар эканлигини кўрсатди. 1950 йили она янги ташкил қилинаётган 2-болалар шифонасига бош врач қилиб тайинлашди. Мана шунга ҳам игирма тўрт йил ўтвди. Уйда ҳам, ишда ҳам болалар. Уларни севмай бўладими. Ҳури Минаваровна тушида ҳам болаларни ҳимоя қилиб ёвуз касалликларга қарши жанг қилиб чинади, деб қулишадди ҳамкасблари. Бу гапда ҳақиқат бор. У киши қундузи ишлаб, кечалари уйқусини тарқ қилиб ўз тажрибаларини яқунлади. «Болаларда полиомиелит касаллиги понтан формасининг клиник ўтиши», «Юқумли гепатит касали билан оғирган болалар қонида фосфорнинг миқдори», «Тифга қарши оғланган ва эмланмаган болаларда тиф касаллигининг ўтиш клиникаси» каби илмий ишлар ёзди.

Бутун кучи, билимини болалар соғлиғига бағишлаган Ҳури она «Шавкатли меҳнат учун», «Меҳнатда шухрат кўрсатганлиги учун» медаллари, «Соғлиқни сақлаш аълочилиги» нишони, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг иккита Фахрий ёрлиғи ва 1963 йили «Юқори малакали хизмат кўрсатган врач» деган унвонлар билан тақдирланди.


Ҳури Минаваровна оилада меҳрибон она, аjoyиб тарбиячи.


Ўғлимнинг соғайиб касалхонадан чиқиб кетганига кўп бўлди. Аммо ҳамон аjoyиб шифокор, меҳрибон онахон Ҳури Минаваровнани эслайман: яхшилик эсдан чиқмас экан. Одамларга яхшилик қилиш — унинг муддаоси бўлса керак.

Шукрулла ФОЗИЛОВ.

Оҳангарон ГРЭСининг машина зали.

Г. ГРАФКИН фотоси.





В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати.

Г. ГРАФКИН фотоси.



К. ЭМИНОВ. Туркистон вакиллари Ленин ҳузурнда.



К. ЭМИНОВ. М. И. Калинин ва Й. Охунбобоев деҳқонлар билан суҳбат лашмоқда.

"Кундалик" сажифалари

Ҳамид ОЛИМЖОН

Косторнянинг иккинчи томонидаги кичик развездда тўхтадик. Бу ер немиснинг базиси бўлган жой. Қўшимиз бу ерда фашистин ер билан яқсон қилган. Қор тагида музлаб ётган мурдалар оёқ яланг. Оёқ яланг тезроқ қочаман деб ўйлаган бўлса керак, қайлаҳ. Нобуд қилинган техникаси, портлатилган аслаҳа омборлари, танклар, замбараклар, араваларнинг сон-саногги йўй.

Вагонимизга бизни Елецда кузатиб қолган ўртоқлар кириб келишди. Улар Косторнянинг аҳолидан хабар олиш учун бутун учиб келишибди. Улар бизга энди жуда яқин кишилар бўлиб қолишганди. Ўртоқ Пичубинни кучоқ очиб кутиб олдим. У бизни сўнгги икки-уч кун янгиликлари билан ошна қилди.

Бир дунё таассурот билан Курск томон йўлга тушамиз. Немис қочган ерларда бутун йўл бўйлаб немис солдатларининг каскалари сочилиб ётибди. Ўликлар бу ерда ҳам ҳаммаси оёқ яланг. Похолдан қилинган «эрэц» валенкалар билан қочиб қийин бўлса керак-да. Йўлдаги кичик станциялар немисдан ўлжа олинган ўқ-дори, бензин омборлари билан лиқ бўлди. Косторнядан ўттиз километрга узоқдамиз. Лекин йўл бора-борунча куйган эшелонлар, ўлжа аслаҳалар билан тўла.

Бомбардион қилинган станциялардан анча узоқ кетдик. Йўл энди тинчроқ кўринадди. Ойдин. Ҳар замонда телемишдан немис самолётлари ўтиб турибди. Менга кеча ноҳосдан одамлар устига тушган бомбанинг даҳшатини гапириб бердилар. Маҳаллий халқдан бир неча хотин-қиз ўз уйларига қайтаётган экан. Енларига бомба тушибди, бирмунчаси дарҳол ерга қапишиб омон қолибдилар. Бир нечаси ярадор бўлибди. Орада бир қизча ҳам бор экан. Бомба портлаб бўлгандан сўнг қарасалар, унинг асари ҳам топилмабди...

Соат 11 дан ошди. Эртага Курскка етамиз. Ухламоқ учун ўз купеларимизга кириб кетдик. Бирдан тепада самолётларнинг овози эшитилиб қолди. Дushman самолётлари тинмасдан телемишга ёпирилмоқда эди. Биз дарҳол пастга тушиб, ўзимизни поезддан четроққа олдик. Немис икки станцияни, бизнинг орқамизда қолган Косторняни, олдимишдан Шчитрини ўққа тута бошлади. Биздан бир неча минут олдин ўтган бир эшелонни ҳам бомбага гутибди, кўл одам ўлган эмиш.

Биз янги қор устида ётдимиз. Икки томонда портлашларнинг дарзаси келиб турибди. Ҳавода зенит ўқлари ёрилмоқда. Узоқдан газабли фарёд эшитилади. Яқиндаги бир даракда нанку сайрамоқда.

Шунча олов ичидан ўтиб, нима учун шу кунгача эшелонимизга бир марта ҳам бомба тегмади? Темир йўлчилар ва ҳарбий маъмурулар бизни жуда эҳтиёт қилишмоқда, шекилли. Биз одатда кундузи йўл боламиз, немис ўққа тутаётган станциялардан тўхтамасдан ўтиб кетамиз ва кечаси харитага чизилмаган бирон кичик развездда тунаймиз. Одатда бу ерда биздан бошқа ҳеч ким бўлмайдди. Ҳар нарсани пухта қилишга одатланган немис ҳам бизнинг турган еримишни билолмайдди, у ўз харитасига чизилган жойларини бомбага тутади.

Давоми. Боши ўтган сонда.

21 март.

Эрта билан Курскка етиб келдик. Бизни полковник Петров ва Кравченко ўртоқлар вокзалда кутиб олишди. Кундуз кун фронт Сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-майор Галаджев билан учрашдик. Бу генерал жуда ёш кўринади. 42 ёшда эмиш, ранги 30 яшар йигитни эсга солди. Биз унинг билан Сталинград ҳақида сўзлашдик.

— Сталинградда олинган асирларнинг сони матбуотда хабар қилинганича 90 миң эмас, 130 миң бўлиб чиқди. Асир тушган офицерларнинг сони ҳам икки баробар кўп — деди у.

Кечаси Курскда Анна Ивановнанинг уйда ётдик. Немис аэропланлари қарийб азонгача Курск аэродромини бомбага тотиб турди. Бомба зарбидан бутун шаҳар титраб турар эди.

22 март.

Кечаси ҳарбий раҳбарлар билан учрашдик. Ўзбекистон ҳақида, пахта, Фарғона канали ва Фархадстрой ҳақида сўрашди. Сўнгра мен билан адабиёт ҳақида сўхбатлашдилар. Мен «Муқанна»нинг сўнгги монологини ўқиб бердим. Монолог уларга жуда маъқул бўлгандай кўринди.

Бу учрашувда ўртоқ Рокоссовский ва бошқа генераллар бор эди. Расмга тушдик. Ўртоқ Рокоссовский бизга кумуш қадаҳ тақдим этди. Шу онда икки сатр шеър айтдим:

Эсга олиб аждодаларнинг энг муқаддас номини,
Ўзбек халқи сизга тутар бу муҳаббат жомини!

Кўп одамлар билан кўришдик. Кўп нарсалар эшитдим. Лекин уларни ёзиб қўйишга вақт бўлмаётди.

— Урушда кўп оғир куллари кечиршига тўғри келди. Биз орқага чекиндик. Шунда мен ўз-ўзимча ўйладим. — дейди генерал Галаджев. — Наҳотки мен немисдан кўра кучсиз ва оғизман? Наҳотки немис мендан баланд ва афзал? Наҳот мен уни ўз ватанимдан қувиб чиқара олмайман? Наҳот немис оғирликларни енгишга мендан қобилроқ? Йўқ! Мен уни енга оламан! Шунда менинг олдимга бир олдий жангчи келди. Ўртоқ комиссар, деди у, немиснинг иши ишқал. У ёз кунини ўзини аҳоли яшайдиган пункта қараб урмоқда. Унинг уйи ичида қаравотда ёттири келади. Очيق далада ётишга чидай олмайди. Эрта куз кирди, ундан сўнг киш. Унда унинг аҳоли қалай бўлади? Немис оғирликка чидай олмайдиган кўринадди.

Шунда мен бизнинг энгажамизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

24 март.

Биз Свобода деган қишлоқда Александр Терентьевнанинг уйда турибмиз. 20 яшар бу аёлнинг тўрт ёш боласи бор. Эри фронтда, лекин ундан ҳеч бир хабар келмабди. Урушдан илгари улар қолхозда ишлашар экан. Немис бу ерда бир ярим йилга яқин бўлган. «Колхозни тарқатиб, «обшина» туза бошлаган. Ҳар ишчи кучига бир гектар ерни экиб беришга мажбур қилган. Улар эканлар. Немис бугдойнинг ҳамма-

сини олиб кетган. Аёлнинг бисотида битта сигири бор экан, холос. Александра Терентьевна менга бир кружка сут келтирди: — Ҳозир сигир соғдим, сут ичинг.

— Сигирингиз қанча сут беради? — дейман мен.

— Уч литр. Авал 15 литр берар эди. 24—25 март.

Курскда учувчилар орасида бўлдик. Қирувчилар аэродромини, штурм самолётлари аэродромини кўрдик. Америкадан келган самолётлар билан танишдик. Немис «қора ўлим» деб ном қўйган Илюшин самолёти билан муфассал ошна бўлдик. Илюшин самолётига ўрнатилган паррақлар, пулемётлар ва реактив снарядларни кўрсатдилар.

Ватанимизда чиқаётган самолётлар ҳозир иттифоқчилардан келаётган самолётлардан ҳам, немис самолётларидан ҳам устун.

27 март.

Олтинчи гвардиячи дивизиондан қайтиб, Курскка келдик. Ҳарбий асирлар лагерида бир яхуди ва икки немис асир билан сўзлашдик.

Яхудий венгерлар орасида қўлга тушган. У доктор экан. Немис армиясида уни кучер қилиб ишлатганлар.

— Венгер аскарлари орасида — деди у, — юз мингга яқин яхудий бор эди. Яхудиларни асосан қора ишда, қурувчилик ишларида фойдаланар эдилар.

Асир ефрейтор билан сўхбатимиз жуда зерикарлик бўлди. У, фин солдатиман, деди, бошқа ҳеч нарса айтмади. Лекин оберлейтенант билан бўлган сўхбат жуда қизгин ўтди. У ўзини жуда дағал тутди. Миёси тамом заҳарланган. Ҳали ҳам «бужо» Германиянинг енгишига ишонади. Сталинградда асир тушган немис генераллари ҳақида газаб билан сўзлайди.

Сўхбатда бизга шоир А. Безименскийнинг ўғди таржимонлик қилар эди. У немис генераллари асир тушганда олдий қизил аскар кийиминда, ўша генераллар ичидан юрганини сўзлаб берди. У немис генералларининг асир тушганларни бутун тафсилотлари билан билади.

28 март.

Яна Свобода қишлоғидамиз. Бу кун обед вақтида Мўғулистон Халқ Республикаси делегацияси билан учрашдик. Улар ҳам Қизил Армияга совга олиб келганлар.

Кечкурун сафаримизнинг энг олий нуқтаси юз берди. Яна Ҳарбий Совет аъзолари билан учрашдик. Бизни беҳосдан чақириб қолдилар. Учрашувда Рокоссовский, Малинин, Козанов, Галаджев ва Пономаренко ўртоқлар бўдилар. Ўлтириш то эрта билан соат 5 гача давом қилди. Ўлтириш гоёт самийни эди. Рокоссовский билан жуда узоқ сўзлашдик. Бошқа жим ва ҳар замонда бир-икки оғиз сўз айтиб жимлайиб қўйгувчи бу одам жуда очилиб кетди. У ўзининг гаржмаи ҳолини, қамоқда ётганларини, Сталин билан бўлган учрашувларини, Москва, Брянск, Сталинград атрофида қилган жангларини, ярадор бўлганларини сўзлаб берди.

— Уруш бошланган вақтда мен Брянск фронтига эдим. Армиямиз чекинмоқда эди. Менинг қисимини Москвани Волока-

ламск томонидан мудофаа қилишга юбордилар. Мен қандай қилиб ҳалқнинг кузи олдида орқага чекиниб ўтишга ҳайрон эдим. Москваликлар бизни қарғамасмикилар? Халқ олдимизга супурги кўтариб чиқмасмики? Шу саволлар мени қийнаб эди. Биз ҳужум бошламагунча ҳалқнинг кўзига ташлашмаслик учун Москвани айланиб ўрдик ва Волоколамскада немисга қаттиқ зарба бердик. Сталининг биричи марта мени телефонга чақиргани эсимдан чиқмайди. У меидаи Красная Поляна кимнинг қўлида эканини сўради. Мен аниқ билмас эдим. Сўнгга Крюковонинг кимининг қўлида эканини сўради. Мен қўлдан қўлга ўтиб турганини айтдим ва керакли талбирларни кўрганимни баён қилдим. У қандай талбирлар қилганимни сўраб ўтирмади, талбир қилган бўлсанг бўлди, дейди. У менга тўла ишонч билан қараганга ўхшар эди.



В. КАЙДАЛОВ расми

Брянскда эканман, Сталин менга яна телефон қилди. Зерикамасмики, деб сўради. Визининг фронгда жим-житлик эди. Зерикаяман, дедим. Бўлмаса, Москвага келинг, деди. Мен Сталин олдида бордим. Унинг олдида кирар эканман, жуда ҳаяжонда эдим. Уртоқ Поскребишев нега қалтирайсан, ўзингни дадил тут, деди. Кирдим. Кенг, узун хона тўридан Сталин менга қараб келар эди. Биз кўришдик. Сталин менга ўлтиришни таклиф қилди. Узи тик турар эди. Мен ҳам тик туравердим. У менга яна ўлтиришни таклиф қилди. Мен ҳамон тик. У тик турадио, мен ўлтираманми. Ахир ўтирдик. Сталин Сталинградда аҳволнинг оғирлигини айтди. Шундан сўнг мен Сталинградга кетдим. Немис мудофаасини руминлар турган ердан ёриб ўтдик. Бу ўша вақтда бизга уларнинг энг заиф нуқтаси бўлиб кўринган эди. Тахминимиз ҳақиқат бўлиб чиқди.

Минг йилларни

И. КАССИРСКИЙ,
СССР Медицина фаилари
академиясининг ҳақиқий аъзоси.

Бу мақолаи ёзиш фикри Ўзбекистонга қилган кейинги сафарим вақтида туғилди. Ўзбекистон — менинг ватаним. Мен Фарғонада ўсиб улгайганман. Улуғ Октябрь инқилобининг ўша ерда кутиб олган эдим. 1934 йилда Москвага кўчиб келганимдан кейин ҳам қадрдон ўлкага бир неча марта бориб келдим.

Бу сафар Ўзбекистонга бир илмий нишга опонент сифатида бордим. «Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ички касалликларни даволаш ютуқлари» деган мавзуда республика Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Наима Маҳмудова диссертация ёқлаётган эди. Шу ажойиб илмий ҳимояда чиқиб гапиршдан ташқари, бошқа бир ниятни ҳам кўзлагандим. Утган йиллар ичида Ўзбекистонда юз берган ўзгаришларни батафсилроқ кўриш истагим бор эди. Шунинг учун саёҳат вақтида бу ўлкада илгари кўрган билганларимни хотирлашга ҳаракат қилдим. Утмишдаги аҳволин бугунги турмушга, тарихий икки манзарани қиёслашга уруниб кўрдим.

Хайёан 1906—1915 йиллардаги Ўзбекистонни кўз олдимга келтирдим. Ўша вақтда гимназияда ўқирдим. Ёзги таътилга чиққанмизда, елкамда халтача, Фарғона музофотининг қишлоқларини кезардим. Ўша даврларда кўрган ва эшитганларим хотирамда маҳкам ўрнашиб қолган.

Олтмиш йил — тарих учун унчалик катта давр эмас. Вироқ бугунги турмуш билан ўтмиш орасидаги фарқ ҳайратда қолдиради. Ёшлигимда бу ўлкада ибтидоий-феодал турмушини, ховликлар даврини кўрганман. Балки, бундан минг, икки минг йиллар бурун ҳам Ўзбекистон худди шу мен кўргандай бўлгандир: дарчасига хитой қоғози ёпиштирилган, девор ва томлари серсомон лой билан сувалган настиқам уйин шаҳарчалар; қишда лой, ёзда чанг, бир от-арана аранг синадиган эгри-бугри кўчалар; тўрт девор орасида бир умрга қуёйдан бебаҳра, юзига чачвои тутган аёллар этаги ерга судралган рўдапо паранки ичида қора кўзларини ерга тикиб ўтардилар.

Улуғбек, Беруний, Навоий, Абу Али ибн Сино сингари мутафаккир ва буюк олимлари билан жаҳонга танилган, мезморчилида—Гўри Амр, Регистон, Шоҳзинда каби ўлимас санъат намуналари билан дунёга машҳур бўлган ўлка, қуръон оятлари ўргатиладиган айрим мадрасаларини истисно қилганда, инқилоб арафисига аҳолиси ялли саводсиз бўлиб қолган эди. Мамлакатда на олий, на ўрта маълумотли ҳақимни топиб бўларди.

Мақола сарлавҳасини атайлаб «Минг йилларни ҳатлаб» деб қўйдим. Авваламбор, бу — ҳаёт ҳақиқати. Ўсиб-унган эл-юртиндаги маданий тараққиёт салмоғи минг йилларга татийди. Ёшлигимда мен кўрган Ўзбекистон қадим-қадимларда ҳам ана шундай эди. У замоналардаги тузумининг барча соҳаларини изоҳлаб бериш қийин масала... Турмушнинг баъзи тармоқла-

рида, масалан, саноат, маданият, шу жумладан, соғлиқни сақлаш соҳаларида, инқилобдан олдин ҳам оз-моз тараққиёт кўзга чалинарди. Аммо улар денгиздан томчи эди, холос!

Фарғона губерниясининг дабдабали саройига бошларида катта салла, эгиларида кимхоб чопои, белларида бутун қоринни эгаллаган энли қумуш камар казо-казолар, мингбошлар ҳамроҳлигида уезд бошлиқлари салобат тўкиб келишарди. Тантанавор ҳарбий парадлар бўлиб турарди. Аммо халқнинг аҳволи ноҷвор ва оғир эди. Чуноччи, юқумли касалликлардан қора безгак, айниқса вабо, ўлат, юрак буруғи ҳар ўн йил ичида бир неча бор (Тошкент атрофидаги Тўйтепа, Пискент ва Зарафшон воҳасидаги қўллаб қишлоқ) фуқароларининг ёстигини кўришти ретар эди. Ваъзи қишлоқларда кал, буқоқ аҳоли ўртасида кенг тарқалган эди... Студентлик чоғимда мен ҳам вабо, чечак касалликларига қарши курашда қатнашганман.

Ёш болалар ва хотинларнинг турмуш шароити айниқса оғир эди. Юзига чиммат тутган аёллар ҳаводан дуруст баҳра ололмас, ўсолмас эди. Қизлар жуда эрга эрга узатиларди. Шарият тўққиз ёшли қизларни эрга беришга рухсат этарди. Бу — аёллар саломатлигининг эғови, гўдақларнинг заволи бўлган. Янги туғилган ҳар бир минг боладан уч юз-тўрт юзга яқини бир ёшга етмай, тўрт ёшга қадар эса ярмидан қўли нобуд бўлар эди. Айрим районларда болаларнинг 80 фоизига чечак тошиб ретарди.

Ҳомилалар хотинлар жуда оғир аҳволда қолар эди. 1914 йилда Ўзбекистонда бор-йўғи 63 та доя-ҳамшира бўлган. Шу сабабли минглаб ҳомилалар аёллар одатда ўз уйида, тиббий ёрдамсиз, соғлиқка асло тўғри келмайдиган шароитда «кўз ёрар» эди. «Янги меҳмон»ни кутиб олиш жуда ибтидоий бўлиб, уй ичига исирик тутатилар, қақалоқни оёғидан силкитилар, танглайи кўтарилар эди. Қақалоқнинг киндиги пичоқ билан кесилиб, қонни тўхтатиш учун ярага кигиз кули сепиларди, кейин қонуз солинган тўшакчага йўрқаларди. Оналар учун ҳаёт — машаққатдан иборат эди: оғир жисмоний меҳнат, қўп болали оила. Мушфиқ она қақалоқини тўрт ёшгача қўқрак суги билан (бу орада яна туғилса ҳар иккисини) боқарди. Она ўзи эса сон-чойдан бошқа овқатга камдан-кам етишарди. Натижада бора-бора ҳолдан тоғиб, камқонлик касалига чалинарди. Аммо, шунга қарамай, ёмай-ичмай пуд, мол йиғиб, бутун бир районни қақриб, катта тўй бериш тардусида бўлишарди.

Улуғ Октябрь шарофати билан таркиб тошган халқ соғлиғини сақлаш системаси — инсоний тарихида қўлга киритилган энг улкан ютуқлардан биридир.

Область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудури Ғани Мирзаев билан

Ҳайлаб...

Аввал, Ермозор, Водил қишлоқлари га кетимиз. (Бу йўллардан ёшлигимда неча марта юрганман). Илгари ям-яшил пахтазор даладар у боғлар ўртасида чанг-чунг, узоқдан-узоқда чўзилган қинғир-қийишқ деворлар, гувала томлари кўрардингиз. Энди бўлса келишган уйлар, электр чироқ, артезиан қудуқлар, поликлиникалар, касалхоналар, тез ёрдам тамғаси бошилган «Волга» машиналари (қишлоқларда ҳам «Тез ёрдам!»), катта қишлоқларда эса мактаблар, техникумлар, газ, Олой тоғичага чўзилиб кетган кўчалари асфальт!

Қирғули — гўзал Фарғонанинг йўлдош шаҳрида, Фарғона ва Марғилонда ўйлаб йирик заводлар, шоҳи-атлас фабрикалари қад кўтарган. Политехника институти, клиник касалхона, ҳашаматли уйлар, маданият саройлари, кинотеатрлар қурилган. Омоҳ-кетмондан, қўлда ип йигиришдан қудратли саноат индустриясига эришган баркамол Фарғона! Қирғулида жойлашган ҳалқали электр станцияси — бутун водийни электр қуввати билан таъминлаб турибди. Бундай қудратли иссиқлик электр станциясига эга бўлишнинг ўзи мўъжиза эмасми! Паранжа қилмоғидан — диссертация ҳамой қилишга, министр ўринбосарини лавозимига етишга муяссар бўлган ўзбек қизи! Кечагина қора чироқ ёқиб мутолаа қилган дехқон ўғли бугун ўз юртида атом сирларини, космосдаги биологик таъсирларини ўрганиш билан шуғулланса ким қойил қолмайди! Қолаверса, Ўзбекистон Фанлар академияси, унинг химия, ядро физикаси сингари илмий-тектириш институтлари. Езамай десам гап қўй, қалин-қалин жилдли китобларга ҳам сиғмайди...

Расмий рақамларга назар ташлаудек бўлса, қаранг ўтмишда қандай эди. Инқилобдан олдин ҳар бир киши соғлиги учун бир йилга 11 тийиндан 14 тийингача пул ажратилган бўлса, ҳозир ҳар бир киши саломатлиги учун ажратилган маблағ 21 сўм. Биргина Фарғона областида 75 миллион сўмлик бир йиллик бюджетдан йиллик соғлиқни сақлаш бюджетига 25,5 миллион сўм ажратилибди!

Яна ўтмиш хотирасига чекинаман: Фарғона шаҳрида инқилобдан олдин бор-йўғи иккита врач бўлиб, бири област врач ҳисобланарди, иккинчиси ўзи ўқиб «мулла» бўлган. Жарроҳ умуман йўқ эди. Эсимда, вице-губернатор ўғли қўричак касали билан отириб қолган эди. Операция қилиш учун поезд билан Тошкентга олиб боришарди. Қўқонга етганда бемор ўлиб қолган. Уша пайтларда бутун Ўрта Осиёда ҳар бири ағини 20—30 ўринлик 64 та касалхона, 33 та дорихона бор эди, холос. Ҳозир эса Ўзбекистоннинг ўзига 1217 касалхона, 3393 дорихона ҳалқ хизматига.

1914 йилда Ўзбекистонда 102 врач бўлса, ҳозир 19 минг врач, 59 минг ўрта маълумотли тиббиёт ходими бор. Бугун ҳар бир қишлоқда энг нозик операцияларни ҳам қиза оладиган жарроҳларни учратиш мумкин. Ўзбекистондаги учта медицина институти

да турли соҳалар бўйича малакали врачлар тайёрланаётган. 1966 йилда — бир йилда 1290 врач битириб чиқди. Ҳозир ҳар 600 кишига битта врач тўғри келади. Бундай даражага энг тараққий этган капиталистик давлатлар ҳам эришолганча йўқ...

Соғлиқни сақлаш фанларидаги тараққиётни кўрсатиш учун илмий тадқиқот институтларини бирма-бир санашга эҳтиёж йўқ. Бунинг учун Тошкент Медицина институтининг гистология кафедрасига бир киришнинг ўзи етарли. Мен бу ўринда ҳар бир қизиқувчи ҳамкасбга профессор К. А. Зуфаров (36 ёшларда) бошлиқ бу кафедранинг бир қўриғини тавсия қиламан. Бу жойда иш — ҳозирги замон молекуларлар фани даражасидадир. Тажриба, текширув ўтказиш хоналари ҳозирги замон техникасининг энг янги қуроллари билан жиҳозланган. Учта электрон микроскоп моҳирлик билан ишлатилаётган. Шундай электронграмми миқсолларни кўришнинг, офарини! Шу электрон микроскопларда энг майда микроорганизмлар тузилиши, аъзоларда кимёвий ўзгаришларга ёрдам берадиган мураккаб моддалар ва қотиб қолган тирiek аъзоларнинг белгилари ўрганилган. Бу ерда яна турли нур спектрали ва ҳужайраларни қабул қилиш ва чиқаришдаги энг миқсол ноаниқликларнинг ҳам ҳисоб-китобини оладиган замонавий «спекто-фотоситометрик» ускуна ҳам тадқиқотчилар ихтиёрида экан...

Профессор К. Зуфаров бошчилик қилаётган бу кафедранинг марказий институтларга ҳам намуна қилиб кўрсатса арзийди. Ўртоқ Зуфаров ҳар бир илмий масала устида чуқур ўйлаб, қайта текшириб кўриб, шоммасдан хулоса чиқарадиган камтарий йигит. У ўз соҳаси бўйича биринчи даражада назаритчи. Кўп ишлар қилди, янгилик ва кашфиётлари бор. Лекин у илмий ишларини матбуотда эълон қилишга, етти ўйлаб бир кес деганларидай, шомилмапаяти.

Ноябрнинг сўнги кунлари. Жануб қуёши ярқираб чор тарафини нурга кўнган. Тошкент Медицина институтининг хибронидан бораяман. Мингмиглаб студентлар, ҳаммаси шонган, қувноқ. Уларнинг баъзилари институтнинг даволаш-тажриба шифохонасига, айримлари операция хонасига, кўплари олимлардан сабоқ олишга — дарсга шомилмоқда... Доҳи В. И. Ленин, Ўрта Осиёда олий мактаб — биринчи университет очиш тўғрисидаги декретга имзо чеккандан кейин, бир гуруҳ атоқли рус олимлари Тошкентга келди. Уларнинг кўплари маориф, маърифат ишига ўз ҳаётларини бағишладилар.

Туркистон Давлат университетига медицина факультетини ташкил этган Константин Хрущев шуларнинг биридир. Унинг қабири рўпарасида турибман. Марҳум олим улкан шифохонага қиравершидаги йўлак яқинида дафн этилган. Бу иззат-иқром қардош рус халқининг вакили, Ўзбекистонга илм зиёсини олиб келган, ўйлаб шогирдлар етиштирган олимга муносибдир. Бундай кишилар кўп бўлган. Улар илм зиёсини олиб келишиб, катта илм алаңасини абадий ёқиб кетишди!

Зилзиладан кейин Тошкент қайта қурилмақда. Бульдозер, танклар билан бутун бошлиқ маҳалла, қишлоқлар ўрни текисланган. Бугун ана шу майдонларда янги шаҳар, ажасиб Тошкент барпо бўлмақда.

Мен билган Ўзбекистон бугун ана шундай ўзгариб, минг йилларни ҳайлаб ўтибди. Бунинг ўз кўзим билан кўриб, гоят ҳалқонландим, бу сафаримни тарихий сафар деб атадим.

ерга нэй вақтда, қанақа ва қанча ўғит соҳилини колхозчиларга кўрсатиб, назорат қилиб туриш имконига эга бўлди. СоюзНИХИ агрохимия лабораторияси олимлари билан алоқамиз қалин, ишимиздан хабар олиб, маслаҳатларини алмасдан ками-кўстимизни кўрсатиб туришибди. Олимлардан биз, вилът касалини йўқотиш учун тупроқни алмаштириш, девортепа тупроқларидан фойдаланиш ва бошқа чораларни ҳам ўрганиб оляпмиз. Дехқончиликка шундай илмий ёндашишда мўртахассисларимизга олий ва ўрта ўнвур юрларига олган билимлари жуда қўл келяпти-да.

— Ўзингизга-чи?

— Менга ҳам, албатта,— дейди Исахон Абдусатторов.— ҳисоб-китобсиз наттандон рўзгорини тўри бошқариб бўлармиди. Колхозчинг иқтисодини доим ўрганиб, бу йилги ишларни ўтган йилги натижаларга қиёслаб, таҳлил қилиб борамиз. Бригадалар ишини ренага қолиш, техникадан, одамлардан унумли фойдаланиш, камроқ илмий сарфлаб кўпроқ ҳосил олиш йўллариини топишда бизга ҳисоб-китоб иш берапти-да...

Раис, Ленин номли колхоз аъзоларининг қиладиган ишлари за режаларини айта туриб, орзуга берилиб нетди:

— Бутун ҳаракату, интилишларимиздан муддао шуни, оқ олтин майдонларимиз тобора яхлитлашиб мўл-кўл ҳосил тўнадиган бўлса! Қишлоқнинг бундан ҳам ободлиши, гўзаллашса! Колхозчиларимиз хонадонларига маърифат, маданият зиёси янада кўпроқ кириб борса! Ҳар биримиз: «Мен ўз жонамон колхозимизнинг улуг номига муносиб иш тутдим, унинг муқташам биносини кўтаришга арзили улуш кўшдим!» деб айта оладиган кунлар келса!..

Ана шундай кунлар келди, албатта! Ижодий меҳнатда ажиб мўъжизалар кўрсатган колхоз аҳлининг азму иродаси, ишқини гайрати бунга асосдир.

Табиятининг оғир синовларини қатъият ва номил ишонч билан енгиб, залварли қадам босиб борётган ишчиларнинг бардоши, ҳаммиҳатлиги бунга кафирдир.

Колхозчилардаги интилиш ва ташаббусни доим кўйлаб-йўллаб турган коммунистлар ва комсомоллар жаңговар ташкилотларининг уюштирувчи чучи — ниятларинг рўбига чиқиши гаровдир.

Саҳий қуёш нуриини мириниб эмганча, чамандай яшнаётган пахта майдонлари, тўнинчилиқдан даран бериб, янги ҳомиллага ҳозирланаёттир.

Эл дастурхонини безаш учун боғларда мева-дарин олтин тус олиб, анорзорлар лола очилаётгандай ловиллаб ёнаёттир.

Водийда пишиқчилик мавсуми.

Соғлар ва ариқлар тўлиб сувлар айқиради. Кишини ошиқу шайдо қиладиган гўзаллар ва гаазаллар макони бу водийдан кўнгул узиб кеттигн келмайди.

О. Шаҳрихон. Андинон сўлими!

1969 йил, июнь,
Андинон.



«Пахтазор» стадионига қўшиқ байрами.
Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

Сирдарё кўприги

Мен Сирдарё кўпригидан ўтиб бораёман. Бундан ўттиз йил аввал ҳам, худди шундай куз фасли, Октябрь байрами арафасида шу кўприқдан ўтган эдим. Унда узоқ Марнази Россиянинг Н. шахрига армия сафида хизмат қилиш учун жўнаган эдим.

Хаёлим биз тушган вагонларни судраб негаётган қудратли тепловоз каби узоқларга олиб қочди.

Ўттиз йил аввал бу кўприқдан ўтарманман, ўзимдай ёш, ўспирин ўртоқларим ёнимда эди: синфдошларим Журавой, Зайнулло, Тангри, Олим, Эргаш, Пирман, Мусахўжа, Очил, Ваҳоб, Тожимат... Аммо уларнинг кўпчилиги бу кўприқдан қайтиб ўтиш мўяссас бўлмади. Эсимда, мен хизмат қилган артиллерия полини май ойида ўрмондаги лагерга кўчиб чиқди. Биринчи марта чинакам снарядлар билан машқ отишмалари ўтказдик. Жанговар машгулотлар, тунги тревогалар кўпайди. Ўрмонда янгидан-янги ҳарбий қисмлар пайдо бўларди. Палаталар ёмгирдан кейинги кўзиқориндай ҳамон кўпаяр эди. Каттанок ҳарбий ошхона ҳам уч смена ишлаб бошлади.

Фарғоналик бир жангчи: «Биз Узоқ Шарқдан келдик» деди. У пайтлар ёшимиз, кўп насага ақлимиз етмайди. Аммо командирилардаги жиддият, тунги машгулотларнинг такрорланиши ва бошқа қатор ҳолатлар — бизни ҳам ташвишлантирарди. Наҳотки Гитлер уруш очса, ҳужум қилмаслик ҳақида тузилган шартнома бор-ку, деб ўйлаб юлардик. Уша дамларда қудратли Қизил Армиянинг энгилмаслигига чин юрадан ишонар эдик. Герман фашистлари ҳужум қилса, чегара қисмларимиз душмани даф қилади, деб ўйлардик.

21 июнь, шанба. Эртага дам олиш кунини, кўлга бормоқчи бўлдик. Бошқа қисмлардаги ўртоқларимизга хабар бердик, ўзбек халқ қолғу асбобларини ҳам олиб боришга келишдик.

Эртанги кунни кўнгилли ўтказиш орзуларини билан ширин хаёллarga қўйиб анчагача ухламай ётдим. Кимдир хуррақ тортиб, уйқумни учириб юборди. Полк штабига постда турган

уйчилик Каримов, ҳали туришга команда берилмаган бўлса ҳам, секин ёнимга келди. У ҳаяжонда эди. «Командирлар азонда штабга тўпланишди. Уруш бошланибди. Майор Черкасовнинг хотини йиғлаб турганини ўз кўзим билан кўрдим...» деди. Бундай хабарни кутган бўлсамда, гангиб қолдим.

Эрталаб полк ёзги клуб ёнига тўланди, минтинг бўлди. Сўнгра Москвадан радио эшитдик. Шу кўниёв Н. шахрига, қишки казарма-маишга жўнадик. Полкимиз Смоленск остана-ида биринчи бор жангга кирди. Атрофимизда фашист самолётлари ташлаган бомбалар, узоқдан отилган замбаран снарядлари тинимсиз портлар эди. Гоҳо тупроққа қоршиб кетарди. Яна ўрнимиздан туриб оғир тўпларимизни ўқлар, яқинлашган душман танкларини, пиёдаларини тўлга тутардик. Смоленскга яқин жойда фашистларни бир неча кун тўхтаб туридик. Пиёда асарларимиз ҳатто ҳужумга ўтиб анча-мунча немис солдатларини асир ҳам олди. Шунда биринчи марта фашист газдаларини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳарбий асирларга нисбатан ҳаммамиз ҳам бепарвороқ муносабатда эдик. Биз социалистик жамяят кишиларимиз. Ёшлигимиздан интернационализм руҳда тарбияландик. Командирларимиз ҳарбий Уставни ўргатар экан, жанг майдонига қизил асар ўзини қандай туттишини, ҳарбий асирларга қўлоллик қилмаслиқни, бошқа мамлакат ичкариши қирилганда, у ердаги халқларга иззат-ҳурматда бўлиш зарурлигини таъинлашган. Аммо герман боқинчилари ҳеч қандай инсонпарварлик қоидаларига тўғри келмайдиган ваҳишона қирғин уруши олиб боришди. Улар на яраланиб асир тушганларга, на тинч аҳолига шафқат қилишди. Қиллоқ-шаҳарларимизни вайрон қилишди. Буларни биз ўз кўзимиз билан кўриб, душманга

«МАРДНОМА»НИНГ ИККИ САҲИФАСИ

Ғалаба кунини Шоймардон анани байрам билан табриклаб кўяй деб борсам, жамоат жам экан. Ҳовли тўла одам. Шоймардон Мирзаевнинг ўн фарзанди ва кўплаб неваралари борлигидан бе-хабар ниши ҳозир бу ҳовлида тўй бўлаётган экан деб ўйлаш турган гап.

Собиқ жангчининг ўғил-қизи ва неваралари даврасига мен ҳам қўшилдим. Шоймардон ана неваралининг қистови билан Улуғ Ватан уруши эсдаликларини хикоя қилиб бераётган экан.

— ...Қирқ бешинчи йил йиғирма учинчи апрель кунини эди.— дея ўз хикоясини давом эттирди ветеран.— Душман ротамиз жойлашган ерни пулемётдан ўқча тутди. Бош кўтаргани қўймайди.

Рота командири капитан Краков: «Сержант Мирзаев, душман пулемётининг овозини учир!» деб буйруқ берди.

— Бутазор оралаб эманлаб кетдим. Бир маҳал йўлга чиқиб қолибман. Яланг. Имиллаб бўлмайди. Сақраб ўрнимдан туриб югурдим. Душман сезиб ҳолиб ўқ уза бошлади. Худди ўқ тенкан одамдай

1943 йил. Қаҳратон қиш. Қўшинларимиз гитлерчиларни қувиб бормоқда. Тунда Таганрог шаҳри бўсағасидаги Недвиговка қишлоғига сержант Мараҳим Жалоловнинг бўлими биринчи бўлиб кирди.

— Амаки, амакижон, тезроқ! Бизникида иккита фриц ухлаб ётибди!— дея санкиз-тўқиз ёшлардаги бола бир уйдан чиқиб чиқди. Немислар ётган хонада чироқ хира йилтираб турарди.

Сержант Жалолов жангчи Михаил Гончаров билан эшик тирқишидан қаради. Хонанинг ўнг четига темир наравотда икки киши ухлаб ётарди. Устки ийимлар наравот сунчиқча осилган, этикларини печь устида. Мараҳим ичкарига отилиб кириб:

— Встать!— деб буюрди. Гитлерчилардан бири ўрнимдан сапчиб турди. Кўзрагига тўғриланган автоматга кўзи тушиб қўлини кўтарди. Иккинчиси эса қимирламай ётарди. Жалолов унга яқинлашганида кўрпада ўраниб ётган немис мушундай унга ташланди. Сержант Жалоловнинг бахтига Гончаров хушёр турган экан: у Мараҳимга ёпишган немисни автомат қўндоғи билан уриб йиқитди. Шу нечасиёв иккала гитлерчи штабга олиб келиб топширилди.

гандираклаб йўлнинг у четига йиқилдим-да, чуқурликка юмалаб кетдим. Ҳийлаш иш берди: гитлерчилар мени ўлди деб ўйлашди шекилли, тазкиб этишмади. Чуқурдан чуқурга, гоҳ энгашиб, гоҳ эманлаб, душман пулемёти тариллаётган жойга яқинлашдим. Ялт-йилт этаётган ўтнинг мўлжаллаб граната отдим. Гумбурлаб портлади-ю, пулемётнинг уни ўчди. Ротамиз ҳужумга ўтди.

Бу воқеа Пруссияда юз берган эди. Сержант Мирзаевнинг бу жасорати ҳақида «На страже» газетасида ёзишган.

Шоймардон Мирзаев Ленинград, Орлов, Курск, Киев остонларида бўлган жангларда қатнашди. У немис фашизми устидан қозонилган улўғ ғалабадан сўнг кўксига «Шухрат», «Қизил Юлдуз» орденлари ва бир неча жанговар медаллар билан қишлоғига қайтган эди. Собиқ жангчи ҳозир Қарши районидagi Муқимий номи ўрта мактабда химия-биология ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси. Эл ўртасида унинг ҳурмати жойида.

А. ЭЛОМОНОВ.

Мараҳим Жалолов Донбасс, Харьковни немис-фашист боқинчилардан овоз қилиш учун олиб борилган жангларда ҳам актив қатнашди. У, аввал танкчилар ҳарбий мактабини муваффақиятли тамомлаб, Карелия фронтда, танк экипажи командири сифатида «Маннергейт» линисини ёриб ўтишда ҳам иштирок этган. Кейин у командирилик қилган «Т-34» танки Болтибўйи республикаларини овоз қилишда қатнашди. Варшава, Познань учун курашди.

Неман, Висла, Одер каби катта-катта дарёлардан кечиб ўтиб, 1945 йилнинг 16 апрелидан 30 апрелгача Берлин учун бўлган шиддатли жангларда қатнашди. Гвардиячи старший сержант Мараҳим Жалолов Ватан олдидаги бу хизматлари учун иккинчи, учинчи даражали «Шухрат» орденлари, икки марта «Жасурилик учун» ва «Кавказ мудофааси учун», «Варшавани овоз қилгани учун», «Берлинни ишғол қилганлиги учун» медаллари билан мунофотланган.

Ҳозир собиқ жангчи, халқ маорифи аълочиси, санкизта фарзанднинг отаси, коммунист Мараҳим Жалолов Янгиқўвон районидagi Бирлашган қишлоғида тинч, фаровон яшамоқда.

Ю. ҚИРҒИЗОВ.



нафратимиз қайнаб тошди. Эсимда, 1943 йилнинг июль-август ойларида Орёл-Брянск фронтда жуда қаттиқ жанглар бўлди. Озарбайжонлик Ризаев, чимкентлик Ковалев фашистларнинг «Тигр»лари устига ўзиюлар замбаргаги билан бостириб борди. Биз 122 миллиметрлик ўзиюрор замбаргагимиздан фашистлар устига ажал уруғини ёғдириб турдик. Дивизиямиз Орёл-Корачев темир йўлини кесиб кўйди. Қошига улғура олмаган юзга яқин фашистларни асирга олдик. Харьковлик сержант Мороз асирлар ичидан снайперини элчиго бор беш нишани ажратиб олиб, «қозир буларни отиб ташлайми» деб туриб олди.

— Буюрман, отакўрман! Полк штабига юборамиз,— дедим.

— Уртоқ гвардия лейтенанти, буйруғингизни бажармайман. Кеча старшина Конаваловни ўлдирган мана шу снайперлар! Уйимга ўт кўйганлар ҳам шулар, ота-онамини ўлдирганлар ҳам шулар! Сизнинг уйингиз Ўзбекистонда, қариндошларингиз соғ-саломат! Меникилар бўлса...— газабидан йиғлаб юборди. Ха, душманни енгиш учун солдатларимизда худди шундай газаб бўлиши керак эди. Душманга нисбатан бутун вужудинг билан нафратлансангизна енгасан.

1943 йилнинг ёзида Брянск остоналарида шиддатли жанглар борарди. Қозир Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори Убай Орипов билан ўша ерда танишганман ва гвардиячи ўзиюрор замбараклар полкида бирга жанг қилганмиз.

Жанг бир оз босилган танаффус пайтида Убай ака билан гаплашиб ўтириб, ўзбек паловини кўмсаб қолдик. Озгина гурунч, гўшт-ёғ топдигу киришиб кетди. Ушанда паловимиз уч нунда пишган. Ҳақ гап! Жанг ўртала-

ридаги осойишталик пайтларида ошга уринардин, мен ўтин йиғардим, Убай ака эса сабзи-пиёз тўғаб тэйёргарлик кўрарди. Энди бошлаймиз деганимизда позицияни ўзгартиш ҳақида буйруқ келар ёки душман бомбалари беовета қилар эди. «Чегарага борсак ҳам барибир бу паловини қилиб еймиз»,— деб кулишардик. Ахири, нателок тагига олганини ҳисобламаганда яхшигина фронтовой палов қилиб едик.

1943 йилнинг кузида 4-Украина фронти кўшинлари сафида Болнаваха, Мелитополь, Мариуполь районларидаги жангларда қатнашдик. 1944 йил кузида Болтинбўйи фронтидаги жангга кирдик. Кун сайин Германия тупроғига яқинлашиб борардик. Фарбий Пруссия чегараларида фашистлар қаттиқ қаршилик кўрсатди. Биз зарбдор армия составидамиз. Аммо немислар мудофасаи жуда мустаҳкам эди. Бир неча кун давомида бутун позициямизни ўққа тутди. Одатда жанглар аҳён-аҳён булар, нечалари мизғиб олиш учун имконият туғиларди. Бу ерда оқолларда ҳам туни билан мизгимиздан чиқардик. Фашистлар бутун чораларни кўллаб бизни чегарадан ўтказмасликка ҳаракат қилди. Бомбардимончи немис самолётлари гала-гала бўлиб келиб бомба ташлар, бизнинг кирувчи самолётлар осмонга ютўрилар, ҳаво жанглари баъзи кунлари эртадан кечгача давом этарди. Авиациямизнинг ютўларидан мағрурланардик. 1943 йил ёзида Курск атрофидаги ҳаво жанглари кўрганман. Немисларда устуллини катта эди. Энди-чи, ҳавода ҳам ташаббус бизнинг кўлимизда.

Фашистлар Польшанинг Висла дарёсида мустаҳкам мурофаа линияси куриб, қаршилик кўрсатди. 1945 йилга ўтар кечаси дарё қирғидаги блиндажда янги зафар йиллини қарши олдик. 12 январда Биринчи Украина фронти

хужум бошлади. 14 январда унинг ўнг қўшини бўлган бизнинг Биринчи Белорус фронтини хужумга ўтди. Ёдинда, эрталаб соат 8, гира-шира пайт эди. Замбараклардан бутун фронт бўйлаб бирданига ўт очдик. Минглаб тўплар душман устига қип-қизил лава пуркади. Оёғимиз остидаги ер зир титрар эди.

Танклар, пиёда кўшинлар, бутун фронт бўйлаб жангга ўтди. Ертўла-ю хандакларда бирорта тирик фашист йўқ эди. То Одер дарёсигача немис фашистлари кувиб бордик. Шаҳар, кишлоқ деворлариди «Иртиқч инига 60 км. қолди» деган ёзувини учратар эдик. Бу Берлин шаҳригача қолган масофа эди.

Совуқ февраль кунларидан бирида Одер дарёсиди кўприк учун бўлган жангларда оёғимдан оғир яраландим. Харьковда госпиталда даволангач, жонанон Ўзбекистонимга қайтдим. Поезд 9 май нуни эрталаб Куйбишев шаҳрига етиб келди. Воизалда тўплаган кишилар бошча жангчилар қатори мени ҳам, кўлтинтағимни ҳам қарамай, осмонга отишди, галаба байрамини ана шундай зўр кувонч билан кутиб олганмиз.

Европа ва Осёнинг жуда кўп дарёлари устига нурилган кўприклардан ўтдим. Аммо Сирдарё кўпригидан ўтганде хузур қилган эмасман. Мана, шонли Октябрь байрами арафасида бу кўприкдан яна ўтдим. Аммо бу сафар ёнимда ўттиз йил муқаддам мен билан бирга ўтган дўстларим йўқ. Улар Ватан учун, бугунги бахтиёр ҳаёт учун, эртанин байрамнинг шоду-хушрамлиги билан ўтиши учун курашди, мана шу Сирдарё кўприги устидан тинчлик эшелонлари тинимсиз ўтиб турсин деб жонларини фидо қилганлар.

ИСОМИДАН ЭРБУТАЕВ,
фалсафа фанлари кандидати.

Кўз очиб ёруғ дунёга келган чақалоқ тўсатдан бир талай нотаниш қийинчиликларга дуч келади. Инглайди. Инги тўдакка ҳаёт бахш этади, у мустақил нафас олабoshiлади. Бу аломат ҳаётчан организмдан қобил беради. Она қорнида биргина юрак тепар эди, эндиликда эса бутун аъзойи бадан ишга тушади. Чақалоқ бир текис, соппа-соғ ўсабермайди. Иссиқ-совуқ, оч қолиш ёки зарарли микроблар ичдан ва сиртдан салбий таъсир этади. Бола организм ҳам қаршилик кўрсатади, гоҳ оғриб, озиб, гоҳ соғайиб тўлиниб бораверади. Унинг терисидан бошлаб то чуқур ҳужайраларигача яшаш учун кўрешади.

Икки организм табиатан ҳаётчандир. Ҳаётчанлик, табиий мойилик авлоддан-авлодга ҳам ўтади. Бу қатъий табиий қонундир. Шунинг учун ҳам одамнинг боши тошдан, жони қаттиқ, деймиз.

Ҳисоб-китобларга қараганда гасалхоналардаги беморларнинг икки фоизи нобуд бўлади, холос. Одамлар орасида бирор дардга учрамаганлар ҳам топилади. Агарда чиниқиб, баданда табиий ҳимол воситалари бўлмаганда одам арзиманган нарсадан ҳалок бўлар эди. Партизан Флор Гурекнига қолчаклик билан икки марта найза санчишган, етти марта қилич чопишган, яна бир ўқ отишган, шунга қарамай у ўлимдан зўр чиққан. У ҳали ҳам ҳаёт («Фан ва турмуш» 1968 йил, 8-сон, 31-бет).

Уруш йилларида пастки жагдан ёки оёқ-қўлдан ажраган, лекин тирик қолган ярадорлар кўп бўлган. Қон оқиб, оғриқ

тўхтатилса бас, киши яшай бераар экан. Организм бирор ички аъзосидан ажраса ҳам ҳаётини сақлашга уринади, удасидан чиқад ҳам. Бир ўпка, бир буйрак ва ёки талоқиз, чоракта ошқозон билан яшаётганлар кўллаб топилади. Қўшни аъзо ўз ишини икки марта оширади холос. Масалан, киши бир буйракдан ажраса иккинчи буйрак ўз фаолиятини оширади. Одам кўздан ажраса, тери сезгилари очилади. Ҳаёт ва ўлим мухорибаси деимийдир.

Энг паҳлавон орган юракдир. У 8 соат ичиде 2400 литр қонни ҳайдайди. Бу куч 75 килограмм оғирликдаги юкни 8 соат ичиде 24-қаватга кўтариш билан барабар. К. Вернирнинг айтишича, «Юрак ўлимга қарши кураша-кураша энг сўнг тўхтайдди». Юракка бир оз имконият берилса бас, у яна текинб кетади. Олимлар ўлимдан сўнг 20 соат (А. А. Кулябко) ва ҳаттоки 99 соат (В. А.

Неговский) ўтгандан кейин юракни тирилтира билганлар. Яқинда етти яшар Жованни Серу орасининг тасодифан тўхтаб қолган юрагини ўқалаб, қайта ишга тушириб юборди.

В. А. Неговский ва унинг шериклари одамларга қайта ҳаёт бахш этувчи олимлардир. Улар Улуг Ватан уруши йиллари қон йўқотган ёки оғриқнинг зўридан ўлиб қолган жангчиларни ҳаётга қайтарганлар. Бир Ч-в деган жангчи сонидан яраланиб кўп қон йўқотди, ўлиб қолади (томир уриши сезилмаган, нафас олмаган, юрак уришдан тўхтаган, кўз қорачиги кўзгайиб, рефлекслар йўқолган, тана мушаклари бўшашиб кетган). Оравдан уч минут ўтгач, Неговский қизил қон томирга қон юборади ва айни вақтда сунгий нафас олдиради. Бир минут ўтгач, юрак уриши тикланади. Уч минутдан сўнг нафас олабoshiлади. Ингирма икки минутдан кейин бош мианинг ти-

рилиш аломатлари содир бўлади (кўз қорачиги тораяди). Бир соатда у хушга келади. Бир кеча-кундуздан сўнг батамом соғайиб кетади. Тошкент шифокорларининг тажрибаларида ўлим чангалидан кўтқариб қолганлар юзлаб ҳисобланади. Сувга чўкиб ўлганига ўн минут бўлган қиз болани бир ярим соат уриниб тирилтира олмаганлар. Сўнг кўркак қафасини очиб, юрагини ўқалаб бошлаганлар. У нихоят типирчлаб, ишлаб кетган. Қиз бола тўрт кундан сўнг батамом ўзига келган. «Одамнинг тошдан» экани тўғри. Лекин ҳар қандай тошнинг ҳам емира оладиган сабаблар бор. Одам, кўпроқ ўзини ўзи емиради. Ха, шундай. Заҳаролуд ичкиликни ичади, тамакин кекади. Натияжада туняқ ишлаб турган мия ҳужайралари ўлабoshiлади, ақл аста хиралаша бооради; бақувват юрак эса аста заифлашади, ҳатто ичдан тиллиниб-тиллиниб кетади; ошқозон, ичакнинг эса бури ейлиб юқалана бооради, яра очилади ва ҳоказо. Булар бари қўшилиб киши умрини қирқади...

Киши ўз аъзоларига раҳмшафқат қилиши керак: вақтида ишлаб, вақтида дам олиши, вақтида овқатланиши, чиниқтириши, илоқин борича спиртли ичимликларни ичмаслиги, чекмаслиги зарур. Шунда аъзобадани унга садоқат билан хизмат қилади. Умри боқий бўлади. Шунинг учун ҳам аҳоли сонини боран сари ошиб бораверади.

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ,
собиқ ҳарбий врач, медицина фанлари кандидати.

ОДАМНИНГ БОШИ ТОШДАН

Фарҳод МУСАЖОНОВ

Касбдошлар

ҲИКОЯ



М. Громико расми.

Остонада қорачадан келган, жиккакқина, қўринишидан ёши нечадалигини аниқлаб бўлмайдиган одам гуради. У тилла тишини кўрсатиб илжайди.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом.

— Мирваққос ака, мени Боқи қассоб юборди. Бугун колхозимизга нозикроқ меҳмон келадиган экан, битта танача бор. Шунини саранжомлаб берсангиз.

Мирваққос боласини ухлатолмай тажанг эди, қўрслик билан сўради:

— Қайси колхоздансиз?

— «Партсъезд» дан.

Мирваққос ҳайрон бўлди. У шаҳар четида яшар ва шундоққина шаҳарга туташиб кетган колхозда қассоблик қиларди. Бу одам эса уч колхозч нарси жойдан келибди.

— Ўзингизда қассоб бор-ку, Назир карвон деган.

— Ҳа, у кишининг бир оз товлари бўлмай қолган экан, рози бўлмадилар.

— Бўлмаса, ёнингиздаги қўшини колхознинг қассоби Муродбекка учрамабсиз-да?

— Учрадим. Аксига юриб, у кишининг ҳам мазалари қочиб қолган экан.

— Боқи қассобнинг ўзи-чи?

— Бугун куёв қақирқилари бор экан, вақтим йўқ дедилар. Қассоблик Мирваққоснинг касби эди, шунинг орқасидан кун кўрарди, йўқ дея олмади. Аммо тилини қишқиртириб турган нарсани айтмаса ёрилиб кетиши муқаррардек сезди ўзини:

— Менга қаранг, биродар, бир жойга борсангиз, сал ётиги билан тақдирлатинг эшикни. Хўш... ухлаб ётган ёш бола бўлиши мумкин... Хўш... ухлатиш осон эмас!

Ҳали ҳам ҳовуридан гушолмаётган Мирваққоснинг вазоҳатини кўриб, жиккак одам ҳайр-маъзурини қисқа қилди.

— Э уэр ака, билмабиз. Хўш, ўзларини қачон кутайлик.

— Бовареринг. Кетингиздан етиб бораман.

Мирваққос уйга кирса ҳайтовур бола уйғонмабди. Кўнгли жойига тушди. Пичоғини қайроққа уч-тўрт чархлаб олган бўлди-да, қинига урди. Оғилдан отини олиб чиқди, иргиб миинди, эгарда қийшайиброқ ўтирганича саманини йўрғалатиб кетди.

Колхоз идораси олдида уни боғи одам илжайганича кутиб олди. Колхознинг катта боғи бор экан, ўша ёққа бошлаб борди. Баланд ҳашаматли сўрида кўрпачалар тўшалган, пар болшилар қўйилган. Бир-иккита дастёр дастурхон беаяпти. Сўридан нарироққа, катта чинор ортида ошхона. Унда ҳам одамлар бор. Битта сариқроқ одам, уйгур бўлса керак, тандир сомса ёнаяпти, биттаси сабзи тўғрайпти, яна биттаси — олдида бир тоғора бедана, патсини юлиб ўтирибди. Мирваққосни ошхонанинг орқасига олиб ўтдилар. Бу ерда гилосга битта бузоқ боғлаб қўйилган эди. Бузоқни кўриб ҳатто Мирваққосдек одамнинг ҳам юраги увишиб кетди.

Мирваққоснинг урушдан қайтганига мана ўн йилча бўлибдики, қассоблик қилади. Бу давр ичиде қўлидан жуда кўп мол ўтди. Эчкидан торғиб отгача, совлиқдан торғиб наввосгача. Қийинчилик йиллари пичоққа аранг етган моллар ҳам учради, аммо бунақасини Мирваққос биринчи учратиши. Бузоқ оёғида аранг турарди. Айниқса оҳуникидек жовдираб турган кўзлари Мирваққоснинг этини жимирлаштириб юборди.

— Биродар, увол-ку ахир... — хириллаб қолди Мирваққос, — нима гўшт тушарди бундан...

Жиккак одам ғалати кулди. Иши жуда шошиличдек қўлларини бир-бирига ишчалаб бидирляди:

— Энди ака, меҳмонимиз жуда нозик одам. Шу десангиз фақат ёш бузоқнинг гўштини еар эканлар. Бошқа нарса тўғри келмас экан у кишига. Раис сувар ҳам шошиб қолдилар. Таябгарларни зўр бўляпти. Ҳа, эс жойидалигиде мана бунини олиб қўйинг. Меҳнат ҳақи... — у Мирваққосга пул қистирди.

Мирваққос бундай қараса шу пайтгача олиб юрган ҳақиға кўра икки ҳисса кўп. Ҳали бу саховатнинг мағзини чақиб улгурмасдан жиккак одам жуда маҳмадана экан, яна бидиллаб уни чалғитди:

— Хой, Худойберди! Тезроқ қимирласанг-чи! Ҳали ҳам тандирга ўтин қаламабсан! — у шартта Мирваққосга ўтирилди, мулоим сўради, — бизга хизмат борми, ака?!

Мирваққос шошиличиде энди эс-ҳушини йиғиб оғиз жуфтламоқчи эди, жиккак одам мулозимат билан таъзим қилди:

— Бўлмаса бизга рухсат, ака. Кўриб турибсиз, вақт тигиз, юмуш бошдан ортиб ётибди.

Мирваққос гангиб, бирпас анграйиб турди. Ҳали ўзига келиб улгурмасдан, ошхонадан катта тоғора кўтариб битта ўспирин чиқди.

— Мана ака, гўштга, — деди кўзларини пирпиратиб.

Мирваққос бари хўрсинди-да бузоққа яқинлашди. У ўтган ой қази қиладиган ошнасининг биюртмаси билан бир йўла икки отни сўйиб, саранжомлаб берган эди. Аммо ўшанда ҳам шунчалик чарчамаган. У қаддини ростлади-да яқиқча терга ботиб кетган юз-кўзини артди. Тоғорани кўтариб кетмоқчи бўлган ўспиринни тўхтатди:

— Хой бола, бирорта нос чекадиган борми ичларингизда?

— Нимаиди? — яна кўзларини пирпиратиб сўради ўспирин.

Мирваққоснинг энаси қотди. «Е товба, одам ҳам шунчалик тентак бўладими. Нимаиди эмиш-а! Пишириб ейман!»

— Бир отим керак эди!

— Ҳозир сўраб кўраман, — деди ўспирин.

Тоғорани кўтариб ошхонага кириб кетди.

Зум ўтмай қўлида бежирим носқовоқча билан қайтиб чиқди.

— Бор экан, мана, — ўспирин носқовоқчани Мирваққосга узатди.

«Кўряпман борлигини» ижирганиб дилидан ўтказди Мирваққос. Кейин ўзини-ўзи юпатди: нима бўлди сенга, ҳеч гап кўтаролмай қолдинг, кайфинг бузуқ бўлса бу болада нима айб. Нафтига тўлғазиб нос тўқди-да, тилининг тагига ташлаб, носқовоқчани қайтариб берди. Раҳматини ҳам, хайрини ҳам насия қилиб жўнаб қолди.

Мирваққос боғдан чиқиб то толининг тагига етгунча ҳам оти йўқлигини пайқамади, едигно таққа тўхтаб қолди. Бу қанақаси? Ахир отни шу толга боғлаб кетган эди-ку, қаёққа йўқолиши мумкин? Мирваққос ҳайрон бўлиб атрофга аланглади. Икки юз қадамча нарида тутта боғлаб қўйилган отини кўрди. Бачаналинини ёмон кўрарди у. «Қайси бетамиз қилдйикин бу келишмаган ҳазилини?»

Мирваққос қовоғидан қор ёғилиб оти ёнига борди. Жаҳл билан силтаб торғиб, тўт шохига боғланган жиловни ечди. Отига миннидан олдин, хойнаҳой ҳазил қилган одам шу атрофда писиб турган бўлса керак, деб кўчанинг этагига назар ташлади. Уч юз қадамча настроқдаги чойхонага кўзи тушди, ариқнинг устига ўрнатилган сўрида қассоб ошналари Назир карвон, Муродбек, Боқи қассоблар ўтиришган экан. Отни яна тутта боғлади. Сал чехраси ёришиб уларга яқинлашди.

— Салом-алайкум...

Қассоблар эшитилар-эшитилмас, зўрга алик олган бўдилар. Муродбек билан Боқи қассоб кўмрайиб ерга тикилиб ўгиришган

ҚАЛБ

эди, ҳатто бошларини ҳам кўтармадилар. Фақат Назир карвон ху-
нук назар билан Мирваққосга кўзини қадаб ўтираверди.

Кўнгли хижил бўлиб турган Мирваққос бу совуқ муомиланинг
босини яхши англолмай сўрига омонатгина ўтирди.

— Жамоат жам-ку.

— Ҳа, — деди Назир карвон кўзини Мирваққосдан узмай, —
бир шайтонроқ одамнинг юмуши бор экан, шунга келувдим. Ма-
зам қочиб қолди-да, Муродбекка йўлиқа қолинг дедим.

Орага бир оз жимлик чўнди.

Сўнг ҳамон ерга гикилганича ўтирган Муродбек башарасини
бужмайтириб тўнғиллади:

— Аксига олиб соппа-соғ одам шу ерга келганда менинг ҳам
тобим бўлмай қолди, ўримга Боқи қассобни кўрсатдим.

Яна гап бўлинди. Бу қисқа сукутлар Мирваққос гапнинг ма-
зини чақиб олсин учун, атайлаб берилаётгандек эди.

Энди Боқи қассоб бошини кўтарди. Қошларини чимириб ос-
монга тикилди.

— Менда фаҳм камроқ эмасми, шу ерга келгунимча ҳам бу-
гун кувё қақиргим боринги миялга келмабди. Рад этинга тўғри
келди. Энди кимга учрасак экан деган эдилар, бирорта ношудроқ
одам орага тушиб ишни бузмасин, деган ниятда сизнинг номингиз-
ни атаган эдим.

— Бу кишини қассоб деб ўйлагансиз-да, — луқма ташлади
Назир карвон.

Мирваққос бошини эгди. Энди унга ҳамма нарса аён эди. Мир-
ваққос кўп таъналар эшитган, изза бўлган, аммо бундай аҳволга
сираям тушмаган эди. Кўз олдига кеча онасидан тўғилган бузоқ,
ярим тоғора суюлга ёпишган шиллик гўшт келди. Қани энди
иложи бўлса унинг бошини айлантчириб лақиллатган ўша жинка-
нинг афтига туфласа. Пўк, ўзи-чи? Нега шовди, нега бамайи-
хотир ўйлаб кўрмади. Ахир, буларнинг рад этганини эшитган эди-
ку! Эҳ, хафтафаҳм!

Мирваққос елкасидан тоғ босиб тургандек, икки букилиб, қи-
мир этгани журъат қилмай ўтирарди.

Назир карвон пиёладаги чойни Мирваққосга узатди. Мирвақ-
қос унинг кўзига боқишга ботинолмай пиёлани олди. Лекин битга
ҳам ҳўлмади — чой совуқ қолди.

Бу орада бирорталари чўрқ этиб оғиз очмадилар. Ниҳоят
Мирваққос оғир кўзголиб, белбоғидаги қиндан пўлат пичоғини су-
ғуриб ўртага ташлади. Бошини кўтариб, ўтирганларга эди.

— Ғўрлик қилибмиз... — овози дағалроқ чиққан эди, томоқ
қирди, — энди бу хунарни қиласк номардлик бўлади.

У ўрнидан турди. Қўлини кўзига қўйиб собиқ ҳамкасблари
билан хайрлашди. Оғир қадам ташлаб оти томон кетди.

Қўшиқлар

Ўткир РАШИД

ОИГА БОҚСАМ...

(Чегарачининг соғинчи)

Ойга боқсам, сен кўриндинг, кел, эй ёр, ёнимга кел!
Нижга қоқсам кўзга индинг, кел, нигор, ёнимга

кел!

Кўзни юмсам кўзга тўлгандек кўринди кенг жаҳон,

Кипригимга кўнди гўё гулбоҳор, ёнимга кел!

Ўйга толсам, ўйларим дарёсида келдинг сузиб,

Кел, соғинч кўзгусидан чиқ, шу наҳор ёнимга кел!

Сен шу гулзор богдарисан, мен унинг гардишида,

Сақлагайман мен бу богда ҳарна бор. Ёнимга кел!

Бунда бедор соқинман бу гул диёру ёрга,

Сен ҳам унда бўлма менга интизор, ёнимга кел!

ЎРГИЛАЙ

(Лапар)

— Кўзларам тўрт сизга, эй, ёр, ўргилай,

Соғиниб, дил кўйди, дилдор, ўргилай.

— Дил кўйиб ёнган киши келмасмиди,

Бу соғинч давоси бекор, ўргилай.

— Дарчадан боққандайин сиз ой бўлиб,

Тушларим ўтмоқда бедор, ўргилай.

— Бу соғинчдан бир ўзим ёним деманг,

Икки дил ҳам чекди озор, ўргилай.

— Тонгда елдек келди хуш овозингиз.

Айтдингиз шаънимга гулёр, ўргилай.

— Ишқ тузогина тутидими билайин,

На қилай сир бўлди ошкор, ўргилай.

— Санъатингиз гул, унинг сиз булбули,

Сизга муштоқ мен ва гулзор, ўргилай.

— Санъат булбулининг ишқ илҳомчиси,

Берди шул ишқ кўлга дутор, ўргилай.

— Қонсин энди икки дил ташналик,

— Аҳдимизга бахтимиз ёр, ўргилай.

Машҳур ҳинд философи ва ватанпарвари «Махатма» —
«Буюк қалб» тахаллусини орттирган Ганди ҳаёт бўлга-
нида бу йил юз ёшга тўларди.

Совет кишалари Гандини Ҳиндистон миллий озодлик
ҳаракатининг буюк раҳбар сифатида ҳурмат қиладилар.
Ҳинд халқи озодлик курашининг — мустамакачилик ту-
зумининг тугатилиши ва мустақил давлат барпо этилиши
билан яқунланган шу қаҳрамонона курашининг бутун бир
даври унинг номи билан боғланган.

Ганди биринчи жаҳон уруши йилларидаёқ, Англиянинг
авжига чиққан империалистик эксплуатациясидан мамла-
катда зўр норозилик ўса борган бир даврда сибён кураш
майдонига кириб келди. Россиядаги Улуг Октябрь соца-
листик революцияси бошқа мазлум халқлар сингари Ҳин-
дистон халқ оммаси учун ҳам илҳомкор намуна бўлди.
Октябрдан сўнгги даврда мамлакатда империалистик
зулмга қарши қудратли ҳаракат бошланди. Махатма Ган-
ди мустамакачилик негизларини емиражак бу курашга
бошчилик қилди, кенг оммани шу кураш кўчогига тор-
тишда жонбозлик кўрсатди. Мустақиллик учун кураш
даврида Ганди раҳбарлигидаги Ҳиндистон миллий кон-
гресси партияси оммавий ташкилотга, империализмга қар-
ши яхлит фронтнинг бир шаклига айланган эди.

Ганди ҳинд халқининг оммавий антиимпериалистик ҳа-
ракатида 1947 йилга қадар раҳбарлик қилди. Бу даврга
келиб, СССР бошчилигидаги гинчликпарвар кучлар фа-
шизм устидан ғалаба қозонган бир шароитда, кенг халқ
оммасининг қаҳрамонона кураши натижасида мамлакат
мустақилликка эришган эди.

Ҳинд-муслмон низоэларига қарши курашда ҳам Ган-
дининг хизмати каттадир. Мустамакачилар «парчалаб,
ҳўкминини ўтказ», деган қондага амал қилиб, бу низо-
ларни доим атайин кўзгагиб келдилар. Оммани жипсла-
тириш мақсадида, ўзининг инсонпарварлик орзулари
йўлида Ганди мустақиллик учун кураш даврида ҳам, дин-
ий тафовут асосида 1947 йили Ҳиндистон бўлиниганида
ҳам, мустақиллик кўлга киритилгандан сўнг ҳам ҳинд-
муслмон бирдамлиги учун дадил ва қизгин курашди.
Гандининг бу олижаноб фаолиятидан фойдага бўлган
ўга реакцион руҳоний-миллатчи кучлар унга суиқасд
уюштиридилар. Гандининг ўлдирилиши жаҳонга, ҳамма
мамлакатлардаги тараққийпарвар кишиларни қаттиқ ҳая-
жонга солди.

Гандининг энг оғир ижтимоий сарқитлардан бири —
табақачилик тартибига қарши ҳам мардона курашганини
ҳамма тан олади. Табақачиликнинг энг қуйи погонасига
қўйилган кишиларга инсонлик ҳуқуқларини бермай туриб,
чинакам мустақиллик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин
эмаслигини у кўп таъкидлар эди. Ҳозир Ҳиндистон Рес-
публикасининг конституцияси табақалар тенглигини қо-
нунлаштирганлиги Гандининг улкан хизмати.

Гандининг фалсафий қарашларида зўравонликни қора-
лаш асосий ўринни эгаллайди. Бу унинг тинчликпарвар-
лик, инсонпарварлик идеалларининг ифодасидир. Унинг
зўравонликни тугатишга даъватлари кишининг кишини
эксплуатация қилишига қарши, халқлар ўртасидаги дўст-
лик учун курашувчи барча кишилар учун яқин ва қадрли.

Лекин ҳозирги шароитда, империализм ва мустама-
качилик мавжуд бўлган, капиталистик мамлакатларда
меҳнаткаш оммани эксплуатация қилиш кучайиб бораёт-
ган, бойлик ва қашшоқлик ўртасидаги ижтимоий зиддият
ўсаётган, кўпгина мамлакатларнинг мустақиллигига им-
периалистик босқин ва янги мустамакачилик таҳдид соли-
либ турган бир шароитда нозўравонлик принципа, агар
у конкрет-тарихий шароитдан ажратиб олинмаган бўлса,
бир қанча ҳолларда реакцион кучлар фойдасига хизмат
қилиши мумкин. Ҳиндистоннинг ўзи ҳам, масалан, ўзи-
нинг қадимий ерлари: Гоа, Даман ва Диуги қайта қўшиб
олиш зарурати туғилганда нозўравонлик принциpidан
қайтишга мажбур бўлди.

Мустамакачиликка қарши курашдаги хизматлари,
мамлакатни ажнбайлар зулмидан халос қилишга қатга
ҳисса қўшганлиги, инсонпарварлик гоёлари учун қил-
ди халқи Гандини ўз улуг фарзанди, мустақил ҳинд давла-
тини тузганлардан бири сифатида қадрлайди.

Махатма Гандининг номи Совет Иттифоқида ҳам
ҳурмат билан тилга олинади. Унинг «Таржиман ҳоли»
бизда икки бор кўп нусхада нашр этилиб, совет китоб
хонлари орасида кенг тарқалди.

В. БАЛАБУШЕВИЧ,
тарих фанлари доктори.

ИЛМИЙ КОЗИМАНИ ЖАНОБ

Бобожон ГАФУРОВ

Совет Урта Осиёсида юз бераётган прогрессив ўзгаришлар маъносини атайин бузиб кўрсатишни ўзларига касб қилиб олганлар, империализмга хизмат қилувчи хилма-хил «марказ»ларнинг арбоблари гўё маҳаллий халқларнинг «ўз миллий анъаналари» йўқолиб бораётгани гўё Урта Осиё Россиянинг ҳом ашё етказиб берадиган базасига айланиб қолгани, Москва томонидан «золминларча эксплуатация қилинаётгани», чоризмининг «мустамлакачилик» сийсати гўё давом этаётгани тўғрисида вайсаб, сохта кўз ёшлари тўқмоқдалар. Бизга ёмонлики раво кўрадиганлар шовқин-сурони орасида гоҳо ўзларини ҳолис тадқиқотчилар деб ҳисоблаган, аслида эса ўз «илмий» хулосаларини буржуа пропагандасининг қора ойнаси орқали юзаки кузатган таассуротлари таъсирида чиқарган шахсларнинг овозини ҳам эшитиш мумкин. Ана шундай олимлар қаторига, жумладан, француз шарқшуноси Венсан Монтейни кўриш мумкин.

Жаноб Монтейнинг тан олинича, СССР Фанлар академиясининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турганида унга «хурмат ва меҳрибонлик» кўрсатишди, Совет Урта Осиёси ҳаёти билан атрофлича танишиш учун ҳамма имкониятларини яратиб беришди. Венсан Монтей бунга жавобан, тузимини ичиб, тузлгинизга тушуриб кетди — Францияга қайтиб боргач, «Политик этранжер» жўриналида шарқшунослик фанидан тамомча йироқ бўлган «таассуротлари»ни босиб чиқартирди.

Монтей ўзининг йўл хотираларида «Урта Осиёнинг турмуш даражаси Эрон, Туркия, Афғонистондагидан анча юқори» эканлигини таъкидламай ўтолмайди. «Хар бир республиканинг тўла мустақиллигини ҳам инкор этолмайди. Бироқ, шундан кейинки, баъзи буржуа авторлари яхши кўрадиган «ҳа, аммо-лекин...» иборасини ишлата бошлади. Ҳа, республикалар мустақил. Аммо бу мустақиллик, Монтей назарида, расмийат учунгина эмиш. Аслида эса, бу республикалар «Москвага бойнаётган мустамлака, холос», дейди Монтей. Афтидан, Монтей мустамлакачилик тарихини, ҳеч бўлмаганда француз мустамлакачилик тарихини ё эсидадан чиқарган, ё ўзини гўлликка солади. Француз мустамлакаларининг қайси бирида исталган Ғарбий Европа давлати билан рақобат қила оладиган кудратли индустрия бўлган? Гуллаб-яшнаётган қишлоқ ҳўжалиги-чи? Турмуш даражаси-чи? Ахир, бундай турмуш кечатгина Ғарб мустамлакачилари панжасидан кутулиб олган халқларнинг тушига ҳам киргани йўқ-ку? Монтей Урта Осиё халқлари билан француз ҳукмронлиги давридаги жазорликлар ҳолатини бир қолигга солиб, далилларини яна бузиб кўрсатади. СССРда «майда миллатга мансуб бўлган ҳар бир кишига совет миллатигаги киши деб қаралишини, аммо у аҳоли рўйхати маҳаллида ўз миллатини кўрсатиш, ўз маданияти, тилига эга бўлиш ҳуқуқи борлиги»ни инкор этмайди. Демак, СССРда миллий тиллар ва маданият мавжуд, демак, эркин ривожланаётган миллат ҳам мавжуд. Шундай экан, Монтей СССРда «мажбурий ассимиляция»ни қабдан топди, ваҳоланки, бу нарса ғарбий империалистик мамлакатлар қўли остидаги мустамлакаларда авж олдирилган. Монтей «мустамлака» сўзини Тошкентга қарата ҳам ишлатган. «Холос» олим бу шаҳарда қандай «мустамлакачилик»ни кўрди экан? Эҳтимол, у мустамлакачиликни 1966 йилги зилзиладан кейин СССРнинг барча халқлари биргаликда тиклаётган кўпалак янги қурилишларда, уй-жой, мактабларда топгандир? Ахир, унинг таъбири билан айтганда, шаҳар аҳолиси учун «барча қулайликлари бўлган замонавий уйлар» қурилмоқда-ку? Хароба, ифлосликдан холи шаҳар, ҳамма нарса — касалхоналар, мактаблар, болалар боғчалари аҳоли эҳтиёжига хизмат қилдириляётган шаҳар. Бу ерда қанақа мустамлакачилик бўлсин? Бизнингча, бунақа «эзилиш»га «эркин дунё» деб аталмиш мамлакатларнинг меҳнаткашлари жон-жон деб кўнган бўлардилар. Монтей ҳеч нарсадан тап тормай, зилзиладан зарар кўрган Тошкентга совет халқларининг қардошларча ёрдамга қарши, шаҳарни «рус қолиғига соляпти» деб тухмат қилмоқчи бўлади.

Монтей Тошкентда хилма-хил миллат, жумладан, осёлик бўлмаган миллат кишиларини кўп учратганини ёзади. Ҳа, жаноб Монтей, зилзиладан кейин Тошкент Совет Иттифоқининг барча халқлари кучи билан қайта тикланди. Чиндан ҳам, руслар, украинлар, белоруслар, бошқа қардош халқларнинг вакиллари Тошкентга келиб, шаҳарни қайта тикладда ўзбек халқига ёрдам бердилар. Бу билан фахрланамиз, жаноб Монтей!

Монтей СССРдаги мусулмонлар билан номуслулмонлар ўртасидаги муносабатга ҳам шубҳа билдиради. У ёзадики, «мусулмонлар ўзларини руслардан фарқлайдилар ва ўзларини бутунгича совет одамлари деб ҳис қилмайдилар». Бу фикрга совет миллий сийсатининг ҳамма даврдаги тарихи жавоб беради деб ўйлаймиз. Биринчи марта В. И. Ленин таъриф берган ва асос солган бу сийсат Совет давридаги халқларни унификациялашни эмас, аксинча, уларнинг миллий анъанаси, ўзига хослиги ва маданиятини ҳар томонлама ривожлантиришни кўзда тутди. Бизда ўзбек ўзини

ўзбек деб, тожик — тожик деб, белорус — белорус деб ҳис қиладди. Аммо барча совет кишилари, улар қайси миллатга мансуб эканликларидан қатъи назар, — битта она-Ватан ўйил-қизларидирлар. Буни ўтган урушнинг улугъ синовлари ҳам тасдиқлаб берди!

Монтей Совет Иттифоқида мусулмон динининг қашшоқ ҳолати ҳақида, мусулмонларни исломдан «зўрлаб безириши» тўғрисида гапирганида айниқса бузулиб гўё бўлиб кетади. У ўз фикрларини далиллас мақсадида бежама гапларни кўп ишлатади. Аммо бунақа бежама гаплар қанча кўп ишлатилса, бўҳтончиларнинг суботи ўшанча кетаверади. Охири бориб, Монтей гапнинг уч-кетини тополмай қолибди. Унингча, Урта Осиёда исломдан «фақат номини чоллар» қолган эмиш. Шундан кейинки, Тошкент маҷитидаги кутубхонага кирганини айтиб, у ерда «25 минг жылди китоблар, жумладан, жуда кўп қадимий қўлёзмалар сақланаётгани»ни таъкидлайди. Монтей Бухорога бориб, мусулмон олий таълим мактабига ҳам кирди. У ерда «ёқилтой, зиёли сифат, худқ-одобли кишиларни» кўрганини ва улар билан «тўрт тилда: рус, форс, турк ва араб тилларида гаплашиш мумкин»лигини айтади. Тошкентдаги маҷита бир жума куни «3000 номозхон тўпланган». Хўш, шуми исломдан зўрлаб безириляётгани! Йўқ, Совет Иттифоқида ислом ҳам, бошқа ҳар қанақа дин ҳам таъқиб остига олинмайди. Ҳатто буни Монтей ҳам инкор этолмайди, у ҳатто «Совет конституцияси дин эркинлигини таъмин этади» деб тан олади.

Монтей яна Совет Иттифоқида «ислом тўғрисида ҳеч қандай тасавурлари йўқ» деб жар солади. Бу ҳам олдиндан тўқилган уйдирмадир. СССРда турли тилларда мусулмончиликни билдиган совет ҳамда чет эл олимларининг ислом тўғрисидаги жуда кўп илмий асарлари нашр этилган.

Чўкаётган одам сонига тирмашади дейишди, Монтей нодон эмас, шу сабабли айтаётган гаплари асосли эмаслигини билгани учун латифабоб мисолларни келтиришдан ҳам тап тормайди. Шулардан биттаси: «мусулмонлар, — деб ёзади Монтей, — винодан кўра чўчқа гўштидан кўпроқ ирғанади. Тошкент — Москва самолётида нонушатиғизга сосиска беришди. Чап ёнимда ўтирган ёш татар қиз бу ёнимдаги ҳамсафаринг сингари, деярли ҳамма йўловчилар каби таомин ея бошлади. Қиёқ ёшлардаги эрак киши сосискаларини суриб қўйди. «Ҳеч бўлмаса шу одам эмас керак» деб ўйладим. Қаёқда дейсиз! У яхна товۇқ гўштини, шавлани, ширинликни еб бўлгач, сосискани тушира бошлади. У сосискани закуска қилгани қолдирган экан!» «Ислом ҳимоятчи» бўлган французини бунчалар ўқинганича бор, қарангки, эзилган мусулмон товۇқ гўштини, ширинликни еб бўлиб, закускасига чўчқа гўштидан тайёрланган сосискани тановул қилибди-и!

Бордию Монтей жаноблари ўзини бохабар шарқшунос деб билар экан, у ҳолда Душанбе шаҳри, «сешанба бозори» эмаслигини билгани керак эди, ваҳоланки, у бир неча йил аввал босилиб чиққан «Мусулмон олами» номли уйдирма китобида шундай деган.

Монтей фикрларига бунчалар кенг тўхтаганининг босни шунданки, буржуа пропагандаси ҳақиқатнинг тағнага етишга даъват этилган баъзи шарқшунос олимлар оғинини ҳам заҳарлаганини яна бир қарра таъкидламоқчиман. Хўш, аслида Урта Осиёда нималар бўляпти? Урта Осиёда миллий маданиятни устрилгач, ҳеч қачон Совет ҳокимияти йилларида сарфланганчилик кўп маблар ажратилмаган. Илгари, чоризм даврида Урта Осиё шаҳар ва қишлоқларида ҳеч қачон бунчалик кўп мактаблар очилмаган, ҳозир бу мактабларда болалар ўз она тилларида ўқитилмоқда. Илгари бу ерда миллий авторларнинг бу қадар кўп китоблари босилмаган, бу қадар кўп пьесалари қўйилмаган, бу қадар кўп миллий ансамбли бўлмаган. Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарлардаги тарихий обидалар Совет давлати ҳимоятига олинган, улар эҳтиёжланиб, қайта тикланмоқда. Қадимий қўлёзмалар планли асосда, изчллик билан ўрганилмоқда ва нашр этилмоқда. Адабиёт ва санъат ёғдорликлари жамланган катта ҳажмли китоблар пайдар-пай чийиб турибди. Хусусан, яқинда Саъдийнинг «Гулистон» асари босиб чиқарилди. СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида «Шоҳнома»нинг ўн жылди наشري тайёрланди ва чоп этилди. Бундай босмалардан алоҳида кутубхоналар ташкил этиш мумкин.

Кечаги қўллар, оғир меҳнатда эзилган одамлар — буларнинг даҳшатли қисмати ҳолисона тарихий ҳужжатларда ва Садриддин Айний, Мухтор Азевос сингари совет миллий классикларининг асарларида акс этирилган! — Совет ҳокимияти яратиб берган ва яратиб бераётган неъматлардан кенг фойдаланмоқдалар. Муллаларнинг қўрқитиш ва алдовларига қарамай, амир ва бекларнинг оғир қийноқларига қарамай Бухоро ва Хиванинг, Самарқанд ва Қўлбонинг, Пишпек ва Ашхабоднинг, Андижон ва Хўжанднинг деҳқон ва хунармандлари рус, украин, грузин қардошлари сағина қўшилдилар. Барча миллат меҳнаткашларининг эксплуатацияга қарши, социалистик жамят қуриш учун бир туриб курашини В. И. Ленин даҳоси ёрқин кўра олди. Халқларнинг қардошларча

иттифоқи тўғрисидаги ленинча фикр — Помир ва Тянь-Шандаги энг олис қишлоқларнинг, бепойи Қорақум саҳросидаги ҳавзаларнинг барча софидил меҳнаткашлари қалбини забт эдди.

Бизнинг хоржий душманларимиз — империализм зўпидинлари ва уларнинг буржуа-миллатчи малайлари Қизил Армия Урта Осие ҳалқларини зўрлаб революция қилдирди деб даъво қилдилар. Улар радио тўқинларида, буржуа газета ва журналлари саҳифаларида гўё совет империализми томонидан зўлаётган «бечора» ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, қирғизлар, туркманлар тўғрисида зор қаршайдилар. Бу қилиқларингиз кулгимизни қистатади, жаноблар! Сизлар ўтмишни қайтармоқчи бўласизлар, совет кишилари қўлига яна қўллик кишанларни солиб юртимиз бойлигини хонлар ва бойлар билан тил бириктириб, талаб қочмоқчи бўласизлар.

Кейинги йилларда тарихни сохташтираувчилар Урта Осиега нега бунчалик қизиқиб қолдилар деган савол туғилди. Бунинг сабаби шундаки, бизнинг Урта Осиеда — социализм қуриш тажрибаси ривожланиб бораётган мамлакатлар меҳнаткашларининг кенг табақасида хурмат ва ҳавас уйғотмоқда. Улар социализм қуришдаги тажрибамизни ўрганишни хоҳламоқдалар. Бизнинг тажрибамиз эса социализм қуриш йўлига кирган ҳалқлар нималарга эришини мумкинлигини кўрсатувчи ёрқин далиллар.

Революциядан олдинги Туркистон абадий йўқликка кетди. Урта Осие меҳнаткашлари барча совет халқлари сингари жонажон Коммунистик партия атрофида жипсландилар, улар партия раҳбарлигида бутун бир тарихий даврни — капиталистик тараққиёт босқичини четлаб, феодализмдан социализмга ҳатлаб ўтдилар.

Эндилкида ҳатто тарихин сохташтираувчи энг ашаддий душманларимиз ҳам Совет Урта Осиедаги янги улкан ўзгаришларни тан олмай иложи йўқ. Ахир, қандай қилиб инкор эта олсин? Чирчиқ, Навоий, Олмалиқ, Охангарон ва бошқа кўнлаб янги навроно шаҳарлар — афсона эмас, ҳақиқат. Тошкент, Душанбе, Фрунзе, Наманган, Ашхабоддаги завод ва фабрикалар, бир маҳаллар милтиллаб қора чироқлар ёнган хонадонларга чароғон нур бераётган электростанциялар эртак э! афсона эмас, ҳақиқий ҳаётдир.

Илгари деҳқон бел букиб, тер тўкиб кетмонда ер чопган ё омовда ер ҳайдаган жойларда бутун қўдратли тракторлар гурулламоқда, пахта териш машиналари ишламоқда. 1967 йил ёзигача Урта Осиедаги тўртала республика ва Қозғистон далаларида 327 миң трактор ишлади (ҳозир, бу рақам анча ортиб кетган, албатта). Бир маҳаллар Ленин бутун Совет мамлакати учун юз миң трактор бўлишини орзу қилган эди. Энди бўлса омов музейлардагина қолди, Урта Осиедаги республиканинг ҳар бири бутун Россия империяси яратган электр қувватидан кўпроқ нур яратмоқда.

Шундай экан, қайси «анъана» тўғрисида оҳ-воҳ қилайлик? Зиндон ва омов тўғрисидами? Ё чачвон, паранжи ҳақидами? Еки амир зулмига бардош беролмай исён қўтарган деҳқонларни, ҳунармандларни қўй сингари бўғизлаган ёки минорадан улоқтирган замоналарга ачинами? Йўқ, Урта Осие халқлари «эҳтиёжи» ҳақида айёҳаннос соловчи жаноблар, биз бунақа «анъана»ларнинг йўқлиб кетганидан асло нолимайми!

Бизнинг қўнларимиз — Урта Осие Совет республикаларининг сиёсий суверенитети тўла, шубҳасиз қарор топган, экономика ва маданияти гуллаб-яшнаган қўнлардир. Санъатимиз ўзининг миллий руҳини сақлаган ҳолда, республика доирасидан ташқарига ҳам чиқади. Бу санъат Бутун Иттифоқ даражасидаги ҳодисага, Бутун Иттифоқ санъатининг бир бўлагига айланади. Кулеш Бойсентова ва Ермек Серкебаев, Тамара Хоним ва Сора Эшонтураева, Ҳалима Носирова ва Галия Измайлова, Малика Собирова ва Абдор Ҳидоятон ва бошқа кўп санъаткорлар Москва ва Ленинград театрлари саҳнасида томоша кўрсатганларида бу ҳол ҳаминша санъат шиванадаларининг байрамига айланади.

Феодал эскиликни ва патриархал қолоқликни идеаллаштириш — совет кишиларига ёт. Сохта экзотикага беш кетиш — уларнинг гашини келтиради. Улар ўтмишдаги энг қимматли, энг

яхши анъаналарни — озодлик қурашларининг шонли саҳифаларини, Жомий ва Навоий, Беруий ва Форобий, Саъдий ва Фирдавсийларнинг Доно асарларини, умум инсониятга хизмат қиладиган бойликларни эҳтиётлаб сақлаган ҳолда, ўз тарихининг қора кунларининг газав ва нафрат билан эслайдилар. Улар жоҳил Темур каллалардан ясаган миноралар, туганмас урушлар, амир ва хонларнинг ўзбосимчалиги, чор Туркистондаги оғир қашшоқлик ва маданиятсизликдан ҳайратга тушмайдилар ҳам, уларнинг йўқоқлигига ачинмайдилар ҳам.

Мен Фарғона водийсида ўзим туғилган Исписар қишлоғининг инқилобгача бўлган ўтмишини яхши эслаيمان. Унда ўн-Йигирма саводли киши бор эди. Қариб ўч миң жонга шунча саводли тўғри келарди! Рост, қишлоқда мактаб ҳам бор эди, бироқ амалда бидим бермасди. Машгулот қурьонни кунба-кун ёд олишдан иборат эди, болалар нимани ёд олаётганини билмасдилар. Ёд олиш ҳам камдан-кам ўқувчига насиб бўларди. Бунинг устига, ўқини ҳақи ҳам қиммат эди. Эндилкида қишлоғимиз ўрнида гуллаб-яшнаган Ленин номли колхоз жойлашган, бу ерда жуда яхши жиҳозланган мактаб, билимдон ўқитувчилар бор. Уша районда олий маълумотли 1360 мутахассис, жумладан, 449 хотин-қиз ишламоқда.

1960 йилда мен XXV Халқаро шарқшунослар съезидида қатнашдим. У Москвада бўлди. Совет Шарқи республикалари олимлари делегациямиз аъзоларининг кўпчилигини ташкил этарди. Ушанда ҳамкасбларимнинг чехраларига боқиб, уларнинг хоржий шарқшунослар билан қилган сўхбат ва мунозараларини кўриб, ўзимча ўтмишдаги бир воқеани эсладим.

1889 йилда Швецида шарқшуносларнинг халқаро конгресси қақрирди. Унинг ташкилотчилари чор ҳукуматига мурожаат қилди. Бухоро ва Хива олимларидан бир нечасини Стокгольмга юборишни таклиф қилдилар. Россия ташқи ишлар министри Туркистон генерал-губернатори Розенбахга таклиф қўйди. «Урта Осие олимларининг Европага яқинлашувини рағбатлантириш»га эҳтиёж сезмаётганини маълум қилди. Розенбах бу фикрга қўшилиди ва Бухоро билан Хивада «шарқшунослар конгрессида қатнашиб фанга бирон наф етказадиган маълумотли киши топилмаса керак» дейди, бунинг устига бу ишга пул сарфлаш хоҳшини йўқлигини айтди. Эндилкида Урта Осие республикалари жон бошига мактаб ва олий ўқув юртиларидаги ўқувчилар сони, врачлар, педагоглар, агрономлар, инженерлар сони жиҳатидан «олими» совет воқеалигига тухмат қилаётган йирик капиталистик давлатлардан ўзб кетганлиги бизни ажаблантирмайди.

Урта Осиеда жаҳонга танилган бир қанча илмий йўналишлар мавжуд. Қозғистон астрономларининг, Ўзбекистон қимёгарлари ва математикларининг, Тожикистон филолог ва тариххалқларини, Туркманистон ва Қирғизистон мутахассисларининг тадқиқотлари Америка Қўшма Штатлари ва Англияда, Франция ва Ғарбий Германияда, Италия ва Японияда зўр эътибор билан ўрганилмоқда.

Республикаларда кенг тармоқли институтлари ва кўп сонли илмий ходимлари бўлган фанлар академиялари тузилганлиги бу тараққиётга ҳар жиҳатдан ёрдам берди. Бу ўрнида қизиқ бир солиштирма туғилди. Бутун мана шу академияларнинг қайси бирини олманг, уларда бутун Россия империясида ишлаган мутахассислардан кўпроқ илмий ходим самарали меҳнат қилмоқда.

Совет Шарқи халқларининг ютуғи ва самаралари тўғрисида кўп гапирishi мумкин. Хўш, бу ютуқларнинг асоси нимада? Коммунистик партиянинг ленинча илмий сиёсатида. Халқларимизнинг қардошлиги, бегараз дўстлиги ва ҳамкорлигида. Энг илгор социалистик тузумда. Марксизм-ленинизмнинг ҳаракати ва амалиётда.

Эт эллардаги «танқидчиларимиз» қанчалар бўғтон ёғдирмасинлар, уларнинг қанчалар «дўст ва раҳмдил» қилиб кўрсатмасинлар, бари бир, совет кишилари яхши билдилар: ойна этак билан ёпиб бўлмайди. Айниқса — жирканч этак билан!

«Огонёк» журналидан.

ХУШРҒҒИ МАСКАНЛАРИМИЗ

Молғузлар ёқутлари

Энг кичик хариталарда ҳам бу қишлоқнинг номини тополмасан. Кўрпасаи... Дунё кўрғач қариларининг ривоят қилишича, қишлоқ бағрида қишу ёз ўт-ўлан кўрпадай бўлиб ётгани учун уни шундай аташган экан. Молғузлар тоғи бағрида жойлашган бу митти қишлоқ кўп гўзал, табиатнинг танти эҳсонига муюссар бўлган. Унда қирққа яқин оила яшайди.

Ана шу қирқ оила ҳисобида ҳозир уч юз киши бор. Бунда умри узун бўлгур онахонларнинг меҳнати кўп. Улардан уч-тўрт киши фахрли унвон соҳиб — Қаҳрамон она! Унга яқин онахон бу юксак унвонга «даъвогар». Бўригул она Авировнинг 12 фарзанди, 8 набираси бор, ўзи... 42 ёшда. У ҳукумат гам-хўрлигидан чексиз миннатдор: «Шу гамхўрликка икки марта қаҳрамон бўлсанг оза», дейди. Қаҳрамон бекаларнинг энг ёши Зийлиша Атаевадир, у 34 ёшда, тўнғич фарзанди Шавкат эса тўққизинчи синфда ўқияпти. Санам опа Йўлчарова, Хосият опа Ҳанимова... Бу рўйхатни анчагина давом эттириш мумкин.

Кўрпасойдиқлар умри узоқ, бардам, бақувват кексалари, номдор полвонлари билан ҳам машҳур. Энача момонинг ёшини ҳеч ким билмайди. Мўсафидлар, «Кўрпасой бино бўлгандан бери шу калпир бор», дейишди кулишиб. Момонинг ўзи санойқа кўп тушунавермайди, фақат бармоқларини букчиб — ҳиҷолаб: «Раҳматлик бобонгиздан беш ёш кичик эдим» дейди. Аҳман бобо — момонинг умр йўдоши беш

йил бурун 94 ёшда қаза қилганлар. Ултимдан бир кун олдин қирга равоч тергани чиққан эканлар...

Энача момо жуда тетик, тирнечиликдан қолмаган, ҳар йили наврўзда сумалак қилиб «ош» берадилар. Энача момонинг қайноғаси Уста Ата бобо 90-ичи баҳорини кутаяптилар. Бобо ҳайрон қолари тетик. Устачиликнинг бир неча тури билан шуғулланади. 75 йил ҳамқишлоқларига пойафзал тикиб келди, Молғузлар этакларида «Уста Атанинг мўниси»ни чўпонлар ярим аср ҳузур қилиб қийишади. Утган йили Уста Ата бобо ҳамқишлоқларига янз бир ҳиммат кўрсатди: бир қишлоқнинг тирикчилигини ўтказадиган тегиромон кўриб бериб, новни ҳам пойтешада роса бир ой чопди. 70—80 ёшлик доводдан адл ошиб, совурин талашмасалар ҳам улоқдан қолмай юрган Асад бобо, Қарим бобо, Гойибназар боболар маби ҳали-бери отдан тушиниши хайлига келтирмаган навақирон кексаларга ҳаваси келади одамнинг.

Ана-ука Қайнар полвон ва Бурҳон полвон Усмоновларнинг елкаси «ер искамagan». Қай-

ТАБИАТ ВА БОЛАЛАР

«Еруғ дунё ва унинг шавҳчларидан кўбш ёғдусини эмгандек фойдалана билиш керак!». Улуғ санъаткор Левитан шундай деган эди. Келажакимиз бўлиши ёш авлодда гўзаллиқни ҳис қилади, атроф муҳитга чуқур назар ташлай олиш қобилиятини, табиатга меҳр туйғусини тарбиялаш — нафосат илмининг зўр муаммоларидан бирidir. Бизни гоҳт мураккаб, ажиб ва бепойвон, ўзгарувчан табиат ўраб туради. Дилбар табиатга меҳр қўйиш, унинг сирларини чуқур ўрганиш, нафис гўзалликлар иштиёқини тарбиялаш биз яшаб турган носмим давр учун яна ҳам муҳим бўлиб қолади. Чунки техника мўъжизалари, физик фанлар навқирон ва сичичов зехнларини табиий равишда банд этаётди, Инсон маънавий дунёси бутун ва бой бўлиши учун ёшларга фан-техника билан баробар нафосат сирларини ҳам сингдириб бориш керак. Табиатга муҳаббат ҳисси ёшларда ватанпарварлик туйғуларини боитади. Гўзаллик ҳисси эстетик тарбиянинг муҳим қисми бўлиб, айниқса онги энди шаклланиб нелаётган ёш болалар учун, уларнинг шахс сифатида қамолот топиши учун катта аҳамиятга эгадир. Табиий гўзаллиқни ҳис этиш кўнгилни ўстиради, қалбни бойитади. Табиат нафосати одамнинг хушфелъ, хушфазилат бўлишига ёрдам қилади, ижодий илҳомни, олижаноблиқни рағбатлантиради.

Табиат манзаралари улуғ адибларимиз, рассом ва бастакорларимиз ижодида Ватан образи сифатида кўйланган. Пушкин, Чайковский, Тансиқов, Ҳамид Олимжон каби санъаткорлар ижодида бунди янқол кўрамини. Улар ўлмас асарларида она-Ватан табиатини, йил фасллари миқдоси ёрқин ва ранго-ранг бўёқларда, гоҳо кувонқ, гоҳо муғли садоларда, бўёқларда инсон қалбниг кечинмалари орқали очиб беришади, инсон билан табиат уйғунлигини, мислсиз гўзаллик кучини кўйлашади. Рассом Саевичий Шичкиннинг «Арчазор» расми ҳақида бундай деган эди: «Расм кўз ўнгинида жилваланиб турибди, у гўё сирли садолардд баён этилган музикадир. Бу бир мўъжизани, ёлғиз менигина эмас, барчани ҳайратда қолдирди... арчазорнинг муаттар ҳиди ажиб тургандай...»

Албатта, табиатнинг ўзи ҳар қандай бадиий асардан минг чандон гўзалроқ, бу гўзаллиқни ижодкорларнинг минг-минглаб авлодлари бетўхтов кўйласа ҳам ниҳорисига етказма олмас керак! Шу қадар гўзал табиатни тўшунмоқ учун унга пуч ва диққат қалб билан ёндашиш бўлмайди. Дидани эса тарбиялаш керак.

Табиат нафосатига бепарволик, лоқайдлиқни ундан завқлана олмай, совуқ нигоҳ ташлашни кўп учратамиш. Бу ёшлардаги тарбия беглиги. Табиат чиройини кўра олиш, унга маҳлиб бўлиб завқланиш ва умрбод нафтув бўлиб яшаш туйғусини болаликдан тарбиялаш зарур, токи ҳар бир ўлиш бордиро у расм чизиш, шеър ёзиш ёки музика басталашни билмаса-да, қалби рассом, шоир ва бастакор каби серваз, жўшқин ва ижодий изланувчан бўлсин. Шундагина мукамал инсон шахси шаклланади. Левитан ва Шичкин каби рассомларнинг асарларида биз ўрмонзорнинг ям-шил гўзаллиги, зумрад бағрлар, яшнаётган майсазорлар, мавой осмон гўзаллигини дахра оламиз. У. Тансиқов, Н. Карахан ва И. Эминов асарларида жонанон ўлкамиз богроқлари, кенг даладар, уфқга буй чўзган мирзатеранлар, оппоқ пахтазорлар чиройидан завқланамиш. Нега шундай? Чунки бу асарларда жонанон Ватанимизнинг гўзал улугворлиги, битмас-тунмас бойликлари намоён бўлади.

Алишер Навоий байтларида инсон гўзаллиги ва табиат нафосати уйғунлигини кўраимиз:

Бода гулгун айламиш равшан узоринг боғини,
Ўйлаким, солгай сабо сув узра гул япроғини...

Мақсадимиз шуки, табиат фақат ижодкорларинигина эмас, ҳатто ёш авлодимизни тўлқинлантирсин, ҳар бир бола нафосатдан баҳра олишни ўрганин.

Бола табиатдаги мўъжизаларга қизиқувчан бўлади, ақли таномил топа бошлаши давридаёки, гоҳта сезгир, аябланувчи, ишқибоз бўлади. Худди шу ҳусусиятдан фойдаланиш, уни сақлаб қолиш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тарбиячининг муҳим вазифасидир.

Ажойибот ҳар қадамда бор, бироқ уни кўриш, англай билиш керак. Мураббий бола сезгисини йўналтириши, фикр юритишга туртки бериши лозим. Ариқчанинг шилдирашини бола наво сизга қийслай олса, шабадада даррақ баргланининг бир-бириг урилишини одамларнинг шивирлашига ўхшатса, кўм-кўн бедарзори улкан гилам деб тасаввур эта олса, бориб унда юмалигиси нелса, ёз фаслида узон-узонлардаги зангори тоғларга қараб завқлана олса, дерак унинг қалби бойимонда. Бундай болаларга табиат ҳақида турли саволлар бериш, суҳбатлар йўли билан, кўрама жойларга тез-тез саёҳатга олиб бориш, усимлик ва ҳайвонот дунёсига зехн солишга ўрганиш йўли билан ёрдам бериш керак.

Болага табиат нафосатини англаштида энг яхши муҳит, аввало оила бўлса, сўнгра боғча, мактаб, лагердир. Эстетик тарбиянинг турли шакллари — музейларга экскурсия, эстетик темаларда суҳбатлар, савол-жавоб нечалари, расм ҳамада ашула дарслари, театр ва киноларга олиб бориш катта ўрин тутади. Аммо фикримизча, табиат нафосати тўғрисида махсус таълим беришни ҳам ўйлаш керак. Табиат нафосати билимини боланинг биринки ёшлигидан бера бориш керак. Оилада бу тарбия қандай олиб борилиши мумкин? Болаларни кўпроқ сайр қилдириш: ёз фаслида бор яшарлигиндан, қиш фаслида эса ички яшарлигиндан табиат кучоғига етказиб бериш керак. Табиатдан хабардор бола калапан тутгиси, кўшчага дон селгиси, чиройли чечакни узгиси, кўчат ўтказгиси, сув кўйгиси нелиб қолади. Яъни унда гўзаллик ҳисси фаолият — меҳнат қилиш истаги билан боғлана бошлайди.

Боладаги табиат сезгиси ота-она томонидан меҳр-муҳаббат даражасига кўтарилиши мумкин. Шу ўринда М. Горькийнинг «Сен нетган бўлсанг ҳам, экин гулларинг қолди ва гурираб ўсмоқ». Мен гулларга тикилиб ширин хаёл сураман: ўғилжоним Каприда ажиб бир мўъжиза — гул қолдириб нетибди! Сен агар, бутун ҳаётинг давомида, ҳамма вақт ва ҳар ерда одамлар учун фақат яхшилик — гул қолдириб кетаберсанг, сенинг тўғринидаги яхши фикр оламини кезади, сени хушнудлик билан эҳс олмишди! Сен одамлар учун керакли эканигини ҳис қилсан, бу ҳис қалбни кучли қилади. Шунки яхши билигини, фойдаланишдан кўра кўпроқ фойда нелтириш кўнгилга бўлади!»

Ҳақиқатан ҳам «Яшаган ериниги яшнат» деган гап бор. Қишлоқ ва шаҳар ҳовилларида узум, олма, беҳи, гилос, шафтоли каби мевали дарахтлар, райхон, жамбул, атиргул, кўйиники минг хил товланадиган гуллар экилган бўлади. Ушбу табиат неъматларидан ҳар қадиңа ҳамма баҳраманд!

Табиатга муҳаббат қўйган ички меҳнатнинг қадрига етади. Унинг учун боғ ва хиёбонларда тез-тез учрайдиган: «Нўнатларни сийдирманг!», «Гулларни босманг», «Кўсаламзорни пайхон қилманг!», «Ҳайвонларни қийманг!» каби хитобларнинг кераги бўлмайди.

Болаларимизни табиат нафосати руҳида тарбиялаш мақсадида ўзбек халқининг «дала сайли», «боғ сайли», «ола сайли», «юву сайли» каби аъналаридан ҳам нег фойдаланишимиз керак. Бу аънавий маросимлар орқали болаболан деҳқонларимиз она табиатни аср-асрлардан буён ардоқлаб нелди.

Зоро ЧИЛЛАЕВА,

Низомий номидаги пединститутнинг ассистенти.

нар ака қирқ йил кураш тушган, ҳозир унинг олти ўғли кураш тушади, кўяқарида катта совруқ шуларниги, 74 ёшли Карим бобо ақин-қилларга бўз йиғитларнинг белини қайириб ҳаммагани ҳайратда қолдириди. Энди унинг етти ўғли кураш тушади, улоқ чопади.

Кўрпасой кўп гўзал қишлоқ. Табиат унга ажиб нақш берганин, «пардознинг ўзи ортиқча. Юзлаб булоқлар, кўм-кўн арчалар, хилма-хил бодом ва ёнғоқлар, асрларни қаритган чиноорлар тоғ бағридан кўйлиб қишлоққа улашиб кетган. Ёзи салқин, қиш эса идиқ келади. Шу йилги қаҳратон қишда ҳам Кўрпасойда сув музламади. Қишларида равоч, анузур пивани, чирч каби доривор гўёҳлар «кўрпа» бўлиб ётади. Қишлоқнинг суви билан ҳавосида ҳикмат кўп. Қирқ йиллиқ қишлоқнинг қаҳрамон бекларини, умри фузув қарияларини, қирқ йил кураш тушган полвонлари ҳам бунди тасдиқлай турибди.

— Кўрпасой — бамисоли Молгузар бағридаги ёқут. Лекин ерда ётган ёқут.— дейди афсусланиб шу қишлоқдаги «Иттифоқ» мактаб директори, қишлоқ Совети депутати Шерали

Холназаров.— унинг қадрига етадиган киши топиламан. Ёзда саёҳатчилар, дам. олувчилар неги уюлмайди. Аммо ҳамма ўз ҳолича келиб-кетида. Шундай гўзал масканда бирон-та дам олиш уйи, санаторий, ақалди пионер лагери ташкил қилинмаганини айтиш ниғоя.

Директор ҳақ. Енингдан оқдан сувининг қадри йўқ, деб шунки айтдилар-да. Молгузар ёнбағирлари табиий гўзаллиқда Шоҳимардон, Оқтош, Чупон ота, Обирахматлар билан ҳўс талашади. Оппоқ мрамар чўққилардан бошланган Енғоқлисий, у Обсийнинг зумрад сувлари, табиат мўйқаламини сайқал топан чиройи кўзини олади.

Ўлкамизда бундай жаннатманон жойлар талайгина. Кавказ, Қорадеңгиз соҳилларидан қолдирмадиган масканларимиз бор, лекин, ростки, оёғимиз остидаги гахварини кўрмай қоламиз. Қани энди шу жойларда пансионатлар, дам олиш уйлари қуриلسа, кўпайтирилди Республика миқдосида бирорта намунали куорот борми? Йўқ-да! Қачонгача куорот, пансионатлар ҳақида гап кетса фақат Кавказ, Сочи, Ялта еста келади. Лекин Сочи, Ялта, ҳаммиша ва

ҳаммага ҳам муяссар бўлавермайди, қолаверса, бир марта Ялтага бориб бир неча ойлик топан-тутганини совургандан кўра яқин-веримизда ҳордиқ чиқарадиган куоротлар, пансионатлар бўлса ҳар томонлама кўлай бўлмасмиди? Самолёт кассаларида «ур-иниғи» бўлиб навбат куттишлар, бекатларда поезд жадвалларига термулиб саргардон кезишлар...

Хуллас, Кўрпасойдек, кўз илғамса ёқутлар — гўзал масканлар анчагина. Кишиларимиз маданий ҳордиқча, табиат гўзаллиқларидан лаззатланишга чанқоқ бўлиб бораётган бир пайтда табиий оромгоҳлардан фойдаланиш ҳақида Касаба союзлари республика комитети, унинг маҳаллий ташкилотлари жиддий шуғулланишларига вақт етмадимкин? Эзгудликнинг кечи йўқ, дейдилар. Сирдарёда ҳам ҳузурижон жойларнинг қадрига етадиган раҳбарлар кўп. Зора улар нигоҳи тушиб Кўрпасой, у билан ёнма-ён Убосой, Олтиқош, Тангит қишлоқларининг, хуллас, Молгузар бағри сирдарё ҳақида маҳаллий оромгоҳи бўлиб қолса.

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,

Базмга колхознинг мевазор боғида тўлландик. Ҳали дастурхон тузатиб бўлинганча йўқ эди, меҳмонлар боғ айланиб кетишди. Мевалар аллақачон узиб олинган, даракхларнинг барги олтиндай товланади. Кузаб шабадаси барглари шилдиради, ўйнаб елади. Боғ ҳекасида ёнма-ён ўсаётган бир жуфт теракка ҳаёлим кетди. Бирининг қадди сарвад тик, танасига губор тегмаган, яшнаб турибди; бирининг танасида ажинга ўхшаш чизиқлар, япроқлари сарғиш, қадди дол. Икки терак бир-бирига ҳамдард, иноқ жуфтлардай ёнма-ён турибди. Теракларга тикилиб қолганимни кўриб, дугоналарим шу ёққа юришди.

— Нега мунча термулиб қолдингиз?

Теракларга ишора қилдим.

— Анови бири қурий деб қопти, кесиб, тандирга қаласа кирсиллама патири пишарди, — деди Жўраҳон исмли шўхроғи.

— Даракхнинг қуригани — ўлгани, — деди яна бири.

— Баҳорга чиқиб сув ичиб, яна кўкариб кетар, унчалик қари эмас экан, — деди бошқаси.

Ичкарига, дастурхонга таклиф қилишди. Баҳс узилди. Базм бошланди. Мен ҳам бир чеккадан жой олдим. Ўгирибман-ку, ҳаёлим боғда, аёллар баҳсида... Бизнинг ҳовлимизда ҳам ўшандай бир жуфт мирзатерак бор. Эрта баҳор тераклар қаддига тикилардим. Мен югуриб, қорайиб ётган танаси аллақандай яшил рангга кирарди. Сўнг бу яшиллик даракхнинг шоҳларига, кейин митти баргларига кўчарди. Барглар тонгги сабада сирли шивирлашарди. Теракларнинг шивирига қулоқ тутиб, дераза тағида ўтирганим ўтирган эди...

Бу қишлоққа янгиман. Келин бўлиб тушганимга уч ой бўлди. Ота-онам қишлоққа узатишаётганидан кўнгиллари тўлмагандай эди. Лекин назаримда ҳаётнинг чинакам манзараси бу ёқда — қишлоқда, табиат ҳам, одамлар ҳам содда, ҳаётнинг ўзидай беҳашам.

Дутор торининг жаранги ҳаёлимни узди. Жўраҳон дутор чертиб, қўшиқ бошлаган эди.

Эй боди, нишони ёр эурсан,

Дилбар соридан чопор эурсан:

Зинҳор қўлингни чўзма, сақлан,

Зулфини силаб, айбдор эурсан.

Мунча ҳам шўх бўлмаса бу жувод. Қўшиққа қўшиқ улайди, шўхликка шўхлик. Аёлларни маҳлиё этиб, ўз-ўзидан завқланиб, яйраб-яшнаб ўтирган Жўраҳоннинг овозини бир аёлнинг кириб келиши бузди. Аёллар гурр этиб ўринларидан турдилар. Унинг истикболига чиқиб, тўрдан жой кўрсатишди. Аёл бу ултифотлардан ўнғайсизлангандай, бир зум тарадудда қолди. «Қишлоқ катталаридан бири шекилли» деб ҳаёлимдан ўтказдим. Ўтирганлар ундан ҳол-аҳвол сўрай кетишди:

— Саодатхон, соғиндингиз қалай?

— Зинҳор қилиб келибсиз деб эшитдик.

— Ҳа, ўтим янги бўлди.

— Қидирганга толе ёр. Шунча йил қидирганингиз бекор кетмади. Охир дарагини топдингиз.

— Мардлик ўлмас экан-да, овсин?

Жўраҳон қўлидан дуторини қўймай саволжавонинг тезроқ туташини кутарди. Бегоҳатлиги ёниб турган кўзларидан шундоққина сезилиб турарди.

— Утиришимиз музлаб кетди-ку, — деди ниҳоят лабини буриб. Жўраҳон «музлаб қолган» ўтиришчи қизитиш учун «Наманган олмаси» ашуласини бошлади. Аёллар бир-бирига қарашди. Аллақандай ўнғайсизлик чўкди орага. Саодатхон секин кўзгаги, ташқарига юрди. Адолатхон уни овутиш учун бўлса керак, ўрнидан турди. Аёллар ҳам бирин-кетин унинг орқасидан чиқишди. Мен ҳам уларга эргашдим. Ўйинкугли, ноз-неъматлар бир нафасда унут бўлди-ю, аёллар Саодат опа атрофига тўпланишди.

— У ёндан қачон қайдингиз? — сўрашди.

Бир жуфт терак



ҲИКОЯ

— Кеча, — деди Саодат опа ва кўзига ёш олди...

Уша кuni Саодат опанинг саргузаштини эшитдим. Уша кuni қўшиқчи Жўраҳон ҳақида ҳам гапириб беришди. Кун буйи сеҳрлангандай хомуш юрдим. Икки умр, икки йил ўзгалдим. Иккинчи ҳам кўз олдимдан кетмайди. «Қайси биримизнинг йўлимизни танлайсан, қайси биримиздан ўрнақ олиб яшайсан, келинчақ?» — дегандай эди улар. Бири ҳаётнинг бўронли-суворли йилларида ўз ҳамдардини унутиб, кўнгил кўчасига кирган аёл. Бири — нимгадир чиройини, ёшлигини, юрак қўрнини ҳада этиб, юзларига барвақт ажинлар қўнган. Бири фақат ўзи учун яшаган, ўзлигини ҳамма

нарсдан устун қўйиб, бу йўлда ҳеч нимадан ййманмаган. Иккинчиси эса ўзлигини унутиб, инсон учун, унинг азиз умри учун жафо чеккан. Жафо чеккан-у юзларида, қарашларида шу жафонинг излари қолган. Бири — тор давранинг оний беэаги, қоғоз гули. Иккинчиси — ҳаёт гулшанининг, чин инсонлиқнинг тоза гули...

— Жўраҳон ҳам, Саодат опа ҳам шу қишлоқда туғиллиб ўсишган. Севганга турмушга чиқишган. Иккиси бир кунда эри-ни фронтга жўнатган. Жўраҳон эрини жўнатгач, зўрга бир ярам йилни ўтказди. Сўнг, эри Содиқхон аканинг хатлари жа-вобсиз қола бошлади... Баҳорда ердан ниш уриб чиққан куртада ҳаёт, кураш, инти-лиш. Лекин ўша кургани кўзга илмай, янчиб, босиб ўтиб кетувчилар бўлади.

Уша куртақ балки ўсиб азим терак бў-лар, баҳорини пешвоз кутар, соя ташлар, қиш изгиринларига мардонавор дош бера-р. Жўраҳонни эслайман. Унинг умри табиа-тидай ҳиссиз. У ҳеч кимни юракдан сева-маган, ҳеч кимга меҳр қўйиб, унинг ҳаёлидан жой олмаган, оромини йўқотмаган. Ҳеч кимни интизор кутмаган, вафо-салоҳат не ўзи, ҳақто тасаввур ҳам этолмайди. Ҳижрон ўтида қоврилмаган. Кошки инсон умри, ҳаёт дегани дутор торини чертишдай осон бўла қолса. Йўқ, умр тори тамоман бошқа экан. Уни чертиш учун кишида бармоқча-на эмас, юрак ҳам, сабот ҳам бўлмоғи ке-рак... Мен шундай юрак эгасини кўрдим. У Саодатхон эди. Унинг мунгли, лекин маъмулди умр торининг оҳанглари тинг-ладим бугун. Мен ҳали ёш бир аёл, ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган келинман. Ле-кин юрагимда орзу тўғилди.

Саодат опадай яшасам, ишай олсам дей-ман. Унинг сочларига қўнган оппоқ қиров-да, кўзларигаги ёшда, пешонасидаги ажин-ларда ажиб муҳаббат, садоқат дostonни кўндим... Саодат опа эри Зулдубойин фронтга жўнатганида мендек — уч ойлик келинчақ экан. Олти ой ўтгач, ўгли Зафар туғилди. У эрининг хатларини интизор-лик билан кутар, бутун меҳрини тўкиб жа-воб ёзarkan. Орадан неча баҳор, ёзлар ўтибди. Тиқ этган товуш хуш хабар бўлиб туюларкан унга.

Бир кuni почтачи Саодатхоннинг эшиги-ни қоқди. Бошини ердан олмай «қора хати-ни узатди. Саодат хат эмас, бир ларча чўғни тутгандай, сесканиб кетди. Уни ча-галлаб, боғдан боғларга ўтиб фарёд кечди, тош-деворларга қоқилиб йиқилди, юрагини юлиб отгудай тўлғанди. Қадди букилди, кўзлари хира торгди... Сўнг сочларига оқ голалар оралади.

Бир ой ўтиб, ўша шум хабар Жўраҳон эшигини қоқди. Жўраҳон хатни бир қа-рашда ўқиди, ўқидио шу захоти унутди. Хатга қўшиб, эрининг хотирасини ҳам унутди. Ойна ёнига келди, келдию кетол-мади. Чиройи, ёшлигини увол қилмасликини ўйлади. Узига оро берди, қошларига ўсма, кўзларига сурма торгди. Кўп ўтмай Саодат ишлаётган корхона эшиги ёнида пайдо бўлди. Лекин у бу ерга иш қидириб кел-гани йўқ.

Корхона ошборчисига енгил-елпи тур-мушга чиқди...

Айтишларича, Саодат опа келинлигида жуда ҳусидор экан. У ҳусенига бино қўй-мабди, «увол» бўлаётган ёшлиги учун ачинмабди ҳам. Ешлиги, чеккан изтироб-лари, садоқати эвазига у бир инсоннинг азиз номини табаррук, пок сақлаб қолибди.

Уша кuni базмдан сўнг Саодат опага ихлосим ортди. Уни кўп ўйлайман. Жўра-ҳон-чи? У худди қўшиқдайдй бир жаран-лайди-ю, дарров ёсдан чиқади. Нимаси ҳам эсда қолсин унинг...

Саодат опани ўйлаганда ўша боғдаги бир жуфт терак кўз ўнгимдан ўтаверди. Бир жуфт теракнинг бирини Саодат опага қиёс қиламан. У чиройини йўқотибди, лекин кўсенин қалқон қилиб бир азиз инсон хо-тирасини бўрон-суворлардан олиб ўтибди. Саодат опа йигирма уч йилдан сўнг эри-нинг қабрини излаб топди. Кечагина Бол-гарияга сафар қилиб, қабр тупроғидан олиб қайтди...

Одамларни десам, даракхларда ҳам ҳа-мрозлик бўларкан. Анави бир жуфт теракка қаранг-а!

БАХРИ БАЙТ

Яқин-яқинларгача узбекларнинг «Баҳри байт» дейдиган адабий ўйинлари бўларди. Бу ўйинга натталардан тортиб болаларгача — ҳамма қизиқарди. Катталар кўпинча «тўкма», «гап», «халфана» сингари улфатчиликларда, ўсмирлар эса ойдин нечаларда, гузар муюлишларда, нўприк бошларида тўрттами-бешта бўлиб олиб, «баҳри байт» айтишарди. Улар ўртасида ўз маҳорати билан донг чиқаган байтчилар бўлиб, атроф маҳаллаларга, даҳаларга ҳам бориб, у ернинг донгдорлари билан баҳс қилишарди. Гоҳо беш-ўн байтчи йиғилиб бориб, қўшни маҳаллаларнинг донгдорларини мот қилиб келишарди.

Афсуски, кунгил очар, киши муҳофазасини ўткириштирадиган бу анжойи адабий ўйин аста-секин йўқолиб, унутилиб бормоқда. У ҳозир катталар ўртасида онда-сонда учраб турса ҳам, ёшлар орасида делярли йўқ бўлиб кетди. Мана шунини эътиборга олиб, «баҳри байт»ни қайта тиклашга бир туртки бўлар, деган умидда, унинг айтилиш тартибини, қоида ва шартларини қисқача эслатиб ўтишни лозим топдик.

«Баҳри байт» қоидаси шундай: бир киши бир жуфт байт айтади, навбатдаги киши шу байтнинг охириги ҳарфи билан бошланадиган байтнинг тезда топиб айтиши керак. Рақибни енгмоқ учун жуда кўп байт, газал билиш керак бўлади. Бундан ташқари, рақибни тезроқ мот қилиш учун байтнинг охириги «наҳат»роқ ҳарфга олиб бориб ташагга уста бўлиш зарур. Баҳри байтчилар айниқса «р», «й», «э», «л» ҳарфларини «наҳат ҳарфлар» деб билишарди. Чунки бу ҳарфлар билан бошланадиган байтларни топиш анча мушкул.

«Баҳри байт» ўйинидан бир намуна келтирамиз. ИСОҚЖОН. Қани, домла Ҳасан, бошлаб беринг. Равшанбой билан Алижон мен томонда, Икромжон билан Мақсуд сиз томонда бўла қолишин. Майлими?

ҲАСАН. Майлику-я, аммо шартлашиб олсан яхши бўларди. ИСОҚЖОН. Бўпти.

ҲАСАН. Қоида бўйича, нитобий байт-газаллардан, халқ кўшиқларидан бўлсин, лекин зинҳор тўқима бўлмасин, хўпми?

ИСОҚЖОН. Бўпти, қабул қилдин. Қани, бошланг бўлмаса. ҲАСАН. Тагин шарт шуки, байтлар бемаъни, бепарда бўлмасин, бир айтилгани қайта айтилмасин, тоқ бўлмасин, жуфт бўлсин. Мунаққид-охир бўлмасин, яъни пастдаги мисра юқорисига, юқорисидигасига пастга олинмасин. Шу шартларга риоя қилмаган даврдан четга чиқазилади. Кимнинг тарафи уч марта байт тополмай қолса, ютқазган бўлади. Келишдикми?

ИСОҚЖОН. Бўпти.

ҲАСАН. Мана бўлмаса бошладим:

Ақду идроки адолат бирла сўз айт доймо,
Барча маъно бўлса жам, сўнг эт баён — не муддоо.

РАВШАН.

Одами эрсанг, демагил одами
Онинг, йўқ халқ гамидан гами.

Сизга «и» нетди, Мансуджон.

МАҚСУД. Ҳа майли, «и» бўлса «и»-да, мана:

Иш қилди имиллаб,
Секин-секин қимиллаб,
Ҳар кимга бир пиғиллаб,
Нагма қилар дангаса:

АЛИЖОН.

Агар яхшилик кимга афўлду,
Жазоси анинг ганжи иқболду.

ИКРОМ. Оббо, гал менга келганда «рига тақадин-а!

ИСОҚЖОН. Майли биз битта қарз қилиб турақолайлик.

Рўмолимни ушда,
Чугуручун пати бор,
Юрагимни ичда,
Севган ёрни дарди бор.

МАҚСУД. Оғзингиздан чиққан ҳар бир сўз «р» билан тугайди-я, Исоқжон ака! Мана, биз ҳам топиб кўйдик бўлмаса:

Рўза тутдим ош учун,
Ушбу қаламқош учун,
Рўзасини сотаман
Бирор чеким нос учун...

Қаҳ-қаҳа янграйди. «Баҳри-байт» давом этади. Гап мот бўлишда эмас, ёшларнинг зеҳни ўсади, шеърятга қизиқиши ортади, ота-боболаримиздан қолган анжойи анъана давом этади. Зафар Дир айтганиден:

Биз бошлаган мармар бинонинг
Гул-нақшини битназгувчи — сиз!
Оталарнинг улғу орузини
Ўз ўрнига етказувчи — сиз!

Шотурсун ШОМАҚСУДОВ,
Шухрат ШОРАҲМЕДОВ.

Ўзбек халқ рақс санъати жуда бой ва ранг-баранг, тарихи қадимийдир. Аммо, афсуски, бу мерос ҳамон яхши ўрганилмаган.

Рақснинг қадимий кўринишларидан бири «Қарсан ўйин» деб аталади. Қарсан чалиб усул ҳосил қилиш ва шунга мос ҳаракатлар топиб ўйнаш унинг харақтерли белгисидир. Қарсанчини усулчи доирадаст билан қисқ қилса бўлади. Қарсанчилар раққосуага кайфият бағишлаганлар, усулни ўзгартириш билан ўйин ҳаракатларини жиловантириб, бошқариб борганлар ва муҳими — бир вақтнинг ўзида ҳам усулни, ҳам ўйинчи, ҳам қўшиқчи сифатида иштирок этганлар. Шунинг учун қарсанчилардан ҳам натта кўйинма, усталик талаб қилинган. Қарсаннинг ҳам ҳар хил тема ва усуллари бўлган: гоҳ бир маромад сидирғэ, гоҳ жуфт-жуфт, гоҳ учталаб, гоҳ бешталаб чалинган ва мураккаб усуллар ташкил топган.

«Қарсан ўйин» ийрик рақс туркумига кириб, у асосан уики бўлимдан — «Беш қарсан» ва «Майда қарсан»дан иборат бўлади. «Майда қарсан» ҳам ўз навбатида уч турга бўлинади: «Якна қарсан», «Кўш қарсан», «Тез» (айрим жойларда «Узма») дейилади. Бундан ташқари, яна ҳар жойда ҳар хил турлари ҳам бор. Чунончи, Самарқанд область Уругут район Ғўс қишлоғида юқорида кўрсатилган турлардан ташқари майда қарсан билан икромэ этилувчи «Сарбоз» деган қарсан ўйини бор. «Сарбоз»да мақом куйлари ва классик шонларнинг шеърларидан фойдаланилади.

«Майда қарсан» ҳозир ҳам кенг тарқалган. Айниқса Самарқанд областининг Уругут ва Фориш районларида турли маъракалар «Майда қарсан» ялалари ва рақсларисиз ўтмайди. Унда усул, коллектив ялла ва рақс санъатининг бир неча тури бirlашади. Ғўс қишлоғида ўйинчилар ярим давра қуриб орнама-орка гуж ўтирадилар. Ўйинни бошловчи патнис билан ўртага ўтиради. Томошани «байтчи» бошлаб беради. Бошқалар нақаротни танқорлайдилар.

Қарсан ўйини

«Майда қарсан»нинг ҳаммаси ҳам темат ва куйлар билан икромэ этилади. Шуниси харақтерлини, турлар бир-бирдан ажратилмасдан, бир бутун цинл тарзида олиб борилади. Ҳар бўлимда ўнлаб куйлар бўлади. Бироқ ҳаммаси бир хил қарсан усули билан бошқарилади. Иккинчи бўлимга ўтган, куй ҳамда қарсан ритми ўзгариб, рақс ҳаракатлари янгиланади. Давра ўртасидаги ўйинчидан ташқари қарсанчи ва яллагчилар ҳам усулга мос чайқалиб, тўлғониб туришади. Қарсан ўйинларида ўртага чиқиш ҳар кимнинг қўлидан нелавермайди. Чунки ўйинчи ўзининг бутун ҳаракатларини қарсан усулларига мослаши керак.

Қарсан ўйинлари билан икромэ этиладиган яллаглар халқ кўшиқларига хос бўлган барча мавзулар учрайди. Қарсан яллагларининг халқ кўшиқларидан фарқи шундаки, уларда шўх, харақтерли, чертиб танланган нақаротлар бўлади. Кўпчилики томонидан бир овозда айтиладиган бу нақаротлар томошага жўшқинли, ҳарорат бағишлайди, ўйинчинини илҳомлантириб туради.

«Беш қарсан» бошқа ўйинлардан фарқ қилади. Ҳамма даврага терилиб бўлган, байтчи якна қарсан усулига солинган байт айтади.

Эшик олди қайрағоғ,
Болта урсам таги тош,

Кўёв-келли келибди,
Иккови ҳам қалам қош.
Ариқ лаби музлама,
Икқилдим деб бўзлама.
Ўз ёрини уйда туриб,
Бегонани кўзлама.

Байт тугаган заҳоти беш қарсан урилади, қарсан бир кўтарилиб, бир тугагач, яна байт айтилади, яна қарсанка ўтилади ва ҳоказо. «Беш қарсан»да байт икромчиларга энгиллини тугдиради, ўйинга бадийийлик бахш этади. Унинг ритми хийла мураккаб. Уста қарсанчи бир ритмда қарс сонини ўн бешгача олиб боришади. Аммо ритм барибир беш қарсан техникаси асосида қурилади. Коллектив ўз ҳаракатлари, ишо-ишоралари билан, ўртада ўйнаб турган янақхон рақсчининг муқомларига ўз муносабатини билдириб, уни қизатади, янги-янги ҳаракатлар ўйлаб топишга ёрдам беради. Ўйинчининг ҳаракатлари шиддатли, тез ва жангавор бўлади. «Беш қарсан»нинг яна бир хусусияти шуки, ундаги барча икромчилар: усулчи ҳам, қарсанчилар ҳам, раққос ҳам ўйинга ниҳоятда берилиб, қизишиб кетадилар. Бу хусусияти билан «Беш қарсан» қадимги ҳинд рақсларига ўхшаб кетади.

«Қарсан ўйин» қишлоқларда гап-гаштанлар, тўй-базмлар ва сайил маъракаларни қизитган. «Майда қарсан» кўпинча хотин-қизлар орасида севишли томошалардан ҳисобланади. Бу жиҳатдан Ғўс қишлоғидаги хотин-қиз яллагчилар коллективи мақтовга сазовордир. 70 ёшли Курсия Рустамова раҳбарлигидаги бу коллектив «Майда қарсан» билан айтиладиган 50 дан ортиқ яллагчи чинакам эҳтирос ва маҳорат билан икромэ этиб, бутун районда танилган.

Уругут район ашула ва рақс ансамбли «Майда қарсан» меросини ўрганиш ва уни янги бадийи талабларга мос ҳолда ривожлантиришга эътибор бермоқда.

Мухсин ҚОДИРОВ,
санъатшунослик фанлари кандидати.

ШОВҚИН ИШГА ХАЛАЛ БЕРАДИ

Шовқин-сурон ишга халақит беради, соғлиққа зарар. Медицина ходимлари ҳам «Озодалик ва жимлик — саломатлик гарови» деб бениз айтмаганлар. Биз бу ўринда табиий садоларни гапирмаямиз. Улар, қайтага, ҳаётни безайди. Масалан, баҳорда моманқадироқ овозидан заъқ оламиз. Шивалаб ёққан ёмғирнинг гашти-чи? Шаршаралар гулдури, соёлар шовиллаши, кўшлар сайроғида оламолам нашъа бор! Биз уларга кўнниканмиз, севамиз. Гап асабга тегадиган сунъий шовқин-сурон ҳақида. Бундай шовқиннинг зарари ҳаммага маълум. Шовқин — меҳнат қобилиятини, хотира-ни сусайтиради, асабни бузади, ҳордиқ чиқаришга ва куч тўплашга халақит беради.

Бизнинг асримизда бундай шовқинга қарши кураш вазифа бўлиб қолди. У ҳозир кўп олимларнинг ҳам бошини қотиряпти. Бир фантаст-ёзувчи сокинликни орау қилиб асар ёзибди. Унинг айтишича, бир шаҳар шундай жимжит эканки, пашша учса билинармиш. Кейин билса кўчаларга товуш ютадиган усунналар қўйилган экан. Бу ҳозирча, албатта, инсоният ораси, холос.

Ҳозир йирини шаҳарларни шовқинсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тошкентимиз ҳам бир ярим миллион кишилик шаҳар. Бунча аҳолига озмонча транспорт хизмат қилади! Қанчадан-қанча майдонларда нуриллш бораяпти. Юн ортилган улкан машиналарнинг кўчалардан гуриллаб ўтиши, бўлар-бўлмас сигнал беришлар, баъзи кўча безориларнинг ноўшов қилигидан шаҳар аҳли муттасил жабр кўраляпти.

Республикамизда шовқин-суронни камайтириш мақсадида ўтган йили Ўзбекистон Министрлар Совети «Маиший ва ишлаб чиқариш шовқинига қарши курашни кучайтириш тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилди. Қарорда алоқадор ташкилот ва муассасаларга тегишли кўрсатмалар берилди. 1968 йил 5 ноябрда республика Министрлар Совети ҳузурида шовқинга қарши курашни назорат қилиб турувчи комиссия тузилди. Биз яқинда шу комиссиянинг бир неча аъзоси билан учрашдик.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министри ўртоқ Н. Зоиров билан суҳбатимиз бундай бўлди:

— Шовқин-суронга қарши кураш бўйича мажбуриятларингиз бор эди. Уларнинг қандай бажарилганлигини айтиб беролмайсизми?

— Айни мўддао, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Наманган шаҳарларид шовқиннинг иши саломатлигига таъсирини ўрганадиган лабораториялар оқдик. Завод-фабрикалар маъмурияти билан шовқинни камайитириш чоралари ҳақида маслаҳатлашиб турибмиз. Лойиҳалаш институтлари билан ҳам доим алоқадамиз. Негаки, уйларни шовқиндан узоқроқ ерларга қуриш, шовқин кучини синдирадиган усулларни лойиҳада ҳисобга олиш керак. Гигиена ва санитария республика илмий-текшириш институти тўқимачилик саноатида шовқиннинг ишчи саломатлигига таъсирини ўрганаляпти. Институтнинг бир гуруҳ ходимлари эса «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозида нулли шовқин билан узуксиз силкинши механизаторларга қандай таъсир этиши устида иш олиб бораяптилар.

— Шовқин ўлчигич аппаратлар бўлса керак-а?

— Шумомерми? Шаҳар санитария-эпидемиология станциясида бир вақтлар бор эди. Ҳозир у ишдан чиққан. Янгиси ҳали йўқ.

— Комиссиянинг иши ҳақида нима дейсиз?

— Гапнинг сирасини айтганда, ишимизни қониқарли деб бўлмайди. Ҳанузгача бирорта қўшма мажлисимиз бўлмади. Республика Ички ишлар министрлиги, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги, Тошкент шаҳар ижроия комитетидаги баъзи ўртоқлар, чамамда, унча масъулият сезишмаётганга ўхшайди. Ҳар кун, ҳар надамда шовқин безориларига дуч келасан. Сершовқин моторли машиналар шаҳарнинг марказий кўчаларида елден учиб юрибди. Бунақа машиналарнинг тунги соат 11 дан эрталаб соат 7 гача тўхтаиб қўйиш керак. Мотоклуб жойлашган районларда мотоцикл тариллашлари, бақириб неросин сотувчилар... санасангиз жуда кўп.

— Яқин йиллар ичида шовқинни бар-тароф қилиш мумкинми?

— Бўлмасам-чи, албатта. Бу ўзимизга боғлиқ.

Республика Қурилиш ва автомобиль йўлларидан фойдаланиш министри ўртоқ А. Қанонов билан ҳам гурунг қилдик:

— Министрлик бўйича шовқинга қарши қандай чора кўриляпти, икки оғиз гапириб берсангиз.

— Дарвоқе, ўша комиссияга биз ҳам аъзоимиз. Ленин бирор марта мажлис чақирганимизда дуруст бўлар экан-да.

— Бу масала билан шуғулланадиган одам бўлса керак?

— Ҳа. Автомобиль, йўл хўжалиги раҳбарларига ва саноат муассасаларига тош-шириқлар берганмиз. Масалан, нечаси дизелли автомобилларнинг қатновини, бузуқ глушитель билан юришни тақиқлаш ҳақида тадбирлар белгилядик. Йўл ва турар жойлар яқинидан ўтадиган кўчаларни тузатишга алоҳида эътибор берамиз.

Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси ўринбосари Г. М. Саркисов билан савол-жавоб:

— Қарорга биноан, шаҳримиздаги шовқинга қарши курашда энг натта масъулият бизларнинг зиммамизда. Пойтахтнинг қайта нуриллишида бу масала ҳам кўзда тутилган, Янги йирин корхоналар шаҳардан четда қурилади. Эскилари мумкин қадар марказдан кўчирилади.

— Узингизга маълум, дарахт шовқинни бирмунча ютади. Бу йил қанча ихота ўтқазилди?

— Кузда йўл ёқаларига 624 минг туп ниҳол ўтқазмоқчимиз. Муқимий, Фурқат, Волгоград, «Халқлар дўстлиги», Виставка ваби ўнлаб кўчалар кўналамзорлаштирилади.

— Ахлат ташувчи машиналарнинг қатновини камайтирса бўлмайдики?

— Бўлади. Келаси йилдан шундай қилмоқчимиз. Самарқандда ахлат соли надиған 25 минг донга юз кубометрлик темир қути тайёрланаяпти. Бир йилдан кейин ҳамма автомашиналарнинг сигнал беришини ҳам тақиқлаб қўямиз.


— Шаҳар кўча ва йўллари қанча равон, текис бўлса, шовқин шунча камайди. Бу ҳақда нима дейсиз?

— Йўлларни тузатишга бу йил 4 миллион 394 минг сўм ажратилган...

...Кўришиб турибдики, шовқинга қарши кураш бошланган бўлса ҳам, ҳали кўнгилдагидек эмас. Тошкент ижроия комитети ҳам бу масала юзасидан 1963 йилнинг 25 июнидаги тадбирлар белгилади. Ҳолбуни, республика Министрлар Совети 1968 йил 5 ноябрда қарор қабул қилган эди.

Бутун республикамизда, жумладан Тошкентдай шаҳри азимда шовқин-суронни камайитириш учун кураш ҳаммамизнинг бурчимиз. Чунки гап эл-юрт саломатлиги ҳақида кетаяпти.

Мурод ХИДИРОВ.



Угам сойи жилгалари,

О. ОХОТНИКОВ фотоси.

Дам олиш пайтларида ўқинг

ИМПЕРАТОРНИНГ РАҚИБИ

Рим императори Калигули ўз аргумоқ отини азбаройи яхши кўрганидан уни сенаторлик мартабасига кўтарган экан. Англиялик футболчи Билл Фойл ҳам ўз отини яхши кўради. Ленин отини император Калигули каби, масалан, лордлар палатаси аъзолигига кўтаришга унинг кўли калталиқ қилади, албатта. Шундан кейин у ўз содиқ дўстини футболчи қилсам қандай бўларкин, деб ўйлаб қолди. Рост-а, деди-ю, машқ қилдира кетди. Натижада Мустанг ажайиб дарвозабон бўлиб етишди. Унга ҳар қандай машҳур команданинг ҳам дарвозасини ҳимоя қилишни бемалол ишониб топширса бўлаверади.

Ҳозир Билл Фойл Мустангнинг матчаларда қатнаша олиши мумкинлигини футбол лигасига қандай қилиб тушунтирсам экан, деб боши қотиб юрибди.



РОЗИ, ДЖОН ВА МОТОЦИКЛ

Лондон ҳайвонот боғида Рози ва Джон деган икки маймун томошабинни танг қолдириб мотоциклда айланиб юришган эди. Улар ҳар нуни айланма йўлда гизиллагани гизиллаган. Бу уларнинг жонига теккан бўлса керак, бир сафар дарвоза очиб турганини кўриб, газ беришди-ю, уриб кўчага чиқишди. Қани тугиб бўлса! Йўловчилар ўзларини четга отган, транспорт ҳаракати тўхтаган, ўргатувчи мотоцикл кетидан юк машинасига қафас ортиб қувган!.. Тўполон!

Мотоциклда шамолдай учиб нелаётган галати йўловчиларни тасодифан кўриб қолган регуляровкани беихтиёр тағгини кўтарди. Рулда ўтирган Джон ҳам шартта тормоз берди. Ургатувчи ҳам таёқ кўтариб «тўхта» деб ишора қиларди-да! Ургатувчи Джон билан Розини қафасга қамаб бўлгач, регуляровкани сержантнинг қўлини маҳкам сиқиб:

— Балли, сеснанмадингиз ҳам-а? Ахир, маймулар тўппа-тўри сизга қараб нелишётган эди-ку!— деди.

— Маймуни, маймун эмасми,— пинагини бузмай жавоб қайтарди тартиб сақловчи,— ҳаракат қондаси барчага бир хил!



«Гулистон»нинг яни таржимаси

Жаҳон адабиётида шоҳ асарлар борки, улар ҳеч қачон эскирмайди, шухрат ва аҳамиятини йўқотмайди, асарлар оша инсонларнинг баҳра оладиган ардоқли, севимли китоби бўлиб қолаверади. Шундай асарлардан бири — Шарқнинг буюк донишманди Саъдий Шерозийнинг «Гулистон»идир.

«Гулистон»ни XIX асрнинг ўрталарида ўттиз санинмачи марта инглиз тилига таржима қилган Эйдон Орнвел шундай ёзган эди:

«Саъдий — ҳар жиҳатдан оқил ва муқаддир бир файласуф, дунё кўрган тажрибали донишманд. Унинг асарлари қачон ва қандай шароитда қўлга олинмасин, доимо шоён мутлоаaddir, истаган бир саҳифани очиб ўқисангиз, унинг завқли ва узоқни кўрадиган буюк закосининг ажиб панауна-сига дуч келасиз».

Саъдий асарларининг бунчалик эътибор қозонишига, ҳақлар дилидан жой олишига сабаб — уларда умуминсоний гуманистик ғоялар, илгор татлимий пандлар, реал турмуш муносабатлари ниҳоятда қизиқарли таъсирланганлигидир. Файласуф адиб адолат ва эзулик, тенглик ва биродарлик, дўстлик ва муҳаббат, меҳнагсеварлик ва одамийликни тараннум этади, инсон кадр-қийматини шарафлайди; хасислик, душманлик, ҳасад, ёвузлик, жоҳиллик каби хусусиятларни танқид қилиб, кишиларни маърифатли, пок ахлодли, софдил ва меҳрибон бўлишга даъват этади.

Ўзбек халқи ўзининг бой адабиёти билан бир қаторда жаҳон ҳақлари бадийи таваққури эришган дурдона асарлардан ҳамisha баҳраманд бўлишга интилиб келган. Фирдавсий, Низомий, Румий, Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий, Веийл асарлари, «Қадила ва Димна», «Минг бир кеча», «Чор Дарवेश», «Гўтинома», «Баҳори дониш» каби юзлаб китоблар асл нуسخасидайқ ўзбек китобхонлари орасида кенг тарқалиб кетган. Айниқса Саъдий асарлари алоҳида муҳаббат билан мутлоа қилинган, унинг «Гулистон» ва «Бўстон»и аса мактабларда дарслик сифатида қўлланиб келинган.

«Гулистон»нинг Улуғ Октябр революциясига қадар Сайфи Саройи (XIV аср), Муҳаммадирзо Оғаҳий (XIX аср) ва Муродхўжа Солихўжа ўғли (1909 йил) томонидан ўзбек тилига уч марта қайта таржима этилганлиги халқимизнинг бу асарга ихлоси катта бўлганидан далолат беради. Бу таржималарнинг ўз даври учун тарихий аҳамияти катта бўлса-да, лекин маданий савияси, онг-таваққури, адабий тил хазинаси беқиёс даражада ўсган ҳозирги ўзбек китобхонини бу эски таржималар қаноатлантирмай қўйди.

Отaxon шoirимиз Рафур Гулом, Ш. Но-мухамедов ва Р. Қомилловлар томонидан таржима қилиниб, 1968 йилда босиб чиқарилган янги таржима ўқувчилар томонидан кўпдан бери қутулган азиз совгадай зўр қизиқиш билан қутиб олинди. Таржимонлар асарни унинг 1959 йилда Москвада

чиқарилган танқидий текстидан қисқартириб таржима қилганлар. Ундаги 183 ҳикоятдан 135 таси, 8-бобдаги 116 ҳикоятдан 70 таси тўла олинган.

Янги таржиманинг афзалликлари кўп. Даставвал шунга қайд қилиш керакки, ўзбек китобхонлари бу таржима тўфайли биринчи марта «Гулистон»ни дугагага муҳтож бўлмай, қийналмасдан ўқиб тушунганидан ва унинг ҳикमतларидан она тилида бемалол баҳра топадиган бўдилар.

Асарга икждий муносабатда бўлган таржимонлар унинг ўзига хос услуби, завқбахш бадийи хоссаларини маълум даражада сақлашга муваффақ бўлганлар. Улар аруз вазининг турли баҳрларида яратилган, ҳар бир байти бир мақолдай янграган шеърларнинг баркамол образларини бармоқ вазида беришга интиланлар. Шеърлардаги ҳикоят руҳи, мазмунига мос оҳанг, саъдийна таъсирчанлик таржимода бемалол сезилиб туради.

Таржимонлар асар текстига ўринсиз сўз ё ибора қўшмай, унинг баркамоллигини тўла беришга ҳаракат қилиб, Саъдий яшаган давр руҳини, асар тасвирлаган тарихий шартини, авторнинг ҳикоятчилик маънасини еткази билганлар. «Гулистон»нинг ғоявий мазмуни ва бадийи эстетик қиймати ўзбек китобхонига етиб боради.

Бироқ, ҳар тўғрисида бир нуқсон дегаларидай, бу таржиманинг баъзи эътироз билдирадиган жойлари бор. Дасглаб кўзга ташланадиган камчилик шунки, асар насрига хос бадийи хусусиятлардан бири бўлган сажъ (ички қофиядошлик) таржимода дуруст акс этмаган. Бу ҳол, хусусан, 8-бобдаги ҳикमतлар таржимасида кўринади. Бундан ташқари, китобда айрим нотўғри таржималар ҳам учраб туради. Масалан:

Эй ки ба иқболи ту дар олам нест,
Гирем ки ғамат нест, ғами мо ҳам нест.

(Эй бахтиёрликда оламда тенги йўқ одам, агар сенда ғам бўлмас, бизда ҳам йўқ) деган байт:

Бу оламда иқболим бор дебон, эй
чирангувчи,
Сенинг қайғунг бўлса, бўлмас, хўш,
бизларнинг қайғув-чи? (37-бет)

тарзида нодуруст ва ғализ таржима этилган. Бу — ҳикоятнинг умумий мазмунига мувофиқ эмас. Китобнинг 104-бетига аса, шёнр бошқа персонаж тилдан келтирилганлиги учун ҳикоят мазмуни маъҳум бўлиб қолган.

Булар келгуси нашрларда тuzатилади, деган умиддамиз. Шунингдек, «Гулистон»нинг тўла таржима этилишини истар эдик.

Н. КОМИЛОВ,
Пушкин номидаги тил ва адабиёт
институтининг аспиранти.

«ГУЛИСТОН» МУКОФОТЛАРИ

«Гулистон» тахрир ҳайъатининг қарори билан, журнализмда босилган энг яхши адабий асар, очерк ва публицистика ҳамда фото очерк ва суратлар учун йиллик мукофотлар таъсис этилди. Мукофотлар ҳар йили журналнинг 12-сонига эълон қилинади.

1969 йилги «Гулистон» мукофотлари бу йил журнализмда актив иштирок этган қўнидаги авторларимизга берилди:

Хусниддин ШАРИПОВга — «Ильични ўйлайман» деган шеърлар цикли учун (6 ва 11-сонлар).

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВга — «Ота-она розими» сарлавҳали публицистик мақола учун (7-сон).

Одил ЕҚУБОВга — «Матлуба» қиссали учун (7 ва 8-сонлар).

Роман ЛЕВИЦКИЙга — «Бухоро» циклидаги рангли суратлар учун (7-сон).



Хусниддин ШАРИПОВ



Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ



Одил ЕҚУБОВ



Роман ЛЕВИЦКИЙ

ЯЛПИЗ СОМСА

Маҳалламизда мулла Зайниддин деган ниши бор. Узи жуда билимдон, дилкаш одам. Буш вақтин бўлди дегунча чиғиб ҳангомалашиб ўтираман.

Зайниддин ана росданам гоҳо-гоҳо муллаглик қилиб қўярган. Лекин унинг «муллаглиги» сал бошқачароқ эди...

Бир кунни қизиқ бўлди. Ишдан қайтаётсам эшигидан турибди.

— Ҳорманг, мулла Собир!— деди менга кўзи тушиб.

— Бор бўлинг!— деб бориб кўришдим. Зайниддин ана кулди:

— Сомсага қалайсиз, сомсага!

— Қанийди,— дедим мен ҳам илжайиб,— айниқса ялпизлигидан бўлса... Фасли Баҳор дегандай...

— Унда тезроқ ювиниб бизниқига ўтинг. Бугун битта муридимдан назр олдим...— қўшини нулимсираб уйига кириб нетди.

«Яна бир антиқа хунар кўрсатибди шекилли-да Зайниддин ана» деган ҳаёлда ҳовлига кирдим. Кийимларини алмаштириб кўшининикига равона бўлдим.

Чиксам, Зайниддин ана олдиға нақшбанд хонтахтаани қўйиб, чўнра тушиб ўтирибди. Хонтахтада бир тоғора иссиқ сомса!

Биланин шимариб, сомсаларни қийратишга киришдим. Ора-чора сўраб қўяман: — Айтақолинг энди, амаки, бу жовновларни қайси қўлинг дард кўрмагур пиширган?

— Сал қоринин алдаб олинг, кейин айтаман,— дейди-ю, Зайниддин ана мугомбидона жилмайиб хушбўй ялпизли сомсани пуф-пуфлаб тушураверади...

Тоғоранинг таги кўринай деганда у ялпиз сомса тарихини айтиб берди.

... Бундан бир ойча аввал Зайниддин ана қорбогини айланиб юрган экан, ён эшик гийқиллаб очилибди. Қараса — хушрўйгина бир келинчак турган эмиш.

— Ассалом...— деб таъзим қилибди жувон.

— Ваалайкум ассалом! Келинг, қизим?— дедди Зайниддин ана унга пешвоз чиғиб. Жувон ийманбигина кирибди-ю, сула четиға омонат ўтирибди. Кейин муддаасини айтибди:

— Кувингизни дастидан нелудвим, муллаана... Кунора ичиб келадиган қилиқ чиқарди. Сўнкани сўнкан. Бир-икки марта ураман, деб югурувди, аранг қочиб кутулдим...

— Оббо бадбахт-ей!— кувни ёмонлаган бўлибди Зайниддин ана, кейин жувонни овутибди,— ҳа, майли, сабр қилинг, қизим, сабр таги сариқ олтин.

— Шунга... бир амал қилиб берсангиз, муллаана. Зора ёмонлигини қўйса...

Зайниддин ана келинчакка бир раэм солибди-да, ўйланиб қолибди: «ёёк-қўли қақонгизна кўринади. Тили ҳам шунга

яраша бордир. Энг гап билмайдиган хотин тўртта эзма эркакка дарс беради».

— Майли, сиз ўтиратуринг, келин, мен ҳозир чиқаман,— Зайниддин ана меҳмонхонага кириб нетди. Тончаларни титкилаб, кампирининг халта-хултасидан бир ҳорувч жийда топиб олди. Бир жийдани яхшилаб арчбди. Кейин пўчоғини обдан қириб тозалабди-да, уч еридан кертмак солиб қўйибди. Бир парча ногўзга тез-тез алланарсаларни ёзиб, жувоннинг олдиға чиғибди.

— Бу эзиб ички,— дебди қорғозни чўзиб,— кувнинг овқатиға қўшиб берасиз. Мана бу дам солиingan жийдапўчоқ... Қачонки, кувё бола жанжал бошламоқчи бўлса, оғзингизга солинг-у қаттиқ тишлаб ўтираверинг. Зинҳор гапирманг. Гапирдингиз — дуонинг дами қайтади. Унда ёмон бўлади. Уқингизми? Хўш, энди сизга рухсат. Қирқ кундан кейин нелиб менга натижасини айтасиз...

Жувон қайта-қайта миннатдорчилик билдириб жўнабди.

... Келин уйға келади-ю, эзиб ичкини овқатта қўшади. Жийдапўчоқни нимчасига бекитиб, дуонинг қароматини кута бошлайди.

Ой чиғиб, алламаҳал бўлганда кўчадан маст-аласт таниш хиргойи эшитилади:

Бор-ма санамин уйиға, до-од,
Санам солар ўз кўйи-га-а!..

Хуллас, кувё тўра гандираклаб ҳовлиға кирадилар. Шу заҳоти келин нимчасидан жийдапўчоқни олиб оғзига солади ва юғуриб бориб уйнинг бир бурчағиға ўтириб олади. Кувё останадан бақиради:

— Хотин! Ҳо хотин!
Хотин индамайди. Эр яна бақиради:

— Нага индамайсан?! Нима бало, ўлиб қолганмисан.

Хотин тагин жим. Тили ҳам қанча кичиб турмасин, жийдапўчоқни алам билан тишлаб, тек ўтираверади.

— Овқат даяпман сенга!

Хотин югуртилаб бориб, ўчоқдан овқат келтириб столға қўяди.

— Чойинг борми?

Келин соқов одамдай, гап-сўзсиз зипиллаб чиғиб нетади. Термосда чой келтирилади. Эр таажкуб билан ичиб-ейди-ю, тўнгиллаб-тўнгиллаб ухлаб қолади...

Эртаси кечурун у яна ичиб келади. Бу гал ширакайф. Келинпошша аллақачон оғзига жийдапўчоқни солиб олган бўлади. Кувёнинг ҳамма буржуқларини индамай бало келтиради-ю, мунгайиб бир чекнада ўтираверади. Эрнинг фиғони фалакка чиқади.

— Тилинг кесилганми, нимаға миқ этмайсан?!

Хотин, дуонинг касридан қўрқиб, оғиз очмайди, жийдапўчоқни жаҳл билан тишлайди... Шундан кейин эр жиддий ўйға толади:

«Бунга бир бало бўлган,— дейди у,— ё эси кирган, ё жин чалган. Дард десам бало дерди. Бир гапирсам, ўнтасини қўндирарди. Йў; соғ эмас. Дўхтирга қаратиш керак».

... Алқисса, эр аста-секин ичишини намайитиради, оғзидан боди кириб-шоди чиқмайдиган бўлади. Келинпошша ҳам етти кунлик «соқовлик»дан сўнг, қақалондай қайта тилға кира бошлайди...

— Олдингиздаги ялпиз сомса ана шу жийдапўчоқдан пиширилган,— деб нулди Зайниддин ана.

— Энди эзиб ичкиға қандай дуо ёзганингни айтиб берасиз,— деб туриб олдим. Зайниддин ана кўрсаткич бармогини силтаб ҳазиллашди:

— Ҳа кув бола! Мени бошлаб газетаға уриб чиқай дейсиз-а? Йўқ, унақаси кетмайди.

Сўнг, аста ўрнидан турди-да, тоқчадаги қалин китоб орасидан тўрт буқланган қорғоз олиб олдимға ташлади.

— Мана, ўқинг...

Бир оз ҳиконаладим-у, ўқий олмадим.

— Арабчаға кўзим ўтмайди,— дедим тан олиб. Кейин ўзи ўқиб берди.

«Эзиб ички бу турур».

Шшиадан қувват олиб суюкли хотиниға озор берадиган эрнинг тилиға ришта, қўларига куйдирги қиссин.

Нодон эр бемаза гап қилганда доно хотин тилини тийиб турмоғи лозим.

Ўзларингдан тинчиб, ували-жували бўлиб нетинглар-у, мен саовлариниға қолай».

С. СИБЕВ.




Кичкинтойларга ўқиб беринг

Кичкина дўстларим! Мен сизларга атаб улуғ бобомиз Ленин тўғрисида шеърлар китоби тайёрлашман. Шунинг учун яқинда доҳийнинг ватани — Ульяновск шаҳрига ҳам бориб келдим. Бу сафарим таассуротларидан иккитагина шеъримни тақдим этаман.



— Амаки, сиз нор бобоми?



Сўзсиз



Отарчининг портрети

Э. РУЗИБОВЕВ расмлари

КУКСИМИЗДА
ҚЎЛИМИЗ

Ульяновск, қўтлуғ шаҳар,
Ленин бобом ватани!
Истар сенга иқбол, зафар
Совет Ўзбекистонин!

Ўлкамизни обод, улкан
Пахта кони дейдилар.
Қанча миллат бахтин топган,
Дўстлар жони дейдилар.

Ўзбек элни фикри-ёди,
Қалби доим сен билан.
Ленин илми-истеъдодини
Ўрганар зехн билан.

Зиёратга келдик бизлар,
Тўлиб-тошиб кўнглимиз.
Қўллуқ қилар ўғил-қизлар,
Куксимизда қўлимиз...

МУЗИКА

I

Рояль турган бу хона
Жаҳон учун ягона.

Она чалганда созин
Богни тутган овози.

Куй шовиллар ўрмондай,
Гоҳи шивирлар тонгдай.
Гоҳ бўлар чўпон найи,
Таралиб ҳар ён майни.

Гоҳ Волгадай ҳайқириб
Ва тенгсиз кучга кириб,
Отилгандай осмонга,
Солади ҳаяжонга!

II

Шу музика жон бўлиб,
Кучи битмас кон бўлиб,
Ўсди ўғил, қизда,
Барқ уриб юз-қизда.

Онажони роялда,
Улар не-не хаёлда,
Жўр бўлшиб куйлашар,
Эллар ҳолини ўйлашар.

От ўрнида от бўлиб,
Ўз ерида ёт бўлиб
Юрганларни кўради,
Қалби тугён уради.

Ҳар куй, ҳар оҳанг гўё
Мард халқига илтижо:
— Оёққа тур! дегандай,
— Евларни сур! — дегандай...

III

Қўнлар ўтиб курашда,
Тўнлар ўтиб курашда,
— Ҳурлик! — дея боғлаб
бел,

Шаҳдам юрди олға эл!

Ульяновлар чалган куй
Ва ундаги катта ўй
Бўлди кенг олам куйи,
Бўлди бор одам ўйи!

Кенг Россия шитобда,
Питердаги штабда
Вақт тақдирин қилди ҳал,
Бахт тақдирин қилди ҳал!

Бизлар куйлар ошиғи,
Яхши ўйлар ошиғи.
Тинчлик бўлсин оламда,
Инсоф — ҳар бир одамда!

ҲАР СОҲАДАН БИР ШИНГИЛ

Японияда фокус масофаси 5200 миллиметрлик фотообъектив иختиро қилинди. Бу объектив ёрдами билан 5 километр нарида турган кишининг қиёфасини тиниқ суратга олиш мумкин.

Будапешт университети босмаҳонасининг мудирини Юлиуш Янка илмий китобчалар коллекциясини тузган. Унинг коллекциясида шундай китобча ҳам борки, уни оддий почта маркасига ўраса бўлади, яъни унинг эни бўйи атиги 5 миллиметрдан.

Ҳиндистоннинг Чандернагар шаҳрида ҳамма маъола ва хабарларни фақат шеър билан ифода этадиган газета чиқади. Газетада нимани чинса, албатта қўфияланган сатрларда ёзилган бўлади.

Туркиянинг Миллий музейида пергаментга ёзилган хат бор. Уни XVI асрда Эрон шоҳи турк Султонига ёзган экан. Хат битилган пергамент чоразининг эни 7, узунлиги 10 метр.

МУҚОВАЛАРДА

Биринчи бетда — Ленин ҳақида ҳикоя.

Иккинчи бетда — Тошкент трактор-йиғув заводидан тайёр машиналар улуксиз чиқиб турибди. «Зангори нема»лар сўнги тонналарини йиғиб олаётир.

Г. ГРАФКИН фотолари.

Учинчи бетда — Тошкент сув спорти саройи. Бу ерда фақат сузиш ёки сувга сакраш мусобақаларининг ўтказилиб қолмай, соғломлаштириш гуруҳлариди ҳолиргача 31 мингдан ортиқ киши машғул бўлди.

Г. ГРАФКИН фотоси.

Тўртинчи бетда — Тошкентда қиш.

Г. ГРАФКИН фотоси.

Бош муҳаррир: Асқад МУХТОР.

Тахрир ҳайъати: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Аҳмад ЖАБОРОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Исқандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош муҳаррир уринбосари), Уктам ОРИПОВ, Рустам РАҲИМОВ (масъул котиб), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУНАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Комил ЯШИН, Муҳаммаджон УРОЗБОВЕВ, Тошмуҳаммад ҚОРИ-НИЕЗИЯ.

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Бош расм Э. РУЗИБОВЕВ.


Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.

АДРЕСИМИЗ: Тошкент, 47. Карл Маркс кўчаси, 30-уй.

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳаррир — В-33520. Бош муҳаррир уринбосари — В-33590. Масъул котиб — В-33659. Ижтимоий-сиёсий бўлим — В-33602. Адабий бадиий бўлим — В-33519. Фан ва маданият бўлими — В-33519. Қабулхона В-33520.

Босишга иккитат берилди 16/XII-59 й. Қоғози 70 × 108¹/₈. Ҳажми 4 босма тобқ. Буюртма 1104. Нусхаси 155685. Баҳоси 30 т. Р. 18753.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри.



Баҳоси 30 тифиш
Индекс 75233

M

